


ТАФАККУР

ИЖТИМОИЙ - ФАЛСАФИЙ, МАЪНАВИЙ - МАЪРИФИЙ, РАНГЛИ - БЕЗАКЛИ ЖУРНАЛ



TAFAKKUR

2
1998



Рахим Ризамухамедов асари

“Аҳмад ал-Фарғоний”

Муҳтарам журналхон!

“Тафаккур”нинг қўлингиздаги ушбу сони тарихий аҳамиятга эга десак, муболага бўлмайди. Унда Президент Ислон Каримовнинг журнал бош муҳаррири саволларига жавоблари эълон қилинмоқда.

Биз учун алоҳида фахрли ва унутилмас жиҳати шундаки, мазкур журнал Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан дунёга келган эди. “Тафаккур”нинг илк сонига оқ йўл тилаб, унинг фаолият йўналишини белгилаб берган ҳам давлатимиз раҳбаридир.

Биз жамиятимизнинг маънавий тараққиёти, тарихимиз ва келажагимиз билан боғлиқ масалалар ҳамда замон ўртага қўяётган янги янги муаммолар хусусида юртбошимизнинг фикр-мулоҳазаларини журнал саҳифаларида кўришни кўндан буён орзу қилиб келар эдик.

Бугун шундай суҳбатга имкон туғилди. Ушбу суҳбат “Тафаккур” тарихида унутилмас саҳифа бўлиб қолажак.

Муҳтарам Президентимиз томонидан олга сурилган янгича гоя ва назарий қарашлар мамлакатимизнинг маънавий ҳаётида дастурил-амал бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.



Жамиятимиз мафкураси халқни — халқ, миллатни — миллат қилишга хизмат этсин

*Гояга қарши фақат гоя,
фикрга қарши фақат фикр,
жаҳопатга қарши фақат маърифат
билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин*

САВОЛ. Муҳтарам Президент, аввало нафақат журналхонларимиз, балки кенг жамоатчилигимизни ўйлантириб турган саволларга ўз муносабатингизни билдиришга розилик берганингиз учун Сизга ташаккур изҳор этамиз.

Маълумки, бундан бир юзу ўттиз йил муқаддам халқимиз миллий мустақиллиги ва тарихий давлатчилигини йўқотиб, мустамлака асоратига тушиб қолган эди. Шу давр мобайнида аждодларимиз, миллатимиз машаққатли синов ва кураш йўлларини босиб ўтди. Боболаримиз чор Россиясининг зулмини беадад тортган бўлса, оталаримиз Октябрь тўнтаришини, Гражданлар урушини, кулоқлаштириш кампанияси, Сталин қатағонларини, Иккинчи жаҳон муҳорабасининг азобу уқубатларини, таҳликали эллигинчи ва ниҳоят “десантчилар зулми” номини олган саксонинчи йиллар воқеаларини бевосита бошидан кечирди. Биз — нисбатан ёш авлод эса “ривожланган социализм” деб аталган даврни ҳам кўрдик, коммунистик мафкуранинг ҳукмрон тазйиқи остида ҳам яшадик. Бу мафкура зулм ва зўравонликка, фирромлик ва сохтакорликка асосланганини яхши биламиз. Шу сабабли ҳам у ҳалокатга учради.

Гарчи кейинги йилларда миллий мафкура яратиш борасида муайян ишлар қилинган бўлса-да, мафкура тушунчасига ҳанузгача ҳолис илмий таъриф берилган эмас.

Сиз мафкура деганда нимани тушунасиз? Жамият фаолиятида, хусусан, Ўзбекистоннинг бугунги ҳаётида мафкура қандай ўрин тутуди?

ЖАВОБ. Мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур. Мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар. Иккинчидан, қаердаки мафкуравий бўшлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона мафкура ҳукмронлик қилиши ҳам тайин. Бунинг исботи учун хоҳ тарихдан, хоҳ замонамиздан кўплаб мисоллар келтириш қийин эмас.

Келинг, бир лаҳза атрофга теранроқ назар ташлайлик. Кўп синовлар, азобу уқубатлар, хатолар, фожиалар, урушлар, қатағонларни бошидан кечирган асримиз поёнига етаётган, инсоният янги аср бўсағасида турган бугунги кунда турли хил эски ва янги мафкураларнинг ўзаро кураши ҳар қачонгидан ҳам кўра шиддатли тус олмоқда. Ранг-баранг, баъзан бир-бирига мутлақо зид дунёқарашлар, сиёсий, миллий, диний оқимлар, мазҳаб ва секталар ўртасидаги фикр талашувлари гоҳо баҳс-мунозара доирасидан чиқиб қонли тўқнашувлар, оммавий қирғинларга сабаб бўлмоқда, одамлар бошига беҳисоб қайғу-қулфатлар солмоқда.

Бошқача айтганда, ҳозирги вақтда дунёда икки қарама-қарши қутб барҳам топган бўлса-да, турли хил мақсад-манфаатларни ифода этувчи мафкуралар тортишуви тўхтагани йўқ. Очик айтиш керакки, бу тортишувлардан кўзланган



асосий мақсад — инсон, авваламбор ёшлар қалбини эгаллаш, муайян мамлакат ёки минтақадаги бирор миллат ёки халқнинг онгига, унинг сезги-туйғуларига таъсир ўтказиш, уни ўз дунёқарашига бўйсундириш, маънавий жиҳатдан заиф ва тобе қилиш. Фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги эса ҳар қандай иқтисодий ёки сиёсий қарамликдан ҳам кўра даҳшатлидир.

Узоқ тарихимиздан маълумки, ҳар қандай зўравон босқинчилар ва юртимизда ҳукмронлик қилмоқчи бўлган кучлар ёвуз ниятларига эришиш учун аввало миллий маданият ва анъаналаримизни йўқ қилиш, шу йўл билан бизни маънавий жиҳатдан заифлаштиришга, куч-қудратимизни йўқотишга ҳаракат қилганлар. Бу ҳақиқатни ҳеч қачон ёдимиздан чиқармаслигимиз керак.

Бугунги кунда одамзод маълум бир давлатлар ва сиёсий кучларнинг манфаатларигагина хизмат қиладиган, олис-яқин манбалардан тарқаладиган, турли маъно-мазмундаги мафкуравий кучларнинг таъсирини доимий равишда сезиб яшайди. Ахборот асри, электроника асри деб аталган XX асрнинг ниҳоясида — бугунги давримизда бу таъсирлардан холи бўлиш деярли имконсиздир. Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларига нисбатан ҳам кўпроқ кучга эга. Энг қизиғи, шу билан бирга, кишини доимо огоҳ бўлишга ундовчи томони шундаки, агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазйиқ бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазйиқ, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб етиш ниҳоятда қийин.

Мана шундай бир вазиятда одам ўз мустақил фикрига, собит эътиқодига, ўзи таяниб яшайдиган ҳаётий-миллий қадриятларга, шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли мафкураларнинг босимига, уларнинг гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кўринишдаги тазйиқларига бардош бериши амримаҳол. Буни кундалик ҳаётда учраб турадиган кўплаб воқеалар мисолида ҳам кузатиш мумкин. Масалан, Япониядан тарқалган “АУМ Сенрикё” деган диний оқим вакилларининг фаолиятини эслайлик. Улар дунёнинг турли мамлакатларидаги юзлаб ёш йигит-қизларни иродасидан, онг-шууридан маҳрум қилиб, зомби — яъни манқуртга айлантириб қўйгани яхши маълум-ку. Ёки дин ниқоби остида Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистонга ҳам кириб келишга уринаётган ваҳҳобийлик оқими намояндаларининг зарарли кирдикорларини олайлик. Бу каби ҳолатларнинг қандай мудҳиш оқибатларга олиб келишини, менингча, узоқ тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Кўриниб турибдики, табиатда ҳам, жамиятда ҳам вакуум — бўшлиқ бўлиши мумкин бўлмаганидек, мафкура соҳасида ҳам бўшлиқ вужудга келишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Айниқса, бутун дунёда,

жумладан, информация оламида глобаллашув жараёни кечаётган ҳозирги пайтда, яъни лўнда қилиб айтганда, жаҳоннинг бир чеккасида содир бўлаётган воқеалар ва ҳаракатларнинг тез тарқалиб кетаётганини ҳисобга олганда, бу масаланинг аҳамияти ва долзарблиги янада ортиб бормоқда.

Фикримни соддароқ қилиб тушунтиришга уриниб кўраман.

Агар аср бошидаги ҳаёт ва тафаккур тарзи билан бугунги кунни қиёсласак, ер билан осмонча фарқни яққол кўрамай. Техник тараққиёт ҳозиргидек юксак босқичга кўтарилмаган бир даврда дунёнинг тартиботи ҳам, одамлар ўртасидаги муносабатлар ҳам, бинобарин, маънавий-мафкуравий тушунчалар ҳам шунга мос равишда содда ва аниқ-равшан эди.

Яқинда Абдулла Қодирийнинг “Фирвонлик Маллавой” деган кичик бир асарини ўқиб қолдим. Унда асримиз бошида Туркистонга поезд кириб келиши билан боғлиқ бир ҳангома кулгили шаклда акс эттирилади. Наманганга темир йўл тортилиб, синов паровози келадиган бўлади. Паровозни умрида кўрмаган одамлар уни буғ қуввати билан юрадиган “жонивор” деб тасаввур қилишади. “Ўзи қоп-қора бўлса, юрганда дам-бадам пишқирса, чанқаганда қичқирса, минг челақлаб сув ичиб, очиққанда бўқирса, бу — албатта, зўр бир ҳайвон бўлса керак”, деб ўйлашади. Кимдир унга “қора айғир” деб ном ҳам қўяди. Синов паровози келишидан бирор кун илгари уни кутиб олишга тайёргарлик кўрилади. Станция ёнига “қора айғир”га атаб ўн арава кўк беда, эллик пудча арпа тайёрлаб қўядилар...

Албатта, бу асарда жиндак муболаға, ҳазил-мутоиба ҳам йўқ эмас. Лекин у ўша пайтдаги одамларнинг тасаввурларини дунёқарашлари нақадар одми, содда, самимий бўлганини ҳам кўрсатади. Шу билан бирга, бу фақат ўзбек халқига хос хусусият эмас, бошқа халқларнинг ҳам ўша даврдаги турмушини кўздан кечирсангиз, шунга яқин жиҳатларни учратиш мумкин.

Энди шундай ҳолатни ҳозирги кунда тасаввур қилиш мумкинми? Айтайлик, компьютер, факс, “уяли” телефон, параболик антенна, электрон почта каби мўъжизалар ҳаётимизга нисбатан яқинда кириб келди. Лекин ҳозир шу мўъжизалар билан юртимизнинг энг олис ва чекка қишлоғида яшаётган мактаб ўқувчисини ё бўлмаса бирор отахонни ҳайратга солиш мумкинми? Эҳтимол, улар бу нарсаларга бирпас ҳайрон бўлиб турар, аммо кейин худди бу асбобларни умр бўйи биладигандек тезда кўникиб, ўзлаштириб кетади.

Айтайлик, ҳозир жаҳоннинг олис бир бурчагида қандайдир воқеа содир бўлса, зум ўтмай



бутун дунёга маълум бўлади. Ва бу воқеа ер юзининг бошқа бир четида дарҳол акс садо беради. Биздан узоқ-узоқ минтақалар ва ҳудудларда рўй бераётган яхши ва ёмон ишлар, уларнинг таъсирлари ҳам ҳаётимизга яшин тезлигида, биздан сўраб-нетиб ўтирмасдан кириб келаверади. Замонавий ахборот майдонидаги ҳаракат шунчалар тигиз, шунчалар тезкорки, энди илгаригидек, ҳа, бу воқеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, деб берарво ўтириб бўлмайди.

Мана шу шарт-шароитларнинг барчаси ҳам маънавият, миллий мафқуранинг аҳамиятини янада кучайтиради. Чунки, сир эмас, баъзан беозоргина бўлиб туюлган мусиқа, оддийгина мультфильм ёки реклама лавҳаси орқали ҳам маълум бир мафқуравий мақсадлар ва интилишлар ифодаланади.

Демак, бугунги кунда гоёни, фикрни тақиқ билан, маъмурий чоралар билан енгиб бўлмайди. **Гоёга қарши фақат гоё, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин.**

Ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаро буни яхшилаб тушуниб, мағизмағзига етиб олиши керак. Чунки жамиятнинг, жамият аҳлининг мустаҳкам ва равшан мафқураси бўлмаса, ўз олдига қўйган аниқ бир мақсад-муддаоси бўлмаса, у муқаррар равишда инқирозга юз тутади.

Модомики, мақсад, гоё ҳақида мулоҳаза юритаётган эканмиз, илгари айтган бир фикримни такрорлаб ўтсам, ўринли бўлар, деб ўйлайман.

Мақсад дегани — халқни, миллатни бирлаштирувчи, йўлга бошловчи бамисоли бир байроқ. **Бу байроқ бутун Ўзбекистон халқининг руҳини, гурур-ифтихорини, керак бўлса, қудратини, орзуинтилишларини мужассамлаштирадиган улуг кучдир. Давлатимизнинг, халқимизнинг, эл-юртимизнинг мақсади ўзининг улугворлиги, ҳаётийлиги ва ҳаққонийлиги билан ҳаммамизни жалб этадиган бўлмоғи лозим. Токи бу мақсад халқни — халқ, миллатни — миллат қила билсин, кўлимизда енгилмас бир кучга айлансин.**

Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараши ва менталитетига асосланган, айни вақтда шу халқ, шу миллатнинг келажagini кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ-равшан белгилаб беришга хизмат қиладиган, кечаги ва эртанги кун ўртасида ўзига хос кўприк бўлишга қодир гоёни мен жамият мафқураси деб билман.

Шўро даврининг мафқураси, коммунистик дунёқараш, агарки аслини суриштирсангиз, моҳият эътиборига кўра, бизнинг турмуш тар-

зимизга, халқимизнинг табиатига тамоман бегона эди. Шунга қарамасдан, кишиларнинг онгига мажбуран сингдирилган бу сохта таълимотнинг салбий таъсири ҳануз сезилиб туради. Афсуски, биз бу сарқитлардан ҳали буткул халос бўла олганимиз йўқ.

Шунинг учун ҳам истиқлолга эришган кунимиздан бошлаб миллий мафкура, Ўзбекистон жамиятининг миллий ғоясини яратиш масаласи долзарб бўлиб келмоқда.

Албатта, мафкурани бир кун ёки бир йилда яратиб бўлмайди. Чунки мафкура шаклланади, шакллантириб борилади. Унинг асосий тамойилларини ишлаб чиқиш мумкин. Аммо бу тамойиллар реал ҳаётда ўз ўрнини топмаса, бундай мафкура фақат қоғозда бўлади, холос. **Шунинг учун ҳам, менинг фикримча, мафкурани шакллантириш жараёнида, авваламбор, мамлакатнинг бугунги ҳаёти, ўтмиши, келажаги, бутун тақдири учун қайғурадиган, Ватан қисматини ўз қисмати деб биладиган кенг жамоатчиликнинг илғор дунёқараш ва тафаккурига асосланиш лозим.**

Иккинчи шарт шундан иборатки, миллий тарихимиз ва умумба-шарий тараққиёт ривожига унутилмас ҳисса қўшган олиму фузалоларнинг мафкура ва унинг жамият ҳаётидаги аҳамияти ҳақида қолдирган илмий мероси, фалсафий қарашларини ҳар томонлама ўрганиш даркор. Мен бу ўринда Абу Наср Форобий, Беруний, Ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро каби улуғ аждодларимизнинг шу мавзуга дахлдор асарларини назарда тутяпман.

Масалан, Форобийнинг ўша машҳур “Фозил одамлар шаҳри” асарини эсга олайлик. Бундан минг йилча муқаддам яратилганига қарамасдан, бугунги ўқувчи ҳам бу асардан ҳозирги ҳаётнинг мураккаб муаммоларини ҳал қилишда асқатадиган муҳим фикр ва йўл-йўриқларни топа олади.

Мен миллий мафкура хусусида бош қотираётган олимларимиз, маънавият ва маърифат соҳаси ходимларига ер юзида инсоният ва давлатчилик пайдо бўлганидан буён шаклланган жамиятнинг ривожланиш қонуниятларини теран ўрганиш, кишилик тарихининг юксалиш ва таназзул даврларини, тараққиётни ана шу инқирозлардан омон сақлаб қолувчи ижтимоий-маънавий омилларни ҳар томонлама тадқиқ этган ҳолда бирон хулосага келишни тавсия этган бўлур эдим.

Шу муносабат билан бу мафкуранинг шаклланишида кимнинг манфаатлари ва қарашлари юзага чиқиши керак, деган савол туғилади.

Бордию бу саволга мендан жавоб сўралса,



даставвал Ўзбекистонда яшаётган, ўз тақдири тимсолида минг-минглаб кишиларнинг тақдирини мужассамлаштирган ватандошимизнинг ҳаётини, унинг орзу-интилишларини, бугун ва эртанги кунга бўлган умидворлигини ўзимча тасаввур қилишга уриниб кўрардим. Ўзимни шу одамнинг ўрнига қўйиб, унинг кўзи, идроки, тафаккури, ёндашуви билан келажакка қарардим.

Содда қилиб айтганда, жамиятимизнинг мафкураси шу жамиятнинг таянчи бўлмиш оддий инсон ва унинг манфаатларини ифода этиши, халқимизнинг бехатар, тинч-омон, фаровон, бадавлат турмушга эришиши учун куч-ғайрат манбаи бўлиши лозим.

Ўзбекистоннинг миллий мафкураси мамлакатимизнинг мана шу минтақада, ён-атрофдаги давлатлар орасида ва жаҳон миқёсида ўзига муносиб ўринни, яна ҳам аниқроқ айтадиган бўлсак, ўзининг ихтисосини тўғри ва холисона англаб, шу асосда изчил ҳаракат қилишимиз учун хизмат этиши зарур.

Хўш, миллий ғоя, миллий мафкура нималарни ўзида мужассамлантириши ва қандай талабларга жавоб бериши керак?

Миллий мафкура, **авваламбор**, ўзлигимизни, муқаддас анъаналаримизни англаш туйғуларини, халқимизнинг кўп асрлар давомида шаклланган эзгу орзуларини, жамиятимиз олдига бугун қўйилган олий мақсад ва вазифаларни қамраб олиши шарт.

Иккинчидан, жамиятимизда бугун мавжуд бўлган хилма-хил фикрлар ва ғоялар, эркин қарашлардан, ҳар қандай тоифалар ва гуруҳларнинг интилишлари ва умидларидан, ҳар қандай инсоннинг эътиқоди ва дунёқарашидан қатъи назар, уларнинг барчасини ягона миллий байроқ атрофида бирлаштирадиган, халқимиз ва давлатимизнинг дахлсизлигини асрайдиган, эл-юртимизни энг буюк мақсадлар сари чорлайдиган ягона ғоя — мафкура бўлиши керак.

Учинчидан, миллий мафкурамиз ҳар қандай миллатчилик ва шунга ўхшаган унсурлардан, бошқа элат ва халқларни менсимаслик, уларни камситиш кайфияти ва қарашларидан мутлақо холи бўлиб, қўшни давлат ва халқлар, умуман жаҳон ҳамжамиятида, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ҳурмат ва иззат қозонишда пойдевор ва раҳнамо бўлиши даркор.

Тўртинчидан, миллий ғоя биринчи навбатда ёш авлодимизни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбига инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини пайванд қилишдек олижаноб ишларимизда мададкор бўлиши зарур.

Бешинчидан, у Ватанимизнинг шонли ўтмиши ва буюк келажакини узвий боғлаб туришга, ўзимизни улуғ аждодларимиз боқий меросининг муносиб ворислари деб ҳис қилиш, шу билан бирга, жа-

хон ва замоннинг умумбашарий ютуқларига эришмоққа йўл очиб берадиган ва шу мақсадларга муттасил даъват қиладиган гоё бўлиши керак.

Миллий гоё, миллий ифтихор кундалик машаққатли ишларимизда ва бунёдкорлик фаолиятимизда кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат кўшиб, ҳақиқатан ҳам келажаги буюк давлат қураётганимизга мустаҳкам ишонч бағишлаб, руҳимизни баланд, белимизни бақувват қилишига ишонаман.

Миллий мафкура воситасида элу юрт бирлашади, ўз олдига буюк мақсадлар қўяди ва уларни адо этишга қодир бўлади.

Миллатнинг, халқнинг ҳамжиҳатлиги эса ҳар қандай тараққиётнинг гаровидир.

САВОЛ. Сиз мустақил давлатнинг етакчиси сифатида фаолиятингизнинг дастлабки кунидан бошлаб мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилишдек гоёт муҳим ва мураккаб ишга бевосита раҳбарлик қилиб келмоқдасиз. Сизнинг ташаббусингиз билан бу борада амалга оширилган улкан ишларнинг баъзиларини эслаб ўтсак: вилоятларимиз марказларида ўнга яқин университетлар ташкил этилди, истиқлолга қадар бизда умуман бўлмаган бир қанча олий ўқув юртлари, жумладан, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия, Жаҳон тиллари дорилфунунлари, Давлат ва жамият қурилиши, Банк-молия, Ички ишлар, Куролли Кучлар академиялари, Кончилик институти, Фуқаро авиацияси институти каби янги таълим даргоҳлари очилди, замонавий лицей ва коллежлар таъсис қилинди, “Улуғбек”, “Умид”, “Устоз” каби жамғармалар тузилиб, ривожланган хорижий мамлакатлардаги энг нуфузли олий ўқув юртларига юзлаб ёшлар ўқишга юборилди, муаллим-мураббийларнинг билим ва савиясини юксалтириш борасида жиддий ишлар амалга оширилмоқда.

Ўтган йили Олий Мажлис сессиясида қабул қилинган Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури гоёсининг бош ташаббускори ва ташкилотчиси ҳам мамлакат Президенти бўлганини кенг жамоатчилик яхши билди. Яқинда матбуотда Сиз имзо чеккан яна иккита муҳим ҳужжат эълон қилинди. Уларнинг биринчиси “Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида”, иккинчиси эса “Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” деб аталади. Сизнинг сиёсатингизда таълим-тарбия масаласига бу қадар катта эътибор берилишининг сабаблари нимада?

ЖАВОБ. Мен Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир” деган фикрини кўп мушоҳада қиламан.



Буюк маърифатпарварнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарбдир.

Чунки таълим-тарбия — онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб онгни ўзгартириб бўлмайди. Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса биз кўзлаган олий мақсад — озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди.

Кўриб турганимиздек, буларнинг барчаси бир-бири билан занжир каби чамбарчас боғлиқ масалалардир.

Мен кўп йиллар давлат режалаштириш идораларида ишлаганман. Хизмат тақозосига кўра фан ва таълим масалалари билан ҳам шуғулланганман. Шу сабабли, совет таълим тизимининг барча жиҳатларини яхши биламан, деб айта оламан.

Бизга мерос бўлиб қолган таълим-тарбия тизимининг маълум бир маъкул жиҳатлари билан бир қаторда унинг энг номақбул томони шундан иборат эдики, ўқув жараёнида ўқувчи ва талабаларни мустақил ва эркин фикрлашга йўл қўймаслик, ҳар қайси ўқув юртини битирувчиларнинг билимига қараб эмас, аввало, уларнинг собиқ совет тузумига ва сохта ғояларга садоқатини ҳисобга олиб баҳолаш ва ҳаётга йўллаш тамойили асосий ўринни эгаллар эди. Кўп жойларда сифат ўрнига сон кетидан қувиш устунлик қиларди. Кўпчилик ҳақиқий билим ёки малака орттириш мақсадида эмас, амал-тақал қилиб дипломли бўлиб олиш илинжида техникум ёки институтларга кирар эди. Бу тузумдан бизга қолган мерослар ичидаги шунга ўхшаган салбий асоратларни, афсуски, ҳозир ҳам сезиб турибмиз.

Бу тизим ватанига, халқига, миллатига фидокор, мустақил фикрлайдиган, бирон бир масалани онгли равишда, масъулият билан ҳал қиладиган, изланувчи, янгиликка интилувчи кадрларни эмас, асосан саёз савияли ходимларни, муте кишиларни минг-минглаб етиштирган эди. Жамиятимизни янгилаш, ислохотларни ҳаётга татиқ этиш, бозор иқтисодиёти асосларини барпо қилишга ўтар эканмиз, ана шундай онги қотиб қолган, азму шижоатдан йироқ, эл-юрт манфаати учун куйиб-ёнмайдиган кадрлар муттасил равишда ишнинг белига тепиб туришини ҳис қилдик, очигини айтсам, ҳозир ҳам сезяпмиз.

Шунинг учун ҳам мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ бутун мамлакат миқёсида таълим-тарбия, илм-фан, касб-хунар ўргатиш соҳаларини ислоҳ қилишга ниҳоятда катта зарурат сезила бошлади. Бусиз жамиятимизнинг бирон бир соҳасини ўзгартиришга киришиб бўлмас эди. Ислохотларнинг тақдири ва самараси биринчи навбатда кадрларнинг савиясига, уларнинг замон ва тараққиёт та-

лабларига нечоғлиқ жавоб беришига тақалиб қолар эди. Юртимизнинг эртанги ҳаёти ва тақдири авваламбор шу муаммоларни узил-кесил ечиш билан чамбарчас боғланганини ҳар қайси фикрловчи одам англаши қийин эмас.

Шу сабабли ҳам биз ниҳоятда мураккаб, кўп вақт ва кўп маблағ талаб этадиган ана шу вазифани адо этишга киришдик. Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастурини ишлаб чиқиш билан боғлиқ жараён узок йиллар мобайнида бу соҳада талай муаммолар йиғилиб қолганини кўрсатди. Мен бунга ушбу дастур лойиҳаси устида саккиз ой мобайнида ишлаш жараёнида шахсан амин бўлдим. Шунинг учун ҳам бу оғир, масъулиятли, аммо ҳал қилишни асло пайсалга солиб бўлмайдиган ишни қадам-бақадам, изчиллик билан бажаришга бел боғладик.

Ишончим комил: агар бу ислохотни муваффақиятли равишда амалга ошира олсак, тез орада биз ҳаётимизда ижобий маънодаги “портлаш эффекти”га, яъни унинг самарасига эришамиз.

Бу нима дегани?

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастуримизда, шу жумладан, ҳали сиз тилга олган икки ҳужжатда назарда тутилган вазифалар тўлиқ амалга ошган тақдирда улар, **биринчидан**, ижтимоий-сиёсий иқлимга ижобий таъсир қилади ва натижада мамлакатимиздаги мавжуд муҳит бутунлай ўзгаради.

Иккинчидан, таълимнинг янги модели ишга тушгач, инсоннинг ҳаётдан ўз ўрнини топиш жараёни тезлашади. Ҳар қандай одам ҳам ўсмирлик чоғида, эндигина вояга етиб келаётган даврида жамиятдан муносиб ўрнини топиши керак. Акс ҳолда бу нарса нохуш оқибатларга, баъзан эса оғир фожиаларга, ҳатто ижтимоий ларзаларга ҳам сабаб бўлади. Ёш йигит-қизларимизнинг ишда, турмушда, оила ва жамоа орасида ўз ўрнини тополмаслик ҳолатлари уларнинг жамиятда ўз қадрини йўқотишига олиб келади. Ўз қадрига, ўз шаънига эга бўлмаган инсон ҳаётда кўп-кўп тўсиқларга дучор бўлади, беқарор ва салбий таъсирларга тез берилади, унинг шахс сифатидаги емирилиши ҳам тез кечади.

Биз жорий этилаётган мазкур таълим модели орқали аввало ана шу вазиятнинг олдини оламиз. Қолаверса, ёшларни муайян бир ихтисосга эга қилиб, ҳаётга йўлланма берамиз. Дунёга умид билан қадам қўйиб келаётган навниҳол инсон ҳаётдан муносиб ўрнини топса, турмушидан, тақдиридан, ватанидан рози бўлиб яшайди, умр бўйи бунёдкорлик фаолияти билан машғул бўлади.

Бу ғоят муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган масаладир.



Учинчидан, таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин Шахснинг шаклланишига олиб келади. Ўзининг қадр-қимматини англайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш имконига эга бўламиз. Ана шундан кейин онгли турмуш кечириш жамият ҳаётининг бош мезонига айланади. Шунда одам оломон бўлиб, ҳар лаҳзада серкага эҳтиёж сезиб эмас, аксинча — ўз ақли, ўз тафаккури, ўз меҳнати, ўз масъулияти билан, онгли тарзда, озод ва ҳур фикрли инсон бўлиб яшайди. Бундай одамлар уюшган жамиятни, улар барпо этган маънавий-руҳий муҳитни сохта ақидалар, бақириқ-чақириқлар, ҳавойи шиорлар билан асло бузиб бўлмайди. Уларни ўзлари ақл-идрок ва қалб амри билан танлаб олган ҳаётий мақсадлардан чалғитиб ҳам бўлмайди.

Тўртинчидан, таълимнинг янги модели жамиятимизнинг потенциал кучларини рўёбга чиқаришда жуда катта аҳамият касб этади. Ҳар қайси инсонда муайян даражада интеллектуал салоҳият мавжуд. Агар шу ички қувватнинг тўлиқ юзага чиқиши учун зарур бўлган барча шарт-шароит яратилса, тафаккур ҳар хил қотиб қолган эски тушунча ва ақидалардан халос бўлади. Ва ҳар қайси инсон Оллоҳ таоло ато этган ноёб қобилият ва истеъдодини аввало ўзи учун, оиласининг, миллати ва халқининг, давлатининг фаровонлиги, бахтсаодати, манфаати учун тўлиқ бахшида этса, бундай жамият шу қадар кучли тараққиётга эришадики, унинг суръат ва самарасини ҳатто тасаввур қилиш ҳам осон эмас. Олдимизда турган буюк мақсадларга эришишда жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси қўшадиган ҳисса шу ҳисобдан беқиёс бўлиши муқаррар. Мен “портлаш эффекти” деганда айнан шундай ҳолатни назарда тутмоқдаман.

Бешинчидан, биз фуқаролик жамияти қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Бу соҳада дастлабки, аммо муҳим қадамлар қўйилди. **Ишончим комилки, вақти-соати келиб, бугунги ўтиш даври учун зарур бўлган кучли давлат функциялари ва аломатлари аста-секинлик билан тадрижий равишда кучли жамият зиммасига ўтади.** Мана шу йўл, мана шу назарий масаланинг моҳиятини атрофлича ёритиш, уни ҳаётимизда, амалиётимизда ҳал қилувчи сиёсатга айлантириш нафақат бугунги, балки эртанги кунимизнинг ҳам энг муҳим ва долзарб вазифасидир. Тараққиётнинг умумбашарий қонуниятлари, инсониятнинг кўп йиллик ҳаётида синовлардан ўтиб, ижобий натижалар берган тажрибалар худди шу йўлни тақозо этади.

Биз бир нарсани яхши англаб олишимиз керакки, умумий ва махсус билимларга эга, онгли, тафаккури ҳар хил “измлар”дан озод, замонавий дунёқараш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ворис

бўлган инсонларгина фуқаролик жамиятини барпо этишга ва уни янада такомиллаштиришга қодир бўлади.

Бу моделдан кўзланган яна бир мақсад бор. Унинг воситасида биз дунёдан муносиб ўрин олишга, ўзбек номини янада кенг ёйиб тараннум этишга эришамиз.

Бугун халқаро ҳаёт, кишилик тараққиёти шундай босқичга кирганки, энди унда ҳарбий қудрат эмас, балки интеллектуал салоҳият, ақл-идрок, фикр, илғор технологиялар ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Амир Темур бобомизнинг “Куч — адолатда” деган машҳур таъбирини бугунги кунга нисбатан қўллаб айтадиган бўлсак, мен унга қўшимча қилиб **“Куч — билим ва тафаккурда”** деган бўлардим. Келгуси асрда бу тамойил янада кучаяди ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олади. Бинобарин, халқаро майдонда биз бошқа мамлакатлар билан соғлом фикр мусобақасига, ижодий рақобатга киришмоғимиз лозим бўлади. Бизнинг келажагимиз мана шу мусобақа ва рақобатга қай даражада бардош бера олишимизга боғлиқ. Ўйлайманки, бунинг учун миллатимизнинг салоҳияти ҳам, ақл-заковати ҳам етарли.

Мана, яқинда “Умид” жамғармаси орқали Европа, Осиё ва АҚШнинг энг нуфузли университетларида ўқиётган талабаларимиздан ўн беш нафари магистрлик ва бакалаврлик илмий даражаларига муддатидан олдин сазовор бўлгани ҳақида хабар олдик. Мен бу хушхабарни эшитиб худди ўзимнинг ўғил-қизларим шундай ютуққа эришгандек бениҳоя хурсанд бўлдим. Бу — ҳаётимдаги энг қувончли воқеалардан бири бўлди десам, муболаға бўлмайди. Ўзбек миллатининг, ўзбек фарзандларининг қобилият, зехн-заковат, тиришқоқлик борасида бошқа ҳеч бир миллат ёки халқдан қолишадиган жойи йўқ. Фақат мавжуд интеллектуал имкониятларимизни тўлиқ ишга солишимиз, улардан мукамал тарзда фойдалана билишимиз зарур. Ота-боболаримиз шухратининг соясига маҳлиё бўлиб юрадиган даврлар энди ўтди. Бугун жаҳон биздан ўз сўзимизни айтишимизни, ўз тафаккуримизни намоён этишимизни талаб қилмоқда. Бошқа халқлар, бошқа миллатлар бизга ётсираб-беписанд қарамаслиги, балки бизни эътироф этиши, бизни эҳтиром этиши керак. Биз ана шу юксак муносабат ва ҳурматга лойиқ бўлишимиз даркор.

Тўққизинчи-ўн бешинчи асрларда маърифатли дунё бухорийлар, фарғонийлар, хоразмийлар, берунийлар, ибн синолар, улуғбекларни қанчалик иззат-икром қилган бўлса, йигирма биринчи асрда биз халқимиз, миллатимизга нисбатан ана шундай эҳтиромни қайтадан қўлга ки-



ритишимиз керак. Ўша даврда улуғ аждодларимиз асос солган ва оламга донг таратган илмий мактабларни замонавий шаклда қайтадан тиклашимиз лозим.

Такрор айтаманки, бунга таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш билангина эришиш мумкин. Аслида таълим-тарбия соҳасидаги ислохотнинг чегараси ва поёни йўқ. Токи ҳаёт давом этар экан, таълим ҳам, тарбия ҳам замон ўртага қўяётган янги-янги талабларга кўра муттасил равишда ўзгариб-янгилашиб бораверади. Фақат, биз бу соҳадаги дастлабки қадамларни тўғри қўя олсак, пойдеворни мустаҳкам қилиб барпо этсак, мен шунга ишонаманки, бугунги авлод унинг самарасидан баҳраманд бўлажак, келгуси авлод эса бизнинг қилган шу ишларимизни эҳтиром ва миннатдорлик туйғуси билан эслайди.

САВОЛ. *Сиз шуғулланадиган ғоят кўламдор ва серқирра масалалар, адо этадиган вазифалар бири биридан муҳим ва зарур. Уларнинг барчаси мамлакат ва жамият, ҳар қайси фуқаронинг ҳаёти, келажаги учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Аммо Сизнинг фаолиятингиздаги энг устувор йўналиш, энг олий мақсад нимадан иборат?*

ЖАВОБ. Агар бу саволга бир оғиз сўз билан жавоб бериш лозим бўлса, мен “Халқимнинг омонлиги”, деб айтган бўлардим. Содда қилиб айтганда, элу юртимизнинг осойишталиги, осмонимизнинг мусаффолиги, сарҳадларимизнинг беҳатарлиги, бугунги кунимиздан розилик, эртанги ҳаётга ишонч, оналаримиз ва фарзандларимиз юзидаги табассум, бу — мен ўз фаолиятимда интиладиган энг олий мақсаддир. Халқимнинг осойишталиги ва фаровонлиги мен учун ҳамма нарсадан афзал.

Бу дунёда инсон ўз меҳнати, ақл-ғайрати билан кўп нарсага эришиши мумкин. Бойликка ҳам, шон-шуҳратга ҳам, илмий, ижодий кашфиётларга ҳам, оила, севги бахш этадиган бахту саодатга ҳам. Фақат бунинг учун аввало инсоннинг уйида, маҳалла-кўйида, юртида, қисқача айтганда, одамнинг кўнглида тинчлик-хотиржамлик ҳукм суриши керак. Узоққа бормайлик, мана шу Миллий дастурдан кўзланган мақсадларни амалга ошириш учун ҳам энг аввало тинчлик-омонлик даркорлигини бугун ким инкор эта олади дейсиз!

Мен бу тўғрида илгарилари ҳам кўп бор айтганман. Аччиқ тажрибалар асосида туғилган ва қалбимга чуқур ўрнашган шу ҳаётий ҳақиқатни такрорлашдан толмайман: тинчлик-омонлик бўлса, ҳамма нарса

бўлади — ислоҳот ҳам, бозор иқтисодиёти ҳам, жамиятимизнинг янгиланиши ҳам. Аслида ҳаётимиздаги бугунги барча ислоҳот, демократик ўзгаришлардан кўзланган мақсад — юртдошларимизнинг турмушини фаровон қилиш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, манфаатларини ҳимоя этиш.

Бизнинг сиёсатимизнинг бош йўналишини Ўзбекистон хавфсизлиги ташкил этади. Албатта, ҳозирча турмушимиз биз орзу этган даражада эмас. Ҳали етишмовчиликлар, қийинчиликлар ва йўлимизда тўсиқлар ҳам оз эмас. Аммо шундай мураккаб бир вазиятда одамлар омонлиги, мамлакатимиз тинчлигини таъминлашга эришаётганимиз, ўйлайманки, бизнинг энг катта ютуғимиздир.

Чуқурроқ мулоҳаза юритиб қарайдиган бўлсак, шу ҳолни кўрамизки, Ўзбекистон дунёдаги етакчи давлатларнинг, турли-туман сиёсий кучларнинг бир-бирига зид манфаатлари ўзаро муттасил тўқнашиб турадиган бир майдонда жойлашган. Биз буни истаймизми-йўқми, тарих, тақдир тақозоси шундай. **Юртимиздаги беҳисоб табиий бойликлар, унинг геостратегик шароити жаҳонда бизга нисбатан фақат хайрихоҳлик ёки ҳавас туйғусини эмас, балки ҳасад, қора ниятларни ҳам уйғотиши сир эмас.**

Харитага диққат билан разм солсангиз, мамлакатимизни этник, демографик, иқтисодий ва бошқа муаммоларнинг оғир юки остида қолган мамлакатлар қуршаб олганини кўриш мумкин. Бунинг устига, Ўзбекистон диний экстремизм, этник жанжаллар, наркобизнес ва ҳар хил ташқи кучларнинг таъсирида ички низолар авж олган Афғонистон каби беқарорлик ўчоғи билан чегарадош. Олти йилдирки, кўшни Тожикистонда нотинчлик ҳукм сурмоқда.

Минтақамиздаги мавжуд муаммолар камдек, яқинда кўшни давлатлардан бири — Ҳиндистон ядро синовларини ўтказиб, янги бир таҳлика манбаини вужудга келтирди. Бу нарса минтақадаги барқарорлик мувозанатига жиддий зарар етказди. Бунга жавобан шу ҳудуддаги бошқа бир давлат, яъни Покистон ҳам ядро синовлари ўтказиш ҳаракатига тушиб қолди. Демак, минтақамизда ядро хавфи мавҳум хатардан реал хавфга айланиб бормоқда.

Табиийки, буларнинг барчаси бизни ташвишлантирмасдан қўймайди. Ўз навбатида биз ҳам давлатимизнинг мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш ва ҳар қандай таҳдид балосидан сақ-



ланиш учун зарур ҳимоя чораларини кўришга мажбур бўламиз.

Ҳеч сир эмаски, бугунги кунда хавфсизликни таъминлаш, хатарларнинг олдини олиш қанчалар мураккаб, нозик ва қалтис бир масала. Буни, албатта, билган билади, билмаган билмайди. Хўш, ўйлаб кўрайлик-чи, мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш биз учун қанчага тушмоқда? Ўзи, хавфсизликнинг баҳоси борми? Умуман, тинчлик-омонлик, барқарорликни пулга чақиб-ўлчаб бўладими?

Мен бу фикрларни фуқароларимиз, ватандошларимиз юртимиздаги тинчлик, барқарорликнинг қандай қийинчилик, қандай меҳнат-машаққатлар эвазига қўлга киритилаётганини озми-кўпми тасаввур қилишлари учун айтяпман.

Яратганимизга минг қатла шукроналар бўлсинки, биз ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий соҳаларда, ҳам хавфсизликни сақлаб қолиш борасида энг оғир ва мураккаб даврни бошимиздан эсон-омонлик билан кечирдик. Халқимизнинг донолиги, бағрикенглиги, сабрбардоши бизни ҳар қандай бало-қазолардан асраб, идрокимизни, ақл-заковатимизни чархлаб, юртимизда осойишталик ва миллатлараро, фуқаролараро тинчликни сақлаб қолишга хизмат қилди. Бугун энди ёруғ кунларга етганимиздан ғурурланиб, янги-янги марралар сари қадам кўяётганимиз учун фахрланиб ишлаш ва яшашга асосимиз бор.

Халқимизни яна бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмасликка даъват этмоқчиман: эл-юртимизнинг, шу юртда яшаётган ҳар қайси инсоннинг эсон-омонлиги бизнинг энг катта ютуғимиз ва бойлигимиздир. Бу бойликни кўз қорачигидай асраб-авайлаш, қадрига етиш — барчамизнинг муқаддас инсоний бурчимиздир.



1998 йил — Оила йили

Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас ватан саналган. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади. Бинобарин, маҳалла-юрт мустаҳкам бўлсагина давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради. Зеро, оила фаровонлиги — миллий фаровонлик асосидир.

Халқимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак, энг қимматли анъаналар—ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарму ҳаё, меҳру оқибат, меҳнат-севарлик каби барча инсоний фазилатлар энг аввало оилада шаклланган.

Оила ҳақида сўз юритар эканмиз, аввало кўз ўнгимизда Она сиймоси шаклланади. Нима деганда, оила муқаддаслигини таъминловчи биринчи омил — Она, аҳли аёлнинг покизалиги, оқилалиги, меҳру муруввати, садоқати ва вафодорлигидир.

Ислон КАРИМОВ



Tafakkur

ТАФАККУР



Ижтимоий - фалсафий, маънавий - маърифий, рангли - безакли журнал

Бош муҳаррир
Эркин АЪЗАМ


Таҳрир ҳайъати:

Ҳалим БОБОЕВ
Хуршид ДАВРОН
Баҳодир ЖАЛОЛ
Нуриддин ЗАЙНИЕВ
Азамат ЗИЁ
Анвар ЙЎЛДОШЕВ
Баҳодир ЗОКИР (масъул котиб)
Нажмиддин КОМИЛ
Абдуманноб ОЛИМБОЕВ
Хайридин СЎЛТОН
Убайдулла УВАТОВ
Озод ШАРАФИДДИНОВ
Муҳаммад ЮСУФ
Тўлепберген ҚАЙИПБЕРГЕНОВ
Муртазо ҚАРИШБОЙ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Иброҳим ҒАФУР
Раҳима ҲАКИМОВА

Муассис — Республика "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази

Матнларда фойдаланилган мисол, кўчирма ва маълумотлар аниқлиги учун муаллифлар жавобгардир.
Журналдан кўчириб босилганда манба қайд этилиши шарт.

Манзилимиз: 700029, Тошкент шаҳри, Статурк кўчаси, 24-уй.



Журнал андозаси таҳририятнинг компютер бўлимида тайёрланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. 700029, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1998 йил 24 март куни босмахонага топширилди. Қоғоз бичими 70x100^{1/16}, 6 босма тобоқ, 2235-буюртма. Нашр алади 10000 нусха.

Журнални Ольга ЖОЛДАСОВА безаган.

Ушбу сонда Рихситилла Нуринов билан суратлардан фойдаланилди.

ЖУРНАЛ САҲИФАЛАРИДА • JURNAL SAHIFALARIDA

Муқоваларда:

1. Владимир Бурмакин. "Бойсунлик мадонна".
2. Раҳим Ризамуҳамедов. "Аҳмад ал - Фарғоний".
3. Зиё маскани.
4. Ўрик гуллаганда...

МИЛЛАТ ВА МАЪНАВИЯТ

Одам бўлмоқ — саодатдир. Республика "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази Самарқанд вилоят бўлимининг раҳбари Соҳибназар КАРИМОВ билан суҳбат.....



ТАРИХ ВА ТАРАҚҚИЁТ

Омонулла ФАЙЗУЛЛАЕВ. Диалектик тафаккур маҳсули..... 12

АҚЛ МУНОЗАРАСИ

Камолитдин ЮНУСОВ. Яхлитликнинг хоссаси..... 18

ИНСОН ЎЗИНГ, ИНСОН ЎЗИНГ


Истеъдод — жамиятнинг интеллектуал бойлиги. Рухиятшунос Ботир ҚОДИРОВ билан суҳбат..... 22

ЖУРНАЛ САҲИФАЛАРИДА

JURNAL SAHIFALARIDA

ЕТТИ ИКЛИМ МУЖДАСИ

Аннемарие ШИММЕЛЬ. "Ҳайратга тушамиз буюк санъатдан...".....32



ОЛИЙ МЕЗОНЛАР

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД. Анъана ва янгилик — оиланинг кўш қаноти.....44



ТАКДИРДАГИ ТАДБИРЛАР


Пиримкул ҚОДИРОВ. Мардлик. Тарихий ҳикоя.....50

РУҲИЯТ САБОҚЛАРИ

Нажмиддин КОМИЛ. Комиллик тариқати.....60

ЮРАК ТИЛГА КИРДИ

Иқбол МИРЗО. Сени осмонимдан кеткизмайман, Ой!.....68



АҚЛ МУНОЗАРАСИ

Шукур ХОЛМИРЗАЕВ. Адабиёт ўлади-ми?.....72

ИБРАТНОМА

Виктор АЛИМАСОВ. Қарздор дунё....82

МАЪНО ВА МОҲИЯТ

Тасаввуф луғати.....90
Журналнинг инглизча мухтасар мазмуни.....95

ОДАМ БЎЛМОҚ — САОДАТДИР

Республика "Маънавият ва маърифат"
жамоатчилик маркази Самарқанд
бўлимнинг раҳбари
Соҳибназар КАРИМОВ билан
суҳбат

Ўтган йилнинг авжи саратонида Самарқандга бордим. Ўшанда бу муборак шаҳарга жазирама тифидан озурда бўлиб қадам қўйган одамнинг вужуди ажиб бир эпкиндан яйраб кетишига яна бир бор иймон келтирдим. Гўё шаҳар теграсидаги тоғлар уни улкан елпиғич — Зарафшон сувлари билан муттасил елпиб тургандек. Ҳар қалай, недир бир ҳикмат бордирки, ҳатто гирди юксак деворлар билан қуршалган ҳовли ва саҳнларда ҳам майин шабада кезиб юради.

Асли Соҳибназар ака билан шаҳарнинг қоқ марказидаги хиёбон-сайлгоҳга қўниб бир оз суҳбат қурсам, деган хаёлда эдим. Аммо қаёқда дейсиз! У киши мени кўриши биланоқ қилинаётган ишларнинг тафсилотига берилиб кетди:

— Мана бу бинони биласиз, илгари вилоят ижрокўмининг қабуллар уйи бўлган, энди Маънавият бўлимига берилди.

— Э, билганда-чи, — дедим мен у кишининг иш хонасига кўз қиримни

ташлар эканман, — шаҳардаги энг кўркам бинолардан бири шу-да!

— Пастда турган янги "Нексия"ни ҳам кўргандирсиз, яқинда олдик. Энди бундай қилсак. Мен, сиз, Қадриддин — учовлон бир юрт кезсак, — деди у киши биз билан бирга ўтирган шаҳар Маънавият бўлими раҳбарига ишора қилиб.

— Соҳибназар ака, меҳмонга салдам берайлик ҳам демайсиз-а, — дея Қадриддин гапни бир оз ҳазилга бурди.

— Ёш одам йўл юриб дам олади. Югурик дарёга дам урсангиз, қиргоғидан тошиб, ўзанини йўқотади, ука!

— Янги тулпорнинг "оёғи"ни бир кўрар эканмиз-да, — дедим мен ҳам бемавридроқ сайрга чиқишнинг боисини унча тушунолмай.

— Вилоятдаги маҳаллалар Маънавият бўлимлари ўртасида кўрик-танлов ўтказаятган эдик. Эртага ана шу тадбирнинг якунловчи тури. Унда уч шаҳар — Каттакўрғон, Пойариқ ва Тойлоқдан биттадан Маънавият бўлими

иштирок этади. Ҳозир ана шу бўлимларнинг ишини бориб кўриб келамиз. Эртага эса яқунларини эълон қиламиз.

САМАРҚАНДА ЖУРНАЛ ЧИҚАДИ

Йўл яхши-да, одамнинг баҳри дилини очиб юборади. Айниқса, кўнгилтортар кишилар ҳамроҳ тутинса. Машина Каттақўрғон сари йўл олар экан, Соҳибназар ака гапга тушиб кетди:

— Мамлакатимиз Президенти маънавиятнинг мақомини давлат сиёсатининг асосий ва устивор йўналишларидан бири деб белгилар экан, менинг назаримда, аввало, юртдошларимиз тафаккурини ўзгартириш, рухий покланиш жараёнини амалга оширишни кўзда тутган. Бугун маънавият ҳақида гапирувчилар кўпайиб қолди. Аммо уста нотик дегани маънавияти юксак одам дегани эмас. Худди шу каби, уста ёзувчи, уста санъаткор бўлган киши ҳам бирданга маънавияти бой инсонга айланиб қолмайди.

— Таниқли одамларнинг барчаси ҳам юксак маънавиятли бўлавермайди, демокчисиз-да, — дедим мен лукма ташлаб.

— Албатта-да, — дея сўзида давом этди Соҳибназар ака. — Қолаверса, таниқли одамларнинг барчаси ҳам яхшилик билан танилган дейсизми? Ёмонлик билан ном чиқарганлар қанча! Мен маънавият деганда дастлаб одамийликни тушунаман. Негаки, халқимизнинг барча фазилатлари, эзгу иродаси ҳам биринчи галда ана шу нарсага — одамийликка асосланган. Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл, деган нақл

ҳам бежиз айтилмаган, ахир.

— Машҳур шоирларимиздан бирининг сатри ҳам бор-ку: “Одамийлик дини бирла тоза иймон ўзбегим”, — дея билағонлик қилдим мен.

— Э, яшанг! Мамлакатимиз мустақиллигидан сўнг миллий маънавиятга эътибор кучайгани ҳақида кўп гапиримиз. Аммо масаланинг яна бир жиҳати бор. Яъни бу даврда миллий сиёсатимизнинг ўзи ҳам инсонийлашди. Биз инсонийлик расмини адо этишни — ота-боболаримизни эъзозлаш, ўзимизни ҳам, ўзгаларни ҳам қадрлашни энди давлат миқёсида амалга ошира бошладик. Ёки ҳаётнинг барча соҳасида демократия таъминланишига риоя этиш устивор сифат касб этаётганини айтиш. Зотан, демократия сари бориш — инсонийлик сари боришдир. Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг бугунги миллий сиёсати негизида аввало инсон манфаатларини кўзда тутувчи ғоялар ётганини кўрсатади. Бинобарин, бу сиёсатнинг ўзи ҳам бамаъни, яъни маънавиятли сиёсатдир. Демак, биз маънавиятнинг моҳиятини нақадар теран тушуниб олсак, бугунги миллий сиёсатимизни ҳам шу қадар тўғри ва беками кўст тушунган бўламиз. Шу боис қайси сиёсат маънавиятга зид бўлса, у шак-шубҳасиз ғайриинсонийдир. Етмиш йилдан зиёд давом этган советларча мустабидлик сиёсати — бунинг ёрқин далили.

Қарасам, суҳбатдошимиз нуқул назарий масалаларга уриб кетаётгандек, гапни сал амалиётга яқинлаштирай дедиму замонамиз муҳбирларига хос чапдастлик ила бир савол ташладим:

— Соҳибназар ака, биласиз, маъ-

навият инсоннинг табиий эҳтиёжигина эмас, балки унинг моддий ва рухий моҳияти ҳамдир. Бинобарин, маънавиятни идоровий йўл билан юксалтириш анча мушкул масала. Айримлар шу жиҳатдан қараб, Маънавият маркази — бекорчи бир ташкилот-да, деган хаёлга ҳам боради. Сиз бу ҳақда нима дейсиз?

Мухбир бўлмай мен ўлай! Ким деб эди менгаки, сўзамоллик қил, деб. Саволим сал оғир ботдими, билмадим, Соҳибназар ака бир оз ўйга толди. Кейин ҳайдовчининг ёнида ўтирган Аслиддин акага қараб, “Сиз нима дейсиз?” деди.

— Шу гапни айтадиганлар сизга ўхшаб кечкурун то саккизга довр туманма-туман юрса эди, бу қанақа “бекорчи” ташкилот эканини билган бўлар эди! — деди Қадриддн ака хотиржам.

— Ҳар қандай дард уни кўзғатадиган омилларга қарши қаратилган воситалар билан даволанади. Маънавият борасидаги камчиликларни тугатишда ҳам, менимча, шу усул қўл келади. Биласиз, коммунистик мафкура миллий маънавиятимизга қарши курашда зўравонлик йўлини тутди, маъмурий воситалардан фойдаланди. Энди тасаввур эдинг, биз маънавият табиий равишда ривожланади, деб ўша совет давридан қолган, маънавиятимизга зид ижтимоий иллатларга қараб тураверсак, уларни турли йўллар билан бартараф этишга киришмасак, охир-оқибатда нимага эришамиз? Шу боис бугунги ўтиш даврида маънавият идоралари ўта зарур. Улар маънавиятнинг юксалиши, покланиши учун шароит яратади, кишиларни маънавий жиҳатдан

рағбатлантиради. Яна муҳим бир жиҳати — Маънавият маркази жамият, халқ, давлат мудом адолат, тўғрилиқ ва ҳақиқат тарафида эканини одамларга эслатиб туради. Мен бу ташкилотга раҳбар бўлиб келганимга ҳали бир йил ҳам тўлгани йўқ. Лекин шу муддат ичида талайгина ишларни амалга оширдик. Маънавият дорилфунунини очдик. Унда туманлар миқёсидаги раҳбар ходимлар ўқувини ташкил этдик. Қадриятларимизни ўрганувчи махсус илмий гуруҳ фаолият юритиб турибди. У бугунги кунгача Самарқанд шаҳри ва вилоятимиз худудида жойлашган 400 га яқин азиз-авлиёнинг қабр-мақбараларини аниқлади. Уларни таъмирлаш, ободонлаштириш юзасидан таклифларини тайёрлади. Вилоят ҳокимлиги маънавият ишига муҳим эътибор бермоқда. Халқ депутатлари вилоят кенгашининг олтинчи сессиясида маънавият борасидаги ишлар махсус муҳокама этилди.

— Журнал ҳам чиқармоқчи экансизлар?..

— Шундай ниятимиз бор. Самарқанддек қадимий ва замонавий маданият марказида албатта бир журнал чоп этилиши керак. Эсингизда бўлса, илк ўзбек миллий журнали — Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Ойна” мажалласи айнан шу заминда — Самарқанди азимда нашр қилинган. Биз ҳам энди журнал чиқаришни йўлга қўйиб олсак, Бехбудий каби маърифатпарвар боболаримиз аъналарини давом эттирган бўлар эдик.

— Журналнинг номи нима бўлади?

— “Заковат” бўлсами деб туриб-

миз. Ақл-заковат ҳар ишда йўлбошчи. Қолаверса, халқимиз ақл-заковатининг тимсоли бўлган Мирзо Улуғбекдек зотлар Самарқандда яшаган, ижод этган, ҳукмдорлик қилган ва унинг доврўғини оламга ёйган. Менимча, Самарқандда чоп этиладиган маънавият нашри учун бундан кўра муносиброқ ном бўлмаса керак.

— Ажойиб ном! — дедим мен ҳам ҳаяжонимни яширолмай.

— Мана, гап-гап билан манзилга ҳам етиб қўйибмиз. Қолганини энди ўзингиз кўрасиз, — деди Соҳибназар ака.

Дарҳақиқат, машина Каттакўрғон шаҳар ҳокимлиги биноси қаршисига келиб тўхтаган эди.

“МАЪНАВИЯТНИНГ ҚОВУНИ”

Шаҳар ҳокими Талъат ака мақсадимиздан воқиф бўлгач, “Юринглар, ўзим бирга бораман. Аммо аввал бир жойга шундоқ қўниб ўтамыз, маслаҳатли иш бор”, дедилар. У киши машинани шаҳар истироҳат боғининг биқинидаги яланг бир майдонга бошлаб бордилар. Машинадан тушилгач, мақсадни баён қилдилар:

— Бу боғ кейинги йилларда анча қаровсиз қолиб, бир оз фэйзини йўқотган эди. Энди қайтадан ободонлаштиряпмиз. Мана бу жойда яхлит бир мажмуа — “Маънавият” комплексини бунёд этишни ўйлаб турибмиз. Токи шаҳар аҳли фўрсат топганда



Соҳибназар КАРИМОВ маънавият фаоллари билан тез-тез кенгашиб туради.

келиб бу мажмуада ҳордиқ чиқарсин — хоҳласа, шоҳмот-шашка ўйнасин, хоҳласа, қироатхонага кириб газета-журнал ўқисин, хоҳласа, томошазалда телевизор кўрсин, хоҳласа, ёр-биродарлари билан кўк чой ичиб гурунглашиб ўтирсин — хуллас, вақтини хуш ўтказсин. Бундан ташқари, ушбу мажмуада жамоат тадбирлари ва турли маъракаларни ўтказишга мўлжалланган махсус бўлмалар, бассейн ҳамда спорт майдончалари ҳам бўлса, дея чамалаб турибмиз. Вилоят Маънавият бўлими маъқул бир лойиҳа топишда кўмаклашиб юборса, қолгани юришиб кетар эди.

— Кўп яхши! Бир ёнда — истироҳат боғи, бир ёнда — театр, — деди Соҳибназар ака Абдулҳамид Мажидий номидаги шаҳар театрига ишора қилиб. — Энди бу тарафда “Маънавият” мажмуаси қад ростласа, бас, бу ер ғоят ораста бир маскан бўлади-да!

Кейин ташрифимиз “сабаб”чиси — Йўлдош Охунбобоев номидаги маҳалла сари йўл олдик. Маҳалла биноси Нарпай каналининг шундоқ соҳилида экан. Ҳовлининг бир кунжида чоғроққина сўри. Кўрпачалар солинган, дастурхон ясоғлиқ. Бинонинг жануб томонида бир айвонки, шимол томонга қараган.

Айвонда бир раста ясалган бўлиб, унга турли хил хунармандлик буюмлари териб қўйилган.

— Булар — маҳалла болаларининг ижодидан намуналар, — деди шаҳар Маънавият бўлими раҳбари сифатида таништирилган Муаттар опа Тешаева. Айвондан тушиб, эшиги кунчиқар тарафга қараган залга кирдик. Кираверибдан ўнг томонда яна бир хона бўлиб, маҳалланинг Маънавият бўлими ўша

экан. У яхшигина безатилган. Китоблар, кўлёмалар териб қўйилган. Соҳибназар ака маҳалла фаоллари билан гуруннга киришиб кетди: неларнидир сўради, неларнидир тавсия этди. Ниҳоят, яна ҳовлига чиқдик. Аммо вақт зиқ, олдинда олис манзиллар турар эди.

— Ҳечкурса, маънавиятнинг қовунидан бир тилим еб кетинглар, — деди мезбонлардан бири.

Татиб кўрдик, мазаси дуруст эди. Лекин қовунга ҳам маънавият қўшиб гапирилгани менга сал эришроқ туюлди. Қовун етиштиришни деҳқонга қўйиб бераверсак ҳам бўларди, деб хаёл қилдим ўзимча. Илгари социалистик иқтисод, социалистик чорвачилик, социалистик боғдорчилик деб сифатлов қўшиб гапиришга ўрганган эдик, энди маънавият сўзини ҳам бўлар-бўлмасга ишлатавериб оҳорини кетказиб юбормасак бўлгани.

КЕЛИНЧАКНИНГ УЙИ

Шаҳар Маънавият бўлимининг раҳбари — Муаттар опа йўл усти ўзининг идорасига бир кириб ўтишимизни илтимос қилди. Кирдик. Хоналар дид билан безатилган. Алишер Навоий портретидан тортиб давлатимиз тимсолларигача — барчаси жой-жойига қўйилган. Оёқ остида қирмизи гиламлар.

— Жуда музей қилиб юборибсизлар-ку бу ерни, — деди Соҳибназар ака.

— Келинчакнинг уйи денг! — дедим мен ҳам гапга қўшилиб.

— Шаҳарда “Энг намунали тўй” шиори остида танлов ўтказяпмиз. Йигит-қизларимиз тўй-маросимларимизга оид қадриятларимизни тўпла-

япти. Ҳаммаси видеотасмага туширилган, — дея Муаттар опа бурчақда турган видеога ишора қилди. — Газета чиқариш тараддудидамиз. Каттақўрғонда яшаб ижод қилаётган қаламқашларнинг асарларини бир тўплам ҳолида нашр этиш ниятимиз ҳам бор. Бундан ташқари, корхона, ташкилот ва маҳаллаларда адабий учрашувлар, бадий кечалар, суҳбат-маърузалар уюштириб турибмиз.

Фурсат тифзлиги боис, видеотасмаларни томоша қилмасак-да, бўлим фаолияти, Каттақўрғон шаҳридаги маънавий ҳаёт акс этирилган альбомни бир сидра назардан ўтказишга қарор қилдик.

Бу ердаги ишлардан кўнглимиз тўлиб, яна йўлга равона бўлдик.

УСТОЗЛАРНИ ЭСЛАБ

Кўёш уфққа ёнбошлаб, иссиқ анча тоб ташлаб қолган эди. Чор тарафга ажиб бир сокинлик чўккан. Аммо яна бирмунча фурсат ўтиб кўёш уфқ ортига бош кўядию ҳаммаёқни чигирткаларнинг нағмаси тутиб кетади.

Соҳибназар ака ҳамон бояги таассуротлар оғушида келаётган экан, Муаттар опани мақтаб кетди:

— Жуда жонсарак аёл. Дорилфунда ўқиб юрган кезларидан буён биламан. Ўшанда ҳам жамоат ишларида фаол қатнашар, спектаклларда иштирок этар эди.

Менинг хаёлим ҳам ўтмишга — талабалик йилларимга кетди. Ўқиш жойимиз — ўзбек ва тожик филологияси факультети Самарқанд шаҳридаги марказий хиёбоннинг бошидаги бинода эди. Кираверишдаги саҳнда улкан лавҳадон осиглиқ турар, унга турли хил расмлар, маъ-

лумотлар ёпиштирилган бўларди. Мен ҳар гал унга қараганимда “Алишер Навоий” спектаклида буюк шоир тимсолини ўйнаётган Илҳом Ҳасанов тасвирига кўзим тушарди. У киши энг ёш домламиз эди. Навқирон эди, бор-йўғи 25-26 ёшлар чамасидаги йигит эди. Илм ҳавасидан ўзга ҳаваси йўқ эди.

Факультет қошида “Шалола” шеърият тўғараги бўларди. Раҳбари марҳум домламиз Нуриддин Шукуров эдилар. Ғоят нозиктаъб, зукко, қувваи ҳофизаси зўр, покиза инсон эди. У киши шеър ўқисалар вужудларга титроқ кирар, юраклар алангага тўлар, томирларда ҳаёт завқи жўшар эди. Шу қадарки, шоир Эркин Воҳидовга “Рухлар исёни” достонини ёддан ўқиб берганларида ул зот: “Шундай зўр дoston ёзганимни, мана, энди билдим”, деган эканлар.

Маърифатли ва бағрикенг олим эди. “Шалола” машғулотида талабалардан ташқари турли касб эгалари ҳам иштирок этар, табиийки, уларнинг қораламалари ҳам турли савияда бўлар эди. Лекин домла уларнинг машқларини ўқишдан, муаллифларига зарур йўл-йўриқлар беришдан эринмасди. Мабодо ичида сал кўри бор қўлёзма ўқиб қолса, яйраб кетар, муаллифини рағбатлантиришга — шеъри ёки ҳикоясини бирор нашрда чоп этиришга ҳаракат қилар эди.

Ғоҳида муайян асар юзасидан тортишувлар қизиб кетар, домла ҳамманинг фикрини тоқат билан эшитар, кейин ўз мулоҳазаларини баён қилиб, “Сизлар менинг фикрларимга қўшилмасликларинг мумкин”, деб кўяр эди.

Эсимда, бир гал домла тўғарак аъзолари билан Асқад Мухтор шеъ-

рияти ҳақида суҳбат ўтказдилар. У киши шоир шеърларини зўр эҳтирос, зўр ҳарорат билан таҳлил этиб, унинг шеърий услубига хос хусусиятларни мантиқий далиллаб бердилар. Ушбу машғулот олдидан атайлаб Тошкентга бориб, Асқад Мухтор билан суҳбат куриб, уни магнит тасмасига ёзиб ҳам келган эканлар, қўйиб эшиттирдилар. Одатда ҳар машғулот ниҳоясида “Шалола” иштирокчилари янги машқларидан ўқиб берар эди. Шу боис домла суҳбатни тугатгач, “Қани, энди шеър эштамизми?” дедилар. Илҳом ака эса, “Шундай шеърият таҳлилидан сўнг шеър ўқийдиган мард топилармикан?” деб ҳазил қилдилар. Умуман, тўгарак машғулотлари жуда қувнок, самимий ўтар эди.

Қизик-да, бугунги кун одамлари анча зикнароқми-ей, назаримда. Хизматни тугатди дегунча уйига чопади ёки ўзи учун нафи тегадиган бошқа бирон ишнинг пайдидан бўлади. У пайтларда эса катта-катта олимлар ҳам ёшларнинг кўнглини олай, дунёқарашини бойитай деб қоронғи тунга қадар давраларда қолиб кетар эди. Ҳолбуки, уларнинг бу фидойилиги учун ҳеч ким ҳақ тўламас, буларнинг барчаси кўнгил завқи учун қилинар, инсонийлик расми шундан иборат деб тушунилар эди. Бугун иймон-инсоф ҳақида кўп гапирамиз-у, хайрли ишни кўламиз...

Талабалар билан домлалар ўртасидаги муносабат ота ва бола, дўсту биродар ўртасидаги муносабатдек самимий бўлар эди. Бир сафар — Наврўз байрамида домлаларимизга атаб шеърий ҳазил ёзганмиз. Шулардан айримлари мана бундай эди: (Нуриддин Шукуровга):

*Шеърдаги “тажриба”нинг
Ўрни-жойи бўлсин-да!
Ҳар бир образ, ҳар бир сўз
Ижтимоий бўлсин-да!*

(Ўша пайтда республика матбуотида шеърият ҳақида баҳс кетаётган, домла адабиётда ижтимоийлик устивор бўлиши керак, бўларбўлмас “эксперимент”лар билан ўқувчи бошини қотирмаслик лозим, деган фикр тарафдори эди. Ҳалиги сатрлар ўшанга ишора.)
(Илҳом Ҳасановга):

*“Афросиёб сўқмоқлари”да
Олам кучоқ очади бизга.
“Отлар кишнар”, “Яйдоқ дала”да
Энди “Олам тўла ялпиз”га.*

Бу сатрларда Илҳом Ҳасанов қисса ва ҳикояларининг номидан фойдаланилган эди.

Нуриддин Шукуров ва Илҳом Ҳасанов бамисоли ота билан боладек эди. Бу икки инсон билан ўтган фараҳли дамларни батафсил қоғозга туширмақдан қалам ожиздир. Улар мужассами маънавият эдилар. Афсуски, иккаласи ҳам ҳаётдан бевақт кўз юмди. Бу кунларга етолмадилар. Оллоҳ раҳмат қилсин!

ТОЙЛОҚЛИКЛАР ҒОЛИБ БЎЛАДИ

Пойариқ шаҳридаги маҳалланинг ишини кўриб ортга қайтар эканмиз, Соҳибназар ака мамнун тарзда гап бошлади:

— Маънавият зўр куч-да, одамларнинг ғайратини жўштириб юборганини қаранг! Бояги акамиз, гарчи ҳали унча тартибга туширолмаган бўлса-да, шунча ишни амалга оширибди. — Соҳибназар-ака Пойариқ шаҳрида кўрганларимизни назарда тутаётган эди. — Қаровсиз ётган бинони таъмирлаб, файз ки-

ритибди. Маънавиятга оид шунча қўлланма, тавсия ва дастурларни кидириб топибди, барака топсин!

— Соҳибназар ака, — дедим мен, — чамамда, голибликни шу маҳаллага бермоқчисиз шекилли?

— Албатта, бу ердаги ишлар таҳсинга сазовор. Аммо ҳали маромига етмаган. Боя айтдик-ку, камчиликлар ҳам етарли. Аммо одамларда ишга, янгиликка ҳавас жўш уриб тургани мени қувонтириб юборди. Энди биринчилик масаласига келсак, байроқ тойлоқликларда кетади-ёв. Чунки у туманда маънавият ишлари жуда яхши йўлга қўйилган. Эсингиздами, — дея у киши Аслидин акага мурожаат қилди, — яқинда Тойлоқда амалий семинар ўтказганимиз? У ердаги ишларга ҳамма тан берди. Янаям ким билади дейсиз! Аввал бориб кўрайлик, кўпчилик билан маслаҳатлашайлик. Ким муносиб бўлса, голиблик ҳам ўшаники-да!

— Нафсиламрини айтганда, ҳар қандай ҳолатда ҳам биринчи голиб ўзингиз бўласиз, — дедим мен гапга фалсафий тус бериб, — негаки, голиблик баҳона маънавиятга рағбат ортади, вилоят миқёсидаги ишларингиз жадаллашади.

Машина Челак туманига яқинлаша боргач, йўл бўйи ўйлаб келаётган узримни айтдим:

— Соҳибназар ака, энди бизга рухсат берсангиз, мен қишлоғимда қолсам, онамни, ёр-оғайнини кўриб, эрталаб хузурингизга етиб борсам.

— Э, куй авжида торни узманг-да бундай, гурунгимиз энди қизиётган эди. Қирқига чидадингиз, қирқ бирига ҳам чиданг-да!

— Туғилган юртни зиёрат этмоқ

ҳам маънавиятга киради, ака, — дедим масалани бир оз мафқуравийлаштириб.

— Унда гап йўқ, — деди Соҳибназар ака.

Машина бизнинг қишлоқ сари йўл олди. Шу пайтгача обод ва равон йўллардан елиб келаётган машина анча нобоп кўчага бурилгач, қоқилиб-суриниб юраётганини кўриб хижолат тортдим.

— Челак туманида маънавият ишлари унча яхшимас, — деди Соҳибназар ака менинг ҳолимни тушунган каби.

— Йўл равон бўлмаган ерда ҳамма нарса ҳам қоқоқлик домига тушади, — дедим мен йўлнинг ночорлигига худди ўзим айбдордек.

Сухбатимиз эртасига кўрик-танловдан сўнг давом этди.

— Кеча айтганимизча бўлди, — деди Соҳибназар ака, — голибликни Тойлоқ шаҳридаги маҳаллага лозим кўрдик. Энди Самарқанд шаҳридаги олий ўқув юртлари Маънавият бўлимлари ўртасида ана шундай кўрик-танлов ўтказмоқчимиз.

Соҳибназар ака билан қилинган ва қилинажак ишлар ҳақида, бугунги ҳаёт, ундаги муаммолар, маънавият билан боғлиқ масалалар хусусида яна анча гурунглашдик. Аммо сизни, азиз журналхон, зериктириб қўймайлик деб уни батафсил баён қилиб ўтирмадик.

— Инсон бўлмоқ — буюк саодат, — деди Соҳибназар ака сухбатимиз ниҳоясида. — Бу саодатни англаган, унга бир умр интилиб яшаган одамнинг маънавияти, шубҳасизки, юксак бўлади.

Сайрдош ва суҳбатдош —

Муртазо ҚАРШИБОЙ

ДИАЛЕКТИК ТАФАККУР МАҲСУЛИ

Ислом КАРИМОВнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асари ҳақида айрим мулоҳазалар

XX асрдаги тезкор тараққиёт натижаси ўлароқ марксча-ленинча фалсафа, унинг таркибий қисми бўлган диалектик материализм таълимоти замон талабларига жавоб беролмай қолди. Бу даврга келиб маънавий муаммолари мислсиз бир тарзда намоён бўлди ва диалектик материализм ақидаларининг яроқсиз эканини кўрсатиб қўйди. Бу материализм тараққиёт масалаларини ҳал этишга ожизлик қилибгина қолмай, балки унга тўсиқ ҳам бўла бошлади. Энди бугун, диалектик материализм шу чоққа қадар тақиқлаб келган фалсафий таълимотлар қайтадан илмий истеъмолга кираётган бир пайтда фалсафанинг ўзига теранроқ ва кенгроқ ёндашиш зарурати туғилмоқда.


Истиклолимиз шарофати ўлароқ Ватанимизда шаклланаётган назария ва амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, маънавий мерос — аждодларимиздан қолган маъноли ва руҳий бойлик тараққиётимиз кафолатларидан бири экан. Бу мерос, табиийки, диалектик материализм андозаларига сиғмайди. Бу ўринда гап фақат материализм хусусида бормоқда. Диалектика ҳақида

эса бугунги куннинг хулосаси бошқача, яъни йигирма биринчи аср бўсағасида фалсафамиз диалектикадан воз кечмайди. Гап шундаки, диалектикани материалистик деб ҳисоблашгина энди ҳақиқатга тўғри келмай қолди. Ахир, Аристотель ва Зенон, Форобий ва Ибн Сино, Яссавий ва Нақшбанд диалектикаси материалистик диалектиканинг айнан ўзи эмас эди-ку! Ҳа, уларнинг диалектикаси табиату жамиятга ҳам, билиш назариясига инсон амалиётига ҳам, бинобарин, материализмга ҳам, идеализмга ҳам баб-баравар дахлдор эди. “Диалектика” сўзи асли қадимги юнон тилига мансуб бўлиб, уни Шарқ мамлакатлари илмида, хусусан, араб тилида илк бор бобомиз Абу Наср Форобий “жадл”, “жадли”, “жадал” тарзида қўллаган. “Жадал” сўзи ҳаракат, тезлик, тезланиш, ривожланиш, ўзгариш, интилиш каби маъноларни англатади. Табиат ва жамиятдаги барча ҳодисалар недир бир нарсанинг таъсири, турткиси, агар у таркибли тизим бўлса, қисмларининг ўзаро таъсири сабабли рўй беради. Табиатда алоҳида, муал-

лақ нарса бўлмаганидек, билишда ҳам бир одамнинг мияси кифоя қилмайди. Билиш — фикрларнинг учрашув, бирикув жараёни, билим — шу жараён натижасидир. Демак, билиш жараёнида энг камида икки кишининг фикри бир-бирини инкор ёки тасдиқ этади, ёки бўлмасам, бир-бирини тўлдиради — хуллас, ривожланишга туртки беради. Бу — суҳбат (диалог), яъни икки-ёқлама билиш дейилгани учун мунозара, музокара, диалектик суҳбат тартибида, зиддият шаклида тушунилган. Плюс-минус, дифференциал-интеграл, яхши-ёмон — шу кабилар билишнинг хоссаларидир. Билиш — табиат ва жамиятда кечадиган воқеаларнинг одам миясидаги инъикоси бўлганидан, билинадиган нарсаларнинг ўзида ҳам зиддиятлар мавжуддир. Масалан, кеча-кундуз, оқ-қора, тортилиш-итарилиш, шимол-жануб, иссиқ-совуқ, зарра-аксилзарра ва ҳоказо. Тасаввуф фалсафасидаги оний-боқий, ботиний-зоҳирий, шунингдек, диндаги ҳалол-ҳаром, жаннат-дўзах каби бир-бирининг зидди бўлган тушунчалар ҳам умумдиалектик зиддиятнинг ҳар хилда намоён бўлишидир.

Шундай қилиб, зиддиятлар ҳақидаги илм диалектика экан. Марксча-ленинча фалсафанинг инқирозга учраши оқибатида у ҳам сал бўлмаса ижтимоий фанлар тизимидан тушиб қолай деди. Олий ўқув юртларида ва аспирантураларда умумий фалсафа (марксча-ленинча фалсафасиз) кўп тортишувлардан сўнг, ҳар қалай, дарслик сифатида ўрганилаётган бўлса-да, аммо умумий диалектиканинг (материалистик диалектиканинг эмас)

тақдири я қ и н - яқингача ж у д а м а в - хумлиги- ча қолиб келаётган эди. Бунинг оқибати ўлароқ кейинги йилларда диа-



лектика назариясига оид илмий тадқиқотлар юритиш ва уларнинг чоп этилиши анча камайиб кетди. Мана шундай шароитда академик Ислон Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” китоби диалектика илми бугунги кунда ҳам нақадар зўр аҳамиятга эга эканини кўрсатиб берди.

Илгарилари капитализм — социализм, материализм — идеализм, буржуазия — пролетариат, оқлар — қизиллар каби икки қутбли (биполяр) зиддиятлар эътироф этилар эди. Бугунги кунда бундай ёндашувлар қимматини йўқотди. Энди зиддиятлар кўп қиррали, ранг-баранг, кўп қутбли (полиполяр) қарама-қаршиликлардан таркиб топмоқда. Бу фикрни дастлаб ушбу китоб муаллифи Ислон Каримов асослаб берди: “Тоталитар тузум емирилганидан кейин дунёнинг қутбларга бўлиниши барҳам топди... (5-бет) Икки мафкуравий тузумнинг кураши ва бу курашнинг халқаро ҳаётнинг ҳамма соҳаларига соя ташлаши остида ўтган кучли қарама-қар-

¹ **Ислон Каримов.** “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”. Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 1997 йил.

шилик барҳам топди. Аммо шундан кейин ҳам бизни қуршаб турган дунё, кўплар кутганидек, осойиштароқ бўлиб қолгани йўқ. Унда можаролар камаймади. Дунёда янги тартибларни шакллантириш жараёни минтақалар даражасидаги ва минтақалар ичидаги эскидан сақланиб келаётган, зимдан тутаб ётган ҳар хил тарихий, этник, сиёсий, диний ва бошқа сабабларга эга бўлган можароларнинг кескинлашуви билан бирга юз берди. Бу можаролар илгари икки тузумнинг дунё микёсидаги қарама-қаршилиги доирасида кўпинча у ёки бу кучлар кутбининг манфаатлари йўлида "бостириб келинган" эди. Бундан ташқари, янги минтақавий можароларнинг вужудга келиши ва уларга турли ташқи кучлар ўз жуғрофий-стратегик интилишлари доирасида жалб этилишидан иборат хавфлар ҳам мавжуд" (19-бет).

Бу таърифда жаҳон ва минтақалардаги давлатлараро ва ижтимоий зиддиятли муносабатлар бугунги кунда шу тарзда ўзгаргани ниҳоятда тўғри ифода этилган. Дарҳақиқат, илгарилари зиддиятларни бартараф этиш борасида зўравонлик, куч ишлатиш устивор хусусият касб этган бўлса, энди кўпроқ ташқаридан зимдан ҳар хил тазйиқ ўтказиш йўли қўлланмоқда.

Жаҳон харитасида кўпгина ўзгаришлар юз берди, янги давлатлар пайдо бўлди. Ҳудудий жиҳатдан тенг бўлмаган бу давлатлар "Тенглар орасида тенг бўлишга, жаҳон майдонининг таркибий қисмига айланишга ҳаракат қилмоқда" (3-4-бетлар). Зотан, жаҳонда, жумладан собиқ Иттифоқ ҳудудида ҳам, тенгсизлик ғояси

ва сиёсати ҳануз бот-бот турли шаклда юз кўрсатиб турибди. Бу ҳол бизни давлатимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлашга даъват этиб, минтақамиздаги айрим қарама-қаршиликларни тинч йўл билан бартараф қилиш йўллари қидиришга ундайди.

Китобда бу борада ҳали айрим муаммолар борлиги таъкидланади: "Миллатлараро муносабатлар соҳасида муайян, ноантогонистик зиддиятларнинг мавжудлиги янги мустақил давлатларнинг қарор топиш даври учун реал ҳодисадир" (75-бет). Вазифа — ана шу ноантогонистик зиддиятлар антогонистик қарама-қаршиликларга айланиб кетмасидан бурун уларни ҳал этишдан иборатдир. Советча диалектик материализм фалсафасида қарама-қаршиликлар кураши тараққиёт манбаи деб ҳисобланар эди. Китоб муаллифи эса бу масалага бутунлай бошқача қарайди. "Иймоним комилки, — дейди Президент, — тарихни можаролар ва адоват эмас, балки халқлар ўртасидаги ҳамкорлик ва ишонч олға ҳаракатлантиради" (323-бет).

Жаҳонда 1600 дан зиёд миллат ва этник гуруҳ яшайди. Улар орасидаги муносабатлар ҳар хил бўлиши мумкин. "Ҳар қандай давлатнинг полиэтниклиги этник гуруҳлар ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришнинг этнослар ўртасидаги ўзаро табиий муносабат ўрнатилишига таянадиган, босқичма-босқич амалга оширилаётган жараён мавжуд бўлишини назарда тутаяди. Бу ҳол, давлатнинг ва минтақанинг хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган этник ва миллатлараро можаролар келиб чиққудек бўлса, уларнинг ол-

дини олиш мақсадида мазкур жараёнларни мунтазам равишда ижтимоий таҳлил этиб боришни зарур қилиб қўяди” (85-бет).

Илм-фанда назария билан амалиёт бир-бирини тасдиқлаб, бир-бирини бойитиб бориши азалдан маълум. Тажриба, эксперимент ўтказиш табиий фанлар соҳасида тўлиқ эътироф этилган ҳодиса, линобарин, унинг зарари бўлмаслиги мумкин. Лекин ижтимоий ҳаётда бундай йўл тутиш баъзан хатарлидир. Бугун ўтмишда қарамликда қолган бир талай халқлар истиқлолга эришди, янги мустақил давлатлар пайдо бўлди. “Бу давлатлар олдида муваффақиятсиз, чиппака чиққан тарихий тажрибанинг фожиали оқибатларини қисқа давр ичида бартараф этиш вазифаси турибди” (4-бет). Келажакимизни олдиндан билишда, миллий тараққиёт йўлини танлашда илмий моделларни белгилаш, андоза олиш, зарур тамойилларни аниқ тасаввур этиш ниҳоятда муҳимдир.

Давлат ишларида ҳам, ижтимоий ҳаётда ҳам “Қонуннинг устунлиги бизнинг ислохотлар моделимиздаги етакчи тамойилдир. У ҳуқуқий давлатнинг асосий мезонларидан бири бўлиб хизмат қилади” (279-280-бетлар). Инновацион ривожланишнинг замонавий моделига ўтиш учун бугун барча шарт-шароитлар муҳайё. Лекин тажрибалар ҳам, моделлар ҳам илмий назарияларга асосланмоғи лозим, бунинг учун эса фанни тадрижий ривожлантириш талаб этилади. “Мамлакатни жадал ривожлантириш борасидаги дастурий вазибаларни амалга оширишда фанни ва илмий инфраструктура-

ни ривожлантириш гоят муҳим аҳамиятга эга” (258-бет). Моделни ҳаётга мос тарзда тўғри белгилаш — илмнинг вазифасидир. “Бизнинг бозор муносабатларига ўтиш моделимиз республиканинг ўзига хос шароитлари ва хусусиятларини, аънаналар, урф-одатлар, турмуш тарзини ҳар томонлама ҳисобга олишга, ўтмишдаги иқтисодиётни бирёқлама, бесўнақай ривожлантиришнинг мудҳиш меросига барҳам беришга асосланади” (288-бет).

Фан тушунчасининг ўзагини диалектика ташкил этади. Фан ўрганадиган нарсаларнинг ҳаммаси, оламдаги ҳар бир воқеа зиддиятли экан, эски илмий фикрлашдан янги илмий фикрлашга ўтиш муайян қийинчиликларга, қарама-қаршиликларга дуч келади. “Ўтиш даврида эскича ва янгича фикрлаш ўртасидаги, ўтмиш ва ҳозирги замоннинг қадриятлар тизими ўртасидаги зиддиятлар янада кескинлашади” (215-бет). Бу — ўтмиш ва ҳозирги замон, яъни вақт ораллигидаги қарама-қаршиликлардир. Бундан ташқари, айти пайтда бугунги замонда яшаётган одамлар орасида юз кўрсатаётган қарама-қаршиликлар ҳам бор: “Диннинг юксак ролини эътироф этиш билан бирга, диний дунёқараш тафаккурининг, инсоннинг ўзини ўраб турган дунёга, ўзи каби одамларга муносабатининг ягона усули бўлмаганлигини ҳам таъкидлаш зарурдир. Дунёвий фикр, дунёвий турмуш тарзи ҳам у билан ёнма-ён ва у билан тенг яшаш ҳуқуқига эга бўлган ҳолда ривожланиб келган. Ҳаётнинг мазмунини тушунишга турлича ёндашишларнинг (афсуски, улар ҳамма вақт

хам тинч ва осойишта кечавермаган) ёнма-ён мавжуд бўлиши, эҳтимол, инсоният дунёсининг, маънавий ҳаётининг бойлиги ва хилма-хиллигини таъминлаб берган ҳамда унинг ривожланишини рағбатлантириб тургандир. Зеро, фақат бир хил фикр юритувчи одамлардан таркиб топган жамият ўз ранг-баранглигини ва жозибасини йўқотган бўлур эди” (36-бет). Олам ранг-баранг, шунинг учун фикрлаш усуллари ва фикрлар бир хил бўлмаслиги керак. Эски тузумда ҳамманинг дунёқараши бир хилда — материалистик бўлиши керак эди, муҳим муаммолар ҳақида фақат марказдагилар фикр юритар, худудлардагилар эса ижрочилик қилиши лозим эди.

Энди миллий истиқлол мустақил фикрлашни талаб этмоқда. Утиш даврида “Инсон маънавиятининг, юксак ахлоқ ва маданиятининг, гўзал миллий анъаналарни қайта тиклашнинг муаззам қатламлари очилди” (226-бет). Миллий қадриятларимизга, буюк аждодларимиз меросига, уларнинг шонли йўлига фарзандлик ҳисси билан қарамоқдамиз. “Энг муҳими эса — инсон ва фуқаронинг фикрлаши ва дунёқараши ўзгармоқда, сиёсий ва ижтимоий онги, унинг умумий савияси тўхтовсиз ўсиб бормоқда. Бугун биз бундан беш йил бурунги кишилар эмасмиз. Ишончим комилки, — деб ёзади Президентимиз, — бундай иймон-эътиқодли кишиларни танлаб олган йўлларидан энди ортга қайтариб бўлмайди” (227-бет).

Мамлакатимизда адолатли, ҳуқуқий-демократик жамият негизига асос солинди, унинг бундан

буёнги тақдири энди ўзимизга боғлиқ. Бугун халқимиз жаҳон тамаддуни, маърифатли дунё сари юз тутмоқда ва бу йўлдан дадил бормоқда. Аммо айрим кишилар онгида ҳануз эскиликни қўмсаш касаллиги ҳам йўқ эмас. Зеро, фикр инерциясини енгиш осон кечмайди: “Эскича фикр юритиш ўз таъсирини кўрсатмоқда. Эски сарқитлардан жудо бўлиш эса дунёқарашлар, психологиялар, турли даъволар ўртасидаги кўзга кўринмайдиган, лекин тинкани қуритадиган кураш билан бирга бормоқда” (177-бет). Дарҳақиқат, бугунги кунда ўрта ва олий ўқув юртларимиз дастурлари мазмунида, айрим домлаларнинг маърузаларида эскича фикрлаш аломатлари ҳали ҳам сезилиб туради. Илмий ишларда, тадқиқотларда алмисоқдан қолган китоблардан фойдаланиш дарди ҳамон давом этмоқда. Алқисса, эскича фикрлаш инерциясидан халос бўлиш, онгимизни янгича фикрлашга ўргатиш фурсати етди. Йўқса, биз яна тараққиётдан ортда қола бошлаймиз.

Жамиятни бошқаришда сиёсий тизим ва унинг мазмуни муҳим аҳамиятга эга. “Жамиятнинг ижтимоий-сиёсий соҳасида демократик институтларни шакллантириш сиёсий тизимни ислоҳ қилишга ва ижтимоий ҳаётни демократиялаш жараёнларига жўшқинлик бахш этишга қаратилгандир. Янада муҳими — бу иш ислохотларнинг олға босишига йўналтирилганлигидир” (172-бет). Дарҳақиқат, эски тузумда сиёсий тизим мазмуни, давлат ва ижтимоий ташкилотлардан ташқари, яна жамиятнинг алоҳида ўзаги

ҳисобланган коммунистик партиядан ҳам иборат эди. Эски сиёсий тузум барҳам топиши билан янги сиёсий тизимни яратиш вазифаси пайдо бўлди. Мамлакатимиздаги бугунги сиёсий тизим таркиби давлат, турли бирлашмалар, уюшмалар, партиялар, ижтимоий ҳаракатлардан ташкил топмоқда. Сиёсий тизимнинг асосий вазифаси — ижтимоий сиёсатни мустақкамлашдир. *“Бозор ислохотларининг муҳим таркибий қисми бўлган кучли ижтимоий сиёсатга етарли баҳо берилмаган жойда ижтимоий кескинлик ва қарама-қаршилик вужудга келишини бугунги кунда ҳаётнинг ўзи исботламоқда”* (190-бет).

Советлар даврида илмий меросимиз юзаки, бирёқлама ўрганилди. *“Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди”* (137-бет). Албатта, фақат аждодларимизнинг ютуқлари билан фахрланибгина қолмай, уларни тараққиёт талаблари асосида бойитишимиз ҳам лозим. *“Бизнинг мақсадимиз... бир неча авлод меҳнати билан яратилган нарсаларни йўқотмаслик, уларнинг энг яхшиларини сақлаб қолиш, демократик меъёрларга, миллий манфаатларимизга, мустақиллигимизга мос келмайдиганларини қайта ташкил этишдан, мазкур тузилмаларни янги мазмун билан бойитишдан иборатдир”* (183-бет). Бизнинг соф илмий меросимиздан ташқари

диний-фалсафий меросимиз ҳам мавжуд. Яссавия, суҳравардия, кубравия, нақшбандия сингари тасаввуф тариқатлари инсон ўзлигини англаш, миллий мафкурасини бойитишда беқиёс ўрин тутди. Ахлоқ-одоб, табиат ва жамиятга муносабатни, инсонни қадрлашни улардан ўрганмоғимиз лозим. *“Инсон билан табиатнинг уйғун муносабатлари тўғрисидаги ана шу ғоялар Мовароуннаҳрда мусулмон Уйғониш даврига жуда катта ҳисса қўшган Марказий Осиёдаги сўфийлик таълимотларида ҳам учраши тасодифий эмас”* (146-бет).

Зикр этилган ушбу масалалар эскилик билан янгилик, олға бориш билан ортга чекиниш ўртасидаги, адолат ва адолатсизлик, яхшилик ва ёмонлик орасидаги қарама-қаршиликлар, умуман, диалектик зиддиятлар ифодасидир.

Жамият тарихида ижтимоий тузум ижтимоий ҳаётга мос келмай қолса ёки амалдаги илмий қонунқоидалар ҳаёт воқелигини акс эттиришга яроқсиз бўлиб қолса, жамиятни ислоҳ этиш зарурияти туғилиши табиий ҳолдир. Чунки зиддиятлар пайдо бўлдими, бас, уларни ҳал этиш тақозо қилинади. Уларни ҳал этиш эса янги кучларни талаб этади. Шу тариқа эски кучлар ўрнига янгиси келади. Диалектиканинг моҳияти ва қонунияти шундай. Президент Исом Каримовнинг китоби ана шу қонуниятни теран англаш руҳида битилганки, бу ҳол диалектик тафаккурнинг бугунги кунда ҳам ғоят долзарб аҳамиятга эга эканини кўрсатади.

ЯХЛИТЛИКНИНГ ХОССАСИ

Мамлакатимизда кечаётган сиёсий жараёнлар бугун — бозор муносабатларига ўтиш даврида қандай ривожланаётгани ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини таркибий-функционал жиҳатдан таҳлил этиш ҳамда шулар асосида назарий хулосалар чиқариш борган сари муҳим илмий аҳамият касб этмоқда. Чунки янги, ҳуқуқий-демократик тузумга айнан бугунги кунда асос солинмоқда. Бинобарин, жамият ҳаётини келажакда яна қайтадан курмаслик учун ҳам бугунги ижтимоий-сиёсий жараёнларни амалий ҳаёт талабларига жавоб бера оладиган илмий-назарий таълимот асосида тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқдир.

Ижтимоий ривожланиш инқилобий тарзда, синфий кураш орқали боради деб таълим берган марксистик назария энди илмий таълимот сифатида яроқсиз бўлиб қолгани барчага аён.

Эски арава конструкцияси асосида янги, замонавий ракета яратиб бўлмаганидек, бугунги талабларга жавоб бера олмайдиган эски таълимот воситасида ҳам бозор муносабатлари негизида тараққий этаётган мураккаб ижтимоий-сиёсий жараёнларни тадқиқ қилиб бўлмайди.

Хўш, жамиятимизнинг бундан буёнги ривожланиши қайси таълимот ва илмий назарияга асосан кечади? Ва бу жараёнлар қандай услубиятга (методология) биноан ўрганилиши даркор? Ниҳоят, ижтимоий тараққиётни назарий ўрганиш борасида давр талабларига жавоб бера оладиган илмий-назарий таълимотнинг ўзи мавжудми?

Таъкидлаш жоизки, “Тафаккур” журнали саҳифаларида ушбу масалалар доирасида муайян фикр-мулоҳазалар баён этилмоқда. Файласуф

омжон Раҳимовнинг “Муроса фалсафаси”, тарихшунос Шавкат Мамадалиевнинг “Манфаат — тараққиёт асоси” мақолалари шулар жумласидандир. Уларнинг барчасида бир нарса — Ватанимиз раҳбариятининг янги, мустақил давлат барпо этиш борасидаги назарий дастури ва амалий сиёсати бугунги ижтимоий-сиёсий жараёнларни ўрганишда услубий аҳамиятга эга экани эътироф этилади. Дарҳақиқат, бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий тараққиёт концепцияси жамият ҳаётини, хусусан сиёсий жараёнларни, таркибий-функционал асосда ўрганишда муҳим ўрин тутмоқда. Янада аниқроқ айтсак, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишнинг ўзбекча модели ва бозор муносабатларининг таркиб топиб бориш жараёнини таркибий-функционал таҳлил воситасида ўрганиш жамиятнинг бугунги сиёсий функционал моҳиятини аниқлаш ҳамда англаб етишда муайян қимматга эга. Жамият ривожланишини унинг ички тизимлари ўртасидаги ўзаро функционал мувофиқлашиш негизида таҳлил этиш заруратини ҳаётнинг ўзи ҳам тасдиқламоқда. Табиийки, бу ҳол сиёсий жараёнларни таркибий-функционал ёндашиш асосида ўрганишни тақозо этади. Бундай тадқиқот амалий-социологиявий, хусусий-умумилмий ва назарий-фалсафий каби уч жиҳат — уч билиш даражасида юритилади.

Хўш, таркибий-функционал таҳлилнинг ўзи нима? У бугунги сиёсий жараёнлар жамият ижтимоий ҳаётига кўрсатадиган таъсирни қай тарзда ўрганади? Таъкидлаш жоизки, таркибий-функционал ёндашиш тизимли тадқиқотнинг муҳим бир жиҳати бўлиб, у бозор муносабатларининг таркиб топиб боришида сиёсий жараёнларнинг функционал табиатини теран таҳлил этиш имконияти ҳисобланади. Функция асли

муайян тизимнинг турли объектлар билан алоқаси ва муносабатида юзга келадиган хусусиятдир. У тизим ва ташқи муҳит ўртасида мунтазам равишда пайдо бўладиган жараёнларни аниқлаш воситаси саналади. Шу билан бирга, у ижтимоий ва бошқа турдаги тизимларнинг динамик хусусияти ифодаси ҳамдир. Унинг воситасида ижтимоий тизимларнинг хоссаси, қандай мақсадга йўналгани, иш фаолияти таҳлил этилади. Шу боис у бозор муносабатларига ўтиш шароитида сиёсий жараёнларнинг ижтимоий ҳаёт соҳалари билан ўзаро алоқадорлигини аниқлашда муҳим ўрин туттади.

Таркибий-функционал нуқтаи назардан қараганда, сиёсий жараёнлар муайян ижтимоий тузум ва унинг бағридаги таркибий унсурларнинг функционал ҳолатини билдиради. Чунончи, давлат ҳокимияти идоралари, сиёсий партиялар, ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар, ижтимоий гуруҳлар ва шахслар ўртасидаги сиёсий муносабатлар шулар жумласидандир. Демак, мана, ойдин бўлдики, таркибий-функционал ёндашишнинг асосий объекти муайян ижтимоий тузумдаги сиёсий институтлар ва жараёнларнинг ўзаро алоқалари ва уларга тегишли муносабатлар экан. Бинобарин, бундай тадқиқот усули фақат муайян тузумни эмас, балки уларнинг таркибидаги унсурларнинг ҳам ўзаро ва ташқи алоқаларини ўрганишни назарда туттади.

Ҳар қандай ижтимоий тузум динамика ривожланишининг дастлабки босқичи — унинг функционаллашувидир. Таркибий-функционал ёндашишнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, унинг воситасида ижтимоий тизимларнинг ташқи функционал фаолиятини тадқиқ қилишдан унинг ички таркибий жиҳатлари, моҳияти сари борилади. Яъни сиёсий жара-

ёнларнинг жамият ижтимоий воқе-лигига кўрсатадиган функционал таъ-сирини таҳлил қилиш орқали уни юзага келтирувчи сиёсий муносабат-лар таҳлиliga ўтилади. Бундай ён-дашувнинг дастлабки босқичи сиё-сий жараёнларнинг ички таркибий жиҳатлари тўғрисида илмий маълум-отлар берса, кейинги босқич — сиёсий жараёнларнинг жамият иж-тимоий соҳаларига кўрсатадиган таъ-сири — унинг ташқи ижтимоий му-ҳитга қаратилган функционал муно-сабати тўғрисида илмий маълумот беради.

Сиёсий жараёнларни таркибий-функционал жиҳатдан тадқиқ қилиш куйидаги масалаларни ойдинлашти-ришда муҳим аҳамиятга эга: 1. Сиё-сий тизимнинг моҳиятини, унинг жа-мият ижтимоий тизимларига функ-ционал таъсир даражасини, ўзига хос хусусиятларини. 2. Давлат ҳокимиятининг сиёсий тизим тарки-бида муҳим устивор тизимости ту-зилмаси сифатидаги функционал ҳолатини. 3. Сиёсий тизим таркиби-га кирувчи давлат ҳокимияти ва бошқа тузилмалар — сиёсий партия-лар, ҳаракатлар, ижтимоий гуруҳлар-нинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаоллик даражасини.

4. Сиёсий жараёнларнинг жамият ижтимоий ҳаётининг иқтисодий, ҳуқуқий, мафкуравий, таълим-тарбия-вий, маданий тизимлари ривожла-нишига кўрсатаётган таъсири ва бу таъсир характерини. 5. Тизим тар-кибий унсурларнинг ўзаро функ-ционал муносабатларини. 6. Давлат ҳокимияти юритаётган сиёсат, мав-жуд сиёсий режим демократия та-мойилларига қай даражада мос экан-ини. 7. Сиёсий жараёнларнинг функционал моҳиятини таҳлил қилиш орқали ижтимоий-сиёсий ти-зимлар ва уларнинг асосий унсурла-ри ўртасидаги ўзаро функционал

таъсирни, уларнинг функционалла-шувини мувофиқлаштириш, дисфунк-ционал жиҳатларини бартараф этиш йўлларини аниқлаш ва билишни.

Баён қилинганлар асосида айтиш мумкинки, биринчидан, Ўзбекистон-даги сиёсий жараёнларни таркибий-функционал нуқтаи назардан ўрга-ниш ҳам назарий, ҳам услубий аҳами-ят касб этади; иккинчидан, таркибий-функционал ёндашиш жамият сиё-сий жараёнларини гносеологик жи-ҳатдан ўрганишда услубий тамойил сифатида намоён бўлади; учинчидан, у қомусий-ижтимоий, умумилмий ва фалсафий билиш даражаларида ус-лубий восита мақомидаги хусусият-ларга эга бўлади.

Бизнингча, сиёсий жараёнлар, энг аввало, сиёсий тизим функционал хусусиятларининг жамият ҳаётида намоён бўлишидир. Сиёсий тизим таркибига кирувчи давлат ҳокимия-ти идоралари, сиёсий партия ва бирлашмалар, сиёсий ҳаракатлар, ижтимоий гуруҳлар ва шахсларнинг сиёсий характердаги фаоллиги сиё-сий жараёнларни ташкил этади. Демак, сиёсий жараёнлар сиёсий ти-зимнинг функционаллик даражасини билдиради.

Таркибий-функционал ёндашиш ижтимоий тизимларнинг функционал муносабатларини шунчаки қайд этиш билангина кифояланмайди. Балки улардаги функционал муно-сабат хусусиятларини ўрганиш во-ситасида тадқиқот объектининг қан-дай ривожланиши, уларни функцио-нал мувофиқлаштириш, дисфункцио-нал ҳолатини аниқлаш, уларни юза-га чиқараётган омилларни белгилаб, бартараф этиш йўлларини топиш каби муҳим амалий ишларни ҳам қамраб олади. Шу жиҳатдан мамла-катимиздаги бугунги сиёсий жара-ёнларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки бозор муносабатла-

рига ўтиш шароитида мамлакатда демократия тамойилларининг амал қилиш хусусиятлари, характерига қараб ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий-мафкуравий, маиший турмуш муносабатлари таркиб топади.

Сиёсий жараёнларда сиёсий тизимнинг қуйидаги функционал хатлари мужассамлашган бўлади: ижтимоий гуруҳлар ва шахсларнинг ижтимоий манфаатлари билан миллий манфаатларни ўзаро мувофиқлаштирган ҳолда ҳаётга тадбиқ эта бориш; жамият ва ижтимоий жараёнларни бошқариш ва унинг захираларини тўғри, адолатли равишда тақсимлаш; ижтимоий-сиёсий фаолиятларни тартибга солиш ва уларни тўғри бошқариб бориш; жамият ижтимоий-сиёсий жараёнларининг келгусидаги ривожланиш тамойилларини олдиндан ҳисобга олиб бориш.

Бугунги Ўзбекистонда тўртта сиёсий партия ва битта ижтимоий-сиёсий ҳаракат фаолият юритмоқда. Улар мамлакатимиздаги фуқаролар ва гуруҳларнинг ижтимоий-сиёсий манфаатларини акс эттирмоқда. Сиёсий тизим таркибида рўй берган бундай ўзгаришлар ижтимоий жараёнларнинг фаоллашувига сабаб бўлмоқда. Бунинг натижасида кишиларнинг сиёсий онги, маданияти ва фаолияти янада юксалмоқда, фуқаронинг давлат бошқарувидаги иштироки ҳам кучайиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасида ижро ҳокимиятининг функционал фаолияти жамиятимиз ижтимоий-иқтисодий, маънавий-сиёсий ҳаётини тубдан янгиланиш сари сафарбар этмоқда. Аммо суд ҳокимияти ва

тўртинчи ҳокимият — матбуот идораларининг функционал фаолиятида эски тузумдан мерос хусусият ва муносабатлар ҳанузгача сақланиб келмоқда. Бу эса ҳуқуқий- демократик давлат қуриш узоқ даврни қамраб олувчи, кўп босқичли жараён эканини кўрсатади.

Кўп йиллик истибдод натижасида халқимизнинг фикр эркинлиги чекланди. Зеро, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий жиҳатдан исқанжага олинган халқни бошқариш осон. Миллий мустақилликка эришгач, халқимиз эртаси қандай бўлиши бугунги кундаги фаолиятига боғлиқ эканини, эндиги тақдири ўз қўлида эканини ҳис қила бошлади. Бинобарин, эндиги миллий тараққиётимиз омманинг сиёсий билими, онги ва маданиятига боғлиқ. Бежиз эмаски, Президент Ислом Каримов ислохотларнинг иккинчи босқичидаги асосий вазифа — “давлат бошқарувининг яхлит тизимида турли бўғинларнинг ваколат доирасини аниқ чегаралаб олишдан, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқ ва ваколатларини энг кўп даражада кенгайтиришдан иборатдир”, деб таъкидлаган эди. (**Ислом Каримов**. “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”. Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 1995 йил, 265-бет.)

Хуллас, омманинг сиёсий-ҳуқуқий онги, билими, савияси, маданияти ва дунёқарашидаги юксалиш бозор муносабатларига асосланган ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг функционал мақомда шаклланиши ва такомиллашувига туртки бўлади.

ИСТЕЪДОД –

ЖАМЛИЯТМАЛИК

ИЛМРЕЛЛИКДУГА

БОЙЛИК



Рухиятшунос
Ботир
ҚОДИРОВ
билан
суҳбат

— Ботир ака, биламизки, истеъдодли кишиларга муносабат азалдан бир хилда бўлмаган. Турли замонларда золим ҳукмдорлар не-не буюк истеъдод соҳибларини дорга остирган, ўтга ташлатган ёинки ўзга юртларга бадарға этган. Суқрот, Жордано Бруно, Мансур Халлож, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Насимий, Фузулий, Машраб, Чўлпон, Фитрат каби зотларнинг тақдири бунинг ёрқин далилидир. Бугунги тамаддун кишиси ана шундай беқиёс шахсларнинг аччиқ қисмати ҳақида ўйлар экан, табиийки, буюк истеъдод эгаларига бу қадар шафқатсизлик қилишнинг боиси нимада, деган масала устида бош қотиради. Бундай таасуфли ҳол аслида истеъдоднинг моҳияти, табиати ҳамда унинг инсоний ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ эмасмикан?

— Ҳақиқатан ҳам, инсоният тарихига бир назар ташласак, турли замонларда

не-не буюк истеъдод эгаларининг тазйиқ остида яшагани, таҳқирлангани, бадарға этилганига оид маълумотларга дуч келаемиз. Аммо гоҳо шундай ҳам бўлганки, кўплаб олиму фузалолар, меъмору наққошлар, шоиру созандалар ҳукмдорлар саройидан паноҳ топиб, бамайлихотир ижод қилиш имконига эга бўлганлар. Айтмоқчиманки, бу масалага қатъий бирёқлама ёндашиш, истеъдодли кишилар барча замонларда тазйиқ остида бўлганлар, қувғин этилганлар, азобланганлар, дея хулоса чиқариш ярамайди. Акс ҳолда, бугун Ҳомернинг “Илиада” сини, Берунийнинг “Ҳиндистон” ини, Шекспирнинг “Ҳамлет” ини, Алишер Навоийнинг “Ҳамса” сини, Ибн Синонинг “Тиб қонунлари” ни ўқиш, неча асрлардан буён кишиликни ҳайратга солиб келётган қадимий меъморий обидаларни кўриш ва зиёрат қилиш бахтидан маҳрум

этилган бўлур эдик.

— Мен буларни асло инкор этмоқчи эмасман. Масаладан айнан шу тарзда гап очишдан кўзланган ягона мақсад — истеъдоднинг ўзи нима, унинг табиати ҳамда инсоний ўзига хослиги нимадан иборат деган азалий муаммоларга бир оз ойдинлик киритиш эди, холос.

— Тўғриси айтсам, ҳали бу борада пухта асосланган илмий концепция ишлаб чиқилмаган. Бу ҳол фундаментал тадқиқотлар юритиш, тарбия ва педагогика амалиётига ҳам салбий таъсир этиб келмоқда. Кўп йиллар мобайнида таълим-тарбия муассасаларида “истеъдод эгаси”, “истеъдодли бола” каби тушунчалар қўлланмас, бу — инсон шахсига унинг зехни, ақлзаковати, қобилият даражасидан қатъи назар, бир хилда ёндашиш, барчани ягона дастур асосида ўқитиш оқибати эди. Қобилияти, истеъдоди юксак болалар эътиборсиз қолдирилгани ҳолда ўртача салоҳиятли ва ҳатто ақли заиф болаларга алоҳида эътибор берилгани, улар учун махсус мактаблар ташкил этилгани совет даврида бирёқлама таълим сиёсати юритилганини кўрсатмайдими? Мен бундай мактаблар мутлақо керак эмас, демоқчи эмасман. Қолаверса, сўнгги 30-40 йил давомида иқтисодий, ижтимоий, экологиявий муаммолар натижаси ўлароқ дунёнинг кўпгина мамлакатларида дебилизм (ақли заифлик) хасталигининг пайдо бўлгани руҳиятшунос ва педагог олимларни жиддий ташвишга солмоқда. Бу муаммони бартараф этишга қаратилган махсус синф ва мактаблар зарур, албатта. Аммо бу ўринда бошқа масала — кучли ақлий салоҳиятга, истеъдодга эга бўлган болаларни аниқлаш ва уларни мукаммаллаштирилган махсус дастурлар асосида ўқитиш тўғрисида гап бормоқда. Оллоҳга шукрки, мустақиллик шарофати билан таълим борасида собиқ шўро замонидан мерос бўлиб қолган концепция ва

ёндашувлардан воз кечиб, бу соҳани бугунги тараққиёт талаблари асосида тубдан ислоҳ этишга киришдик. Шуниси диққатга сазоворки, мамлакатимиз раҳбарияти 80-йилларнинг охиридаёқ, собиқ СССР республикаларидан биринчи бўлиб, ёш истеъдодларни танлаш ва тарбиялаш халқимиз келажагини белгиловчи ўта муҳим масала эканини англаб етган эди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1990 йилги 32-Қарорида истеъдодли болаларни танлаш ҳамда шу муаммо билан шуғулланувчи илмий муассасалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус марказ ташкил этиш кўзда тутилган эди. Ушбу Марказ танловидан ўтган қобилиятли, истеъдодли болалар туман ҳамда вилоят марказларида ташкил этилажак махсус ўқув юртларида таълим олишлари мўлжалланган эди.

— Аммо Марказ 1996 йилга келибгина ташкил этилганини қандай тушунса бўлади?

— Гап шундаки, ўша даврда Тошкентда етарли даражада мутахассислар ҳам, зарур илмий база ҳам йўқ эди. Шу боис бу вазифа Термиз Давлат педагогика институти қошида ташкил этилган психология илмий-текшириш лабораторияси зиммасига юкланди. Назаримда, ушбу лабораторияда унча-мунча тажриба тўплангани, ўқувчиларни танлаш ва уларга доир маълумотларни таҳлил этиш усулларини яхши эгаллаган мутахассислар борлиги инобатга олинган бўлса керак.

Хуллас, 1990 йилдан бошлаб, қарийб беш йил мобайнида, ушбу лаборатория негизида мамлакатнинг барча шаҳар ва қишлоқларидаги истеъдодли болаларни танлаш, қўлланилаётган усулларни такомиллаштириш, тўпланган маълумотларни замонавий компьютерларда ҳисоб-китоб қилиш ва таҳлил этишга доир дастурлар яратиш билан шуғулланиб келдик. Кейинроқ, Республика “Истеъдод” маркази таш-

кил этилганидан сўнг бу тажриба жуда қўл келди.

1995 йилда Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириғига биноан, лабораториямизни пойтахтга кўчириш ҳамда унинг асосида Республика “Истеъдод” марказини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ўша йили мамлакатимизнинг етти вилоятида танлов ўтказиб, 7,5 минг боладан ўта истеъдодли ва қобилиятли 192 нафарини танлаб, Улуғбек жамғармасининг мукофотларига тавсия этдик. 1997 йилда эса уларнинг сони 303 нафарга етди. Улардан 60 нафари Республика “Камолот” жамғармасининг стипендиясига тавсия этилди. Бу болаларнинг ҳар бири келажакда республикамиз тараққиётига улкан ҳисса қўша оладиган, фаолият соҳасида етук мутахассис даражасига етишадиган истеъдод соҳиблари эканига ишончим комил.

— Назаримда, гап айланиб яна бояги масала — истеъдоднинг асл моҳияти, табиатига бориб тақалаётганга ўхшайди. Яъники, Сизнинг бундай ишончингиз нимага асосланган? Айнан Сиз ўзингиз истеъдодли болани қандай фарқлайсиз?

— Биласизми, кишиларнинг онг ва тасавуридаги “истеъдод” деган тушунча сиз билан биз қўллаётган тушунчадан фарқ қилади. Аниқроғи, бизлар илмий асосда танлаётган ҳақиқий истеъдод эгалари ижтимоий онг, оммавий тасаввур ва тушунчалар чегарасига сифмаслиги, улардан юксакроқ экани боис у етарли даражада эътироф этилмайди.

Ижтимоий, оммавий онг тасаввурда “истеъдодли бола” — фақат “аъло”га ўқийдиган, рақам ва маълумотларни тез ёд оладиган боладир. Руҳиятшунослик нуқтаи назаридан, боланинг билим савияси ёки ёдлаш қобилияти эмас, балки, аввало, унинг ботиний имкониятлари, ақлий салоҳияти муҳимроқдир. Бизнинг-

ча, истеъдодли бола деганда ноёб интеллектуал салоҳиятга эга бўлган ҳамда жамият тараққиётини белгиловчи, ижтимоий қиммати зўр билимларни мукамал эгаллашга қобил ўқувчини тушунишимиз лозим. Аён бўлмоқдаки, бу ўринда масалага доир икки жиҳат аниқса яққол кўзга ташланади. Биринчидан, бундай истеъдод соҳибига парвардигори олам ўта кучли зеҳн, ақл-заковат, беқиёс интеллектуал қувват ато этган бўлади. Мисол учун оддий бир болага куй ўргатиш зарурати туғилиб қолди, дейлик. Албатта, у куйни ўрганиб олиши ва яхшигина ижро этиши ҳам мумкин. Аммо ундан нари ўтолмайди: у тузуккина созанда бўлиши мумкин, зўр бастакор, композитор мақомига етишиши амримаҳол. Истеъдодли болага эса шу қадар зўр ботиний ақлий қувват ато этилган бўладики, унинг тақдирида нафақат яхши созанда бўлиш, балки тингловчини ром этадиган кўпдан-кўп мусиқа асарлари яратувчи беназир бастакор ёки композитор бўлиб етишиш саодати ҳам бор. Бошқа фаолият соҳаларини назарда тутган ҳолда ҳам шундай муқоясалар қилиш мумкин. Табиийки, бадиий ижод, илм-фан, мусиқа, тасвирий санъат каби соҳа вакиллари орасида ҳақиқий истеъдод эгалари, ноёб қобилият соҳиблари нега ўта камёб бўлади, деган савол туғилади. Унга жавоб бериш қийин, илмий асослаш эса ундан ҳам мушкулроқ. Лекин, ўйлашимча, масала аввало муайян ижодкорга ботиний интеллектуал қувват азалдан ато этилгани (ёки аксинча — ато этилмагани) билан боғлиқ. Руҳиятшунослик нуқтаи назаридан, ишонч билан айтишим мумкинки, бундай қувват, “потенциал истеъдод” ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Мен ботиний қувват, ноёб истеъдод эгаси бўлган ёшларни жамиятнинг энг қимматли ва ноёб ақл-заковат захираси деган бўлардим. Уларни қадрлаш, асраб-авайлаш ва рўёбга чиқариш — Ватанимизнинг порлоқ

келажagini таъминлаш демакдир.

Шак-шубҳасиз, бундай истеъдоднинг рўёбга чиқиши бир талай, чунончи, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳолати, оиладаги шарт-шароит, ўқув юрлараридаги илмий-техникавий имкониятлар ҳамда ўқитувчиларнинг малакаси ва билим даражаси каби омилларга боғлиқ. Бугунги кунда ўткир зехн, ақл-заковат аломатларини ёшлиқда илғаб олиш, “ўлчаш” имкониятини берадиган махсус мезон — интеллектуаллик даражаси (IQ — “ай кью”) ишлаб чиқилган.

Марказимиз зиммасидаги асосий вазифа — болаларнинг билим даражаси, қобилиятини шунчаки аниқлаш эмас, балки минглаб болалар орасидан зўр ботиний ақл-заковат соҳибларини, интеллектуаллик даражаси юксак бўлган ёшларни саралаб олиш ва тегишли соҳаларга йўналтиришдир. Шу ўринда масаланинг бир жиҳатига эътиборингизни қаратмоқчиман. Амалиётда баъзан шундай ҳолатга дуч келамиз: интеллектуаллик

даражаси 100-110 IQни ташкил этган шахснинг жамият тараққиётига қўшган ҳиссаси IQ миқдори 135-140 ёки ундан ҳам зиёдроқ бўлган шахсниқидан кўпроқ бўлиши мумкин. Бунинг сабаби шундаки, юксак IQ миқдорига эга бўлган шахс ўзига ортиқча бино қўйиши, истеъдодидан ўта мағрурланиб кетиши оқибатида ўз устидан ишламайди, натижада интеллектуал ривожланиши секинлашиб қолади. XVI асрда яшаб ўтган буюк француз файласуфи Рене Декарт “Кучли тафаккур, ақл-заковатнинг ўзи кифоя қилмайди, ундан оқилона фойдаланиш муҳимроқдир”, дея бежиз таъкидламаган. Қиссадан ҳисса шуки, инсонга ато этилган интеллектуал қувват, истеъдод ўз-ўзидан юзага чиқиб қолмайди. У машаққатли меҳнатни, тинимсиз изланишни тақозо этади. Бинобарин, истеъдод эгаси нафақат кучли интеллектуал ботиний қувват, тафаккур соҳиби, балки айни пайтда ана шу улкан имкониятни рўёбга чиқара олишга қобил шахс ҳамдир.



Энди истеъдоднинг асл моҳияти, табиати масаласига келайлик. Хўш, истеъдоднинг асл моҳиятини белгиловчи асосий омиллар нималардан иборат: ирсиятданми ёки ижтимоий муҳитданми? Эҳтимол, у Яратувчининг севган бандасига тортиқ қилган буюк бир инъомидир? Ижтимоий муҳитни асосий омил сифатида эътироф этадиган олимлар, истеъдодсиз бола бўлмайди, гап унинг шууридаги имкониятни рўёбга чиқариш учун зарур ижтимоий-иқтисодий шароит яратилишида, деб ҳисоблайдилар. Бошқа бир гуруҳ олимлар эса биологик, ирсий омилни асосий деб билдилар. Назаримда, инсоннинг биофизиологик ривож, айниқса, мия фаолияти ҳали сирлигича қолаётганини эътироф этадиган бўлсак, ҳам биофизиологик, ҳам ижтимоий омиллар таъсирини тан олмагимиз даркор. Биофизиологик омил бир инсонни бошқасидан фарқлайдиган туб асос бўлиб ҳисобланса-да, унутмаслик керакки, инсон миллий муҳит, муайян ижтимоий-иқтисодий шароит ҳамда маънавий қадриятлар таъсирида шаклланади, вояга етади. Яъни инсонга ато этилган зўр қобилият, истеъдод муайян ижтимоий-иқтисодий шароитда рўёбга чиқиши, юксаклиши ёки аксинча, бошқа бир ижтимоий-иқтисодий вазиятда мутлақо намоён бўлмаслиги ва ҳатто завол топиши мумкин.

— Энди истеъдоднинг қай тарзда намоён бўлиши ва унинг турлари ҳақида тўхталсак. Умуман, болада муайян соҳага қизиқиш, уни эгаллаш қобилияти, истеъдоди қай йўсинда ва қачон пайдо бўлади? Унинг физиологик ва психологик кечishi тартиби қандай?

— Истеъдоднинг турлари ҳақида сўз кетар экан, таъкидлаш жоизки, инсоннинг фаолият йўналиши нақадар кўп бўлса, истеъдод соҳиблари ҳам шу қадар кўп ва хилма-хил. Руҳиятшуносликда истеъдод турлари одатда бир неча йирик гуруҳга бўли-

нади. Сухбатимиз давомида биз асосан илм соҳасидаги истеъдодлар тўғрисида сўз юритган эдик. Бундан ташқари, техник тафаккур, бадиий тафаккур ва ҳатто спорт соҳасида ҳам кўплаб истеъдодли кишиларни учратиш мумкин. Албатта, уларни, масалан, спорт ва бадиий тафаккур соҳасидаги истеъдодларни бир-бири билан қиёслаб бўлмайди, негаки бири эплаган ишни бошқаси уддалай олмаслиги аниқ. Улар IQ кўрсаткичи бўйича ҳам тубдан фарқланадилар. Бадиий тафаккур соҳасидаги ёш истеъдодлар оламни, воқеликни, атрофдаги ҳодисаларни бадиий тимсоллар воситасида идрок этадилар ҳамда жуда оддий вазиятларда ҳам қобилиятларини намоён эта оладилар. Бир вақтлар Республика Нафис санъат мактабига хужжат топширган абитуриентларга ўзига хос бир тест тақдим этган — каттагина танлов хонасида қалам ва дафтарини шай қилиб турган 60 боладан стол устидаги бир дона картошка, сабзи ва пиёз ҳақида билган нарсасини ёзиб беришини сўраган эдик. Талабаларнинг аксарияти сабзавотларнинг қачон пайдо бўлгани, уларнинг турли биохимик хоссаларини баён этган — хуллас, улар тўғрисида маълумот берган бўлса, бор-йўғи бир-икки талабгоргина уларни бадиий тимсоллар воситасида жонлантиришга ҳаракат қилган. Айнан шундай болалардан келажакда зўр бадиий сўз устаси, режиссёр ёки актёр етишиб чиқиши эҳтимолга яқинроқ. Эҳтимолликни реалликка айлантириш учун уларга доимий эътибор, рағбат лозим бўлади. Болалардаги ана шундай ботиний имкониятни, истеъдодни вақтида аниқлаш ва унинг тўлиқ намоён бўлишига кўмаклашиш ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Марказимиз мутахассисларининг бутун саъй-ҳаракати, ишлаб чиқилган тест, услубий қўлланма ва дастурлар ана шу мақсадга йўналтирилган.

— Демак, сизлар болаларни тест ёрда-

мида саралаб берар экансизлар-да? Шу ўринда бир мулоҳазани баён қилмоқчиман. Кейинги вақтларда жамиятимизда анкета сўрови ёки тест ўтказиш ўзига хос модага айланиб бораётгани кўзга ташланади. Ҳатто “анкетомания”, “тестомания” деган сўзлар ҳам бот-бот қулоққа чалинадиган бўлиб қолди. Ачинарлиси шундаки, бундай сўров ва тестларни кўп ҳолларда илмий танлов услуги ва йўл-йўригидан мутлақо беҳабар кишилар ўтказмоқда. Агарда бундай ҳолларга тезда чек қўйилмаса, охир-оқибатда бирмунча нохуш манзарага дуч келишимиз аниқ. Сизлар истеъдодли болаларни танлаш жараёнида тест усулини қай тарзда қўллайсизлар?

— Гапингизда жон бор. Илмда юзаки ёндашув, виждонсизлик, ёлғон ҳаргиз самара бермайди. Илмий тадқиқотда муайян усулдан билиб-билмай фойдаланиш, унинг натижалари асосида нотўғри хулосалар чиқариш қандай оқибатлар келтиришини тасаввур этиш қийин эмас. Америка социология амалиётидан бир мисол келтирай. 30-йилларда президент сайловлари арафасида “Лэттери Дэйжест” журнали 10 миллион анкета тарқатиб, сайлов натижаларини нотўғри башорат қилган бўлса, доктор Жорж Гэллап бор-йўғи 4 минг анкета натижалари асосида сайловда ким ғолиб чиқишини ниҳоятда аниқ башорат қилиб берган эди. Журнал Гэллап марказига қараганда 10 минг марта зиёд анкета тарқатиб, қанчадан-қанча маблағ сарфлаб кўнгилдагидек натижага эришолмаганининг сабаби нима? Сабаби шундаки, Гэллап марказида танлаш ва таҳлил этишнинг социологик усулларини пухта эгаллаган юксак малакали мутахассислар тадқиқот юритган бўлса, журналда бу иш чаламулла одамлар қўлига топширилган. Шунга ўхшаш ҳоллар бизда ҳам рўй бериши мумкин. Яна бир мисол, Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг кўрсатмасига биноан барча мактаб муал-

лимлари зиммасига тест тузиш ва ўқувчилар билимини тест воситасида аниқлаб бериш вазифаси юклангани менга унча маъқул эмас. Чунки тест тузиш ўта машаққатли, мураккаб жараён, унинг ўзига хос ғояси, технологияси ва илмий тамойиллари мавжуд. Бинобарин, уни руҳиятшунос ёки махсус малакага эга бўлган мутахассис тузсагина кўнгилдаги натижага эришиш мумкин.

Марказимизда танлов жараёнида биз қўллаётган тестларнинг моҳиятига назар солсак, улар боя тилга олинганлардан тамоман фарқ қилади. Уларни умумийроқ тарзда “зеҳн тестлари” деб аташ мумкин. Ҳозиргина таъкидлаб ўтганимдек, ушбу тестлар бола қандай ижтимоий, нуфузий, миллий гуруҳга мансуб бўлишидан қатъи назар, унинг савияси, билим даражасини эмас, балки ботиний интеллектуал қуввати, тафаккури ва ақл-заковати, яъни ички салоҳиятини аниқлашни кўзда тутди. Танловларимизда биз асосан икки турдаги — вербал ва новербал тестлардан фойдаланамиз. Вербал тестлар иқтисодий-ижтимоий, маданий-маънавий омиллар боланинг ботиний имкониятлари, тафаккури ва ақл-заковатига қандай таъсир этишини ойдинлаштириш имконини берса, новербал тестлар боланинг интеллектуал ривожига ирсият, ирсий омиллар таъсирини аниқлашда қўлланади.

Ана шу тестлар воситасида даставвал, ўқувчиларнинг интеллектуал имкониятларини эътиборда тутган ҳолда, улар ривожланишининг асосий йўналишларини аниқлаб оламиз. Бу масалада болаларни биз уч гуруҳга бўламиз: гуманитар соҳа, табиий ва аниқ фанлар соҳаси ва ниҳоят бадиий тафаккур соҳаси. Бу жараён танловнинг илк босқичида, бевосита туман ва вилоятларнинг ўзида амалга оширилади. Шундан сўнг интеллектуал даражаси (IQ кўрсаткичи) юқори бўлган болалар ҳақидаги маълумотларни Тошкентдаги

марказий компьютер хотирасига жойлаштирамиз. Кейин уч йирик йўналиш бўйича сараланган болаларни муайян бир касб ёки мутахассисликка жалб этишга интиламиз. Бу йилдан эътиборан уларнинг аксарияти вилоят марказларида ташкил этилаётган академик лицей ва коллежларда ўқийдиган бўлади.

— *Домла, одатда оилада болаларнинг касб танлаши ҳақида сўз кетса, кўпинча “Ҳа энди қассобнинг ўғли — қассоб, олимнинг ўғли — олим бўлади-да!” кабилидаги гапларни эшитиб қоламиз. Шу гапларда бир оз бўлса-да ҳақиқат борми? Қолаверса, истеъдодли болалар асосан қандай оилаларда дунёга келади? Боз устига, оиладаги ҳамма болалар ҳам истеъдодли бўлавермайди-ку! Оиладаги нечанчи болага шундай бахт насиб этиши эҳтимолга яқинроқ? Бу ҳақда бирон бир асосланган қараш ёки хулоса борми?*

— Албатта, муайян касб бўйича меҳнат қилиб келаётган оилавий сулолаларни ҳар қандай шаҳар, туман ёки қишлоқда учратиш мумкин. Аммо оилаларнинг аксариятида фарзандлар одатда ҳар хил касб соҳиби бўлишга интилади. Шу боис ота-онанинг касб-кори ва болаларнинг касб қизиқишлари ўртасида тўғри пропорционал боғлиқлик йўқ, деб ўйлайман. Ота-онанинг ижтимоий келиб чиқиши ва истеъдодли болаларнинг туғилиши ўртасида бундай боғлиқлик мавжудлигини ҳам ҳали кеч ким асослаб бергани йўқ. Истеъдодли бола ҳар қандай оилада дунёга келиши мумкин, лекин ундаги истеъдоднинг намоён бўлиши, боягина таъкидлаганимиздек, бир талай омилларга, айниқса, оиладаги маданий, психологик ва маънавий муҳитга боғлиқ эканини таъкидлаш жоиз. Агарда бизнинг танловларимизда иштирок этган истеъдодли болаларнинг оилавий аҳволига бир разм солсак, фаройиб вазиятга дуч келамиз. Ижтимо-

ий жиҳатдан қандай тоифага мансуб бўлишидан қатъи назар, бу оилалар барқарорлиги, аҳиллиги, юксак маданияти билан кўзга ташланади. Бундай оилаларда боладаги истеъдод, тафаккур ва ақл-заковат барвақт намоён бўлади, такомиллашади, сайқал топади. Шу ўринда 1998 йил мамлакатимизда Оила йили деб эълон қилингани сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдангина аҳамиятга эга бўлмай, биз билан сизни гурунгда чорлаган масала — истеъдод тарбияси борасида ҳам муҳим ўрин тутажани таъкидламоқчиман. Ягона истагим — оилани фаровон ва мустаҳкам этиш йўлидаги бу йилги тажрибаларимиз давлат миқёсида юритиладиган оилавий сиёсат концепциясига замин бўлиб хизмат қилса!


Оилада айнан қайси бола бошқаларидан кўра истеъдодлироқ бўлиши ҳам муҳим масала. Маълумотларнинг далолат беришича, бош фарзандлар камдан-кам ҳолларда ғоят истеъдодли бўлар экан. “Катта Совет Энциклопедияси”да жамланган жаҳон фани, маданияти, санъати, адабиёти, техникавий тараққиётига улкан ҳисса қўшган уч мингдан зиёд Нобель ва Ленин мукофоти соҳибларининг таржимаи ҳолини атрофлича ўрганиб чиққан олимлар уларнинг аксарияти оилада тўртинчи ёки бешинчи фарзанд бўлганини аниқлаган. Бунинг замирида қандайдир қонуният мавжудми ёки у шунчаки тасодифий бир ҳолми — бу масала ҳалигача ечимини топмай келмоқда. Тиббиёт, психология, нейрофизиология, демография каби фан соҳалари оилада эркак ва аёл ҳам интеллектуал, ҳам жисмоний жиҳатдан баркамоллашиб боргани сари улардан истеъдодли бола туғилиш эҳтимоли ортиб боришини тасдиқловчи илмий тахминларни илгари сураётганидан бохабармиз. Аммо улар илмий асосланганми, йўқми — бир нарса дейиш қийин.

— Вақти-соати билан бу муаммо ҳам ечимини топса ажаб эмас. Сиз билан ижтимоий воқелик, аввало, истеъдоднинг шаклланиши, камол топишида оилавий муҳитнинг тутган ўрни ва аҳамияти тўғрисида фикрлашдик. Энди масаланинг бошқа бир жиҳатига ҳам тўхталсак. Маълумки, Шарқда аёллар биринчи галда уй бекаси, бола тарбиячиси ҳисобланган. Лекин улар ҳам Оллоҳнинг бандаси, уларнинг орасида ҳам ноёб истеъдод эгалари, қобилиятли инсонлар оз эмас. Модомики шундай экан, аёллардан етишиб чиққан давлат арбоблари, буюк олим ёки ихтирочилар тарихда ниҳоятда кам бўлганини қандай изоҳлаш мумкин? Сизлар ўтказаяётган танлов натижалари шу жиҳатдан қандай аҳамият касб этади? Танлаб олинган истеъдодли болалардан қанчаси қизлар?

— Россия Фанлар Академиясининг Психология институтида ишлаб юрган кезларимда генетика фанини анчагина ўрганганман. Сиз тилга олган масалага ойдинлик киритиш учун гапни ирсиятдан, аниқроғи, эркак ва аёл ирсиятининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш масаласидан бошласак. Чунки уларнинг интеллектуал ва жисмоний камолотидаги фарқ аввало биологик ҳамда ирсий хусусиятларда намоён бўлади. “Инсон генетикаси

асослари” деб номланган фундаментал асарда таъкидланишича, инсондаги ўзгарувчан ирсий хусусиятлар эркакдан ва асосан ўғил болаларга ўтар экан. Шунинг учун аёллар табиатан барқарор, осойишта, босиқ-вазмин ҳолатга мойилроқ бўлса, эркаклар ансинча, ўзгарувчанлик хусусияти қон-қонига сингиб кетгани сабабли, ҳар қандай хавф-хатар, азоб-уқубат ва қийинчиликларга дош бериши мумкин. Инсоният пайдо бўлган даврдан бошлаб то шу кунга қадар амалга оширилган кашфиёт ва ихтиролар, барпо этилган иншоот ва меъморий обидалар, ўзлаштирилган янги қитъа ва материклар — барчаси эркаклар саъй-ҳаракати натижаси экани фақат жамият тараққиётига хос устивор қонуниятлар, ижтимоий зарурият ва талаб-эҳтиёжлар тақозоси билан изоҳланармикан? Менимча, эркакларга хос боёғи ирсий хусусият барча замонларда ҳам муҳим ўрин тутган. Албатта, аёллар орасидан ҳам тенгсиз олимлар, давлат арбоблари, зукко сўз усталари етишиб чиққани маълум. Лекин аёл аввало беқиёс тарбиячи этиб яралгани боис, авлодлар ўртасидаги руҳий, маънавий алоқани асраш, аждодлар тажрибаси, инсоният тўплаган ижтимоий, маданий-маънавий қадриятларни фарзандлар онгига сингдириш мудом унинг зиммасида бўлиб келган.

Эркак ва аёлнинг ботиний ақл имкониётлари ва тафаккуридаги тафовут танлов натижаларида ҳам намоён бўлмоқда. Агар истеъдодли болаларнинг турли гуруҳларига оид маълумотларга мурожаат этадиган бўлсак, уларнинг ҳаммасида ўғил болалар қиз болаларга қараганда анча кўп эканига амин бўламиз. Ўғил ва қиз болаларнинг ботиний ақл қуввати ёки бошқача қилиб айтганда, IQ даражасидаги фарққа тўхталадиган бўлсак, ўғил болаларнинг аксарияти табиий фанлар ва техника соҳаси, қиз болалар эса — гуманитар соҳа, нафосат ва бадииятни хуш кўража-



Инсон миясида олам муҳассам

ги ойдинлашмоқда. Бу — асосланган умумий тамойил. Шубҳасиз, сараланганлар орасида табиий фанлар ва техника соҳасига ўта қобилиятли қизлар ёки аксинча, гуманитар соҳа, бадиият сирларини тез фаҳмлайдиган ўғил болалар учраб туради. Аммо бу ҳолат умумий хулоса, тамойилни ўзгартира олмайди.

— Масаланинг яна бир, назаримда, ўта муҳим жиҳатига эътиборингизни тортмоқчиман. Сизлар қўллаётган илмий ёндашув, усуллар воситасида истеъдодли болаларни саралаб олдик ҳам дейлик. Боринги, уларни академик лицей ва коллежларга бердик ҳам. Бироқ ана шу лицей ва коллежлар истеъдодли болаларнинг қизиқишу эҳтиёжига яраша билим бера олармикан? Умуман, бугунги таълим тизими моддий-техникавий жиҳатдан, ўқитувчиларининг малакаси, билими нуктаи назардан зиммасидаги вазифани талаб даражасида бажаришга тайёрмикан? Ўтган йили мамлакатимиз парламенти тасдиқлаган Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурнинг ўзиёқ таълим тизимида ўша пайтга қадар амалга оширилган ислохотлар кўнгилдагидек самара бермаганидан далолат эмасми?

— Ростини айтсам, бу муаммо мени ҳам кўп ўйлантиради. Таълим тизимимиз, унинг моддий-техникавий асоси, ўқитувчиларнинг билим даражаси, умумий маданий савиясидан нафақат истеъдодли, ҳатто ўртамиёна ўқувчи ва талабалар ҳам қаноатланмайди. Марказимиз олдида турган вазифа истеъдодли болаларни саралаб беришдангина иборат эмас. Биз уларнинг келажак тақдирига ҳам масъулмиз. Истеъдодли болаларни жамиятимизнинг бебаҳо, ноёб интеллектуал захираси деб эътироф этар эканмиз, уларга муносабат ҳам шунга яраша бўлмоғи лозим. Бир нарсага иймоним комилки, таълим-тарбия тизимини замон талаблари даражасига етказмай туриб, истеъдодли болаларнинг

ақл-заковат ва зехнидан оқилона фойдаланмай туриб мамлакатимизнинг буюк келажagini, унинг ривожланган мамлакатлар сафидан мустаҳкам ўрин эгаллашини тасаввур этиш қийин. Шу боис Олий Мажлис қабул қилган Миллий дастур беқиёс аҳамиятга эга. Унда кўзда тутилган мақсад ва вазифалар таълим-тарбия соҳасидаги нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш, ёш авлодни бугунги ва эртанги кундаги мураккаб муаммоларни ечишга қодир мутахассислар этиб тайёрлашга хизмат қиладиган мукамал тизимни шакллантиришга қаратилган. Мен истеъдодларни тарбиялаш муаммолари билан шуғулланаётган мутахассис сифатида, ушбу дастурда қобилиятли ёшларни саралаш ва уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масаласига зўр эътибор берилганидан беҳад мамнунман. Бу — дастур муаллифларининг юксак савияси ҳамда узоқни кўра билишидан далолат беради. Дастурнинг диққатга сазовор яна бир жиҳати шундан иборатки, унда воқелиқдан узоқ, мавҳум вазифалар йўқ. Таълим соҳасидаги ислохотнинг ҳар бир йўналиши бўйича аниқ-равшан вазифалар белгилангани ва энг муҳими, улар моддий ҳамда молиявий жиҳатдан асослангани боис ушбу дастурни амалга ошириш реал гап экани шубҳасиздир.

— Ботир ака, Сиз боя собиқ СССР республикаларидан фақат Ўзбекистонда истеъдодли болаларни танлаш маркази ташкил этилганини тилга олиб ўтдингиз. Хўш, бошқа, хусусан, ривожланган мамлакатларда бу борада қандай тажрибалар бор? Сизлар хориждаги илмий марказлар ва мутахассислар билан қандай ҳамкорлик қиляпсизлар?

— Марказимиз фаолиятида қўлланаётган тестларнинг барчасини биз ўзимиз яратганмиз, деган даъвомиз йўқ. Чунки бундай тестлар илк бор Америка Қўшма Штатларида асримиз бошида яратилган

бўлиб, 20-йиллардан эътиборан жорий этила бошлаган. Кўпгина ривожланган мамлакатлардаги тест танловлари бугунги кунда жамиятнинг барча жабҳаларини қамраб олган, қонунлаштирилган, мукамал бир тизимга айланган. Шу боис бизда қўлланаётган барча тестлар, хусусан, Айзенк ёки Ровен тестларини Фарб руҳиятшунослари яратган бўлса-да, улар Шарқ мамлакатларида ҳам бемалол қўлланиши мумкин. Аммо уларни жорий этишда ҳар бир мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, миллий муҳити, аҳолисининг билим даражаси ва маданий савияси, урф-одат ва анъаналари эътиборда тутилгани маъқул. Албатта, биз ривожланган мамлакатлар тажрибасига суяниб, Фарб давлатларида яратилган танлов технологияси ва жараёнини жиддий равишда ўрганиб, миллий шарт-шароитимизга мос бўлган янги тестларни ҳам яратиб, танловларимизда қўлламоқдамиз.

Бугунги кунда тест танловлари ҳаётимизнинг бошқа соҳаларида ҳам қўлланаётгани, шубҳасизки, қувончли ҳол. Бироқ айрим ҳолларда улар миллий шарт-шароитимизга мослаштирилмагани сабабли турли муаммолар юзага келаётгани ҳам сир эмас. Мен бу ўринда республика Тест марказида қўлланаётган тестларни назарда тутяпман.

Тест марказида ўтказилаётган танловлардан кўзланган асосий мақсад минглаб талабгорлар орасидан энг зукко, ўта қобилиятли ва истеъдодли, мамлакатимизнинг келажакдаги тараққиётини юксалтира оладиган ёшларни саралаб олиш эмасми? Ўйлашимча, Марказ қўллаётган тестлар бу талабларга тўлиқ жавоб бераётгандек. Натижада истеъдодли болалар бир чеккада қолиб, ўқув юртларимизда ўртамиёна ёшлар кўпайиб бормоқда.

Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни амалга ошириш республика комиссиясининг яқинда бўлган йиғилишида ис-

теъдодли ёшларни саралаш ва тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган эди. Хусусан, йиғилишда Президент Ислон Каримовнинг ўқишга қабул қилиш вақтида психологик тестларни қўллаш зарурлиги ҳақидаги кўрсатмаси Марказимиз фаолиятига берилган юксак баҳо деб ўйлайман.

Бизнингча, энди мамлакатимиз интеллектуал салоҳиятини юксалтириш ҳамда халқ хўжалигининг турли соҳаларига малакали мутахассислар тайёрлаб бериш мақсадида истеъдодли ёшларни аниқлаш, саралаб олиш ва тарбиялаш бўйича давлат дастурини қабул қилиш фурсати ҳам етди. Ақл-заковат, истеъдоднинг бекиёс ижтимоий аҳамиятини, иқтисодий-ижтимоий тараққиётнинг устивор омилларидан бири эканини эътироф этган ҳолда ноёб қобилият соҳибларини аниқлаш ва тегишли соҳаларга йўналтиришни кўзда тутадиган ҳамда мактабгача тарбия муассасалари, умумтаълим мактаблари, лицей ва коллежлар ҳамда олий ўқув юртларидаги ишларни шунга мос тарзда юритишни тақозо этадиган мукамал тизим шакллантирилмоғи лозимки, токи истеъдодли ёшларнинг биронтаси ҳам, қаерда ва қандай шароитда яшашидан қатъи назар, эътибордан четда қолиб кетмаслигига эришиш лозим. Бунинг учун ушбу масалага дахлдор барча вазирлик, ташкилот ва илмий муассасаларнинг моддий, молиявий имкониятлари, илмий салоҳияти ана шу мақсадга йўналтирилмоғи зарур.

Бизнинг орзуимиз — ёшларимизга Оллоҳ инъом этган ақл-заковат, зеҳн ва иқтидор мамлакатимизнинг бўлғуси кучқудрати ҳамда буюк келажакига хизмат қилсин!

— *Самимий суҳбатингиз учун ташаккур! Хайрли ишларингизда Оллоҳнинг ўзи мададкор бўлсин!*

Баҳодир ЗОКИР суҳбатлашди.

Аннемарие ШИММЕЛЬ

“ҲАЙРАТГА ТУШАМИЗ БУЮК САҲЪАТДАН...”

Бу битиклар муқаддимасида шахсий бир хотирани зикр этиб ўтмоққа изн беришингизни сўрардим: Берлинда ёш шарқшунос ўлароқ таҳсил оларканман, туркийшуносликка бўлган қизиқишим доирасида бир чорак ўзбек тилини ҳам ўрганган эдим. Муҳтарам муаллимам, 1993 йили 92 ёшда вафот этган Аннемарие фон Габайн “Usbekische Grammatik” (“Ўзбек грамматикаси”) китобини айна уруш ниҳоясида — 1945 йилда нашр эттирган эди. Кейинчалик қайта чоп қилинган бу грамматика хрестоматик асар бўлиб, у туркийшунослик фани, аввало, Ўрта Осиё туркий тилларининг Германия тадқиқотчилиги илмида нақадар муҳим аҳамият касб этганидан далолат беради.

Ҳали 1933 йилдаёқ Карл-Хайнрих Менге “Der Islam” (“Ислом”) журналида “Drei Usbekische Texte” (“Уч ўзбекча матн”) эълон қилган эди; аммо бундан беш йил муқаддам Карл Брокельман 1071 йилда пайдо бўлган “Девони луғотит-турк” асосида “Kaschgaris Wortschatz”ни (“Қашқар лексикаси”) тадқиқ этган эди. Гарчи Брокельманнинг асосий ихтисослиги араб адабиёти ва семит филологияси бўлса-да, у ордан чорак аср ўтгач, кексайиб қолган чоғида, 1954 йили “Ostturkische Grammatik der islamischen literatursprache Mittelasiens” (“Ўрта Осиёдаги ислом адабий тилларининг шарқий турк грамматикаси”) тадқиқотини эълон қилди.

Барча туркийшуносликка қизиқувчилар учун “Марям опа” бўлган Ан-

немарие фон Габайннинг шарқшунослик мактабига бошқа кўпчилик қатори Йоханнес Бенцинг ҳам мансуб эди. У ўзини марказий ва шарқий турк тиллари филологиясини, шунингдек, ўрта асрларда Орол денгизидан тортиб жануби-шарқ томон олис ҳудудларга чўзилган Хоразм тилини ўрганишга бағишлади.

Айни шу кезларда ўзбек тилини бирмунча ўрганиб олганим сабабли мен бир дугонамга атаб бир неча шеър ва аллалар ёзган эдим. Февраль ойига бағишланган шеърда шундай сатрлар бор эди:

*Олис-олис маконда,
Ул Туркистон томонда,
Юлдузлари сарбаланд
Ястанади Самарқанд.*

*Зарга бурканган ипак,
Ҳам турли тилла безак,
Бахмали рангин, қат-қат —
Ватанидир Самарқанд.*

*Марвариду феруза,
Боғу роғлари тоза,
Мевалари шакарқанд —
Ватан унга Самарқанд.*

*Масжид, қаср ва сарой,
Сеҳру синоатга бой,
Кўнглимни айладинг банд,
Жаннатмонанд Самарқанд!*

Албатта, буни мақтағулик ва аслий шеър деб бўлмасди, чунки “Самарқанд” ва “шакарқанд” кофияси мумтоз форс шеъриятида жуда кўп



учрайди. "Самарқанд" сўзи эса немис адабиётида анча илгаритдан маълум бўлиб, у 1369 йилда Темур ўзига пойтахт қилган ва Оврупода танилган илк шарқ шаҳарларидан бири эди. Негаки, Руи Гонзалес де Клавихонинг "Storia di Gran Tamerlane" китоби дунёга келиши биланоқ овруполик китобхонларни лол қолдирди. Гўри Амир мақбараси ва темурийларнинг бошқа обидалари тасвирини баайни Исмоил Сомоний мақбараси сингари, бугунги кунда ислом санъатига оид деярли барча асарларда учратиш мумкин. Й.Смолик 1929 йилдаёқ бу мавзунини "Timuridische Baudenkmaler in Samarkand" ("Темурийларнинг Самарқанддаги меъморий ёдгорликлари") асарида тадқиқ қилган бўлса, орадан бир йил ўтиб Эрнст Кон Винер "Turan" ("Турон") номли улкан тадқиқотини эълон қилди. Бу асарда Ўзбекистон худудидаги мумтоз меъморий обидаларнинг салобати ва нафосати ҳақида илк бор тасаввур берилди.

Аммо у вақтда етиб бориш мушкул бўлган бу икки шаҳар — Самарқанд ва

Бухоро ҳақида кўплаб немисларни ўйга толдирган манба Гётенинг "West-Ostlicher Divan" ("Фарбу Шарқ девони") бўлиб, шоир ўз маҳбубаси Зулайхога шундай эҳтиросли сатрлар билан хитоб қилган эди:

*Сенга Темур улкан салтанат
Кудратини айларди ато,
Шода-шода ҳирқоний зумрад,
Бадахшоннинг лаълини ҳатто.
Бухоронинг пистаю бодом,
Бол анқиган ҳаволарини.
Ва бергувчи кўнгилга ором
Самарқанднинг наволарини...*

Самарқанд қоғози: бутун Шарқда шўхрат қозонганини ва шу боис Кашмир султони Зайнул Обидин подшох қоғоз тайёрлаш ҳунарини ўргансин дея ўз усталарини Самарқанд ва Бухорога юборганини Гёте билганмикан?

Гёте яна илтижо айлаб дейдики:

*Самарқанд, Балх, Бухорони
Ўйламабман сира, дилбар.
Арзирми деб, садқа қилсам,
Қаро холинг учун магар...*

Бу беҳад гўзал ва муаззам альбом ўтган йили Германияда нашр этилган бўлиб, "Ипак йўли ворислари. Ўзбекистон" деб аталади. 1995 йилда айни шу номда кўргазма ташкил қилиниб, Оврупонинг йирик маданий марказлари — Берлин ва Штутгартда, шунингдек, Роттердамда муваффақият билан намойиш этилган эди. Мазкур кўргазма Ўзбекистон Республикаси Президенти жаноб Ислон Каримов ва Германия Федератив Республикаси Президенти жаноб Роман Ҳерцогнинг бевосита раҳнамолигида ташкил этилгани унга алоҳида нуфуз бағишлайди.

Ўзбекистоннинг қадимий ва беқиёс бой маданияти жаҳон аҳлини ҳануз ҳайратга солиб келади. Бу альбом саҳифаларида тенгсиз маданий меросимизнинг энг нодир ёдгорликлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Альбомнинг илк саҳифасидан Президентимиз Ислон Каримовнинг табриги — кўргазманинг Штутгарт шаҳридаги очилиш маросими қатнашчиларига йўллаган кутлов сўзлари ўрин олган.

Юртимизда яратилган тарихий бойликларнинг аксарияти тақдир тақозоси билан бутун дунёга сочилиб кетган. Уларнинг бир қисми зўру зар билан олиб кетилган, бир қисми ўғирланган, горат қилинган. Маданиятимиз бахтига ана шу мислсиз бойликнинг энг ноёб намуналари жаҳондаги йирик-йирик музейларда, кутубхоналарда, расм галереяларида сақланмоқда. Уларни турли миллат, турли ирку динга мансуб олимлар синчиклаб ўрганмоқда. Қарийб

Албатта, бу ўринда у Ҳофизнинг машхур байтидан илҳомлангани сезилиб туради:

*Агар кўнглимни ром этса
ўшал Шероз жонони,
Қаро холига бахш этгум
Самарқанду Бухорони.*

Бу шеърни Гёте Ҳофизнинг 1812-13 йилларда Йозеф фон Хаммер немис тилида чоп қилган таржимасидан биларди. Ким билсин, балки у буюк Темурнинг Ҳофиз билан Шероздаги учрашуви ҳақидаги ривоятни сўйлаб юрганмикан... Дарвоқе, бу шаҳар кейинчалик темурийлар салтанатининг пойтахтларидан бири бўлиб қолди, бу ерда санъат муҳиби бўлмиш темурийзода Иброҳим Мирзо Ҳиротдаги биродари Бойсунқур Мирзо сингари хаттотлик ила машғул бўлди.

Клавиҳо замонидан бошлаб Темур сиймоси овруполикларнинг хаёлига қанот бағишлаб келади. Масалан, у Англияда Кристофер Марлоуни инглиз драматургиясида янги давр очган фожиасини ёзишга илҳомлантирган бўлса, Генделни эса Темурга оратор

рия бағишлашга ундади.

Аммо Темурнинг қишки сафари ҳақида Гёте Ибн Арабшоҳнинг Вильям Жонс лотин тилига таржима қилган хотиралари туфайли бохабар бўлган. "Ғарбу Шарқ девони"ни қоралаш жараёнида бу юриш шоир учун Наполеоннинг бир неча йил бурун Москвага қилган истилоси билан таққослашга бир туртки бўлиб хизмат қилади.

Шу тариқа "Самарқанд" сўзи аста-секин олис бир романтик тимсолга айланадики, уни фақат Бағдод билан, "Минг бир кеча" ҳикоятлари билан қиёслаш мумкин.

Лекин Темур ва Самарқанд номи таниш бўлган одамларнинг саноқли қисмигина ислом санъати тарихи учун бугунги кунда аксарият ҳудудини Ўзбекистон эгаллаган Ўрта Осиё минтақаси нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини англаб етган бўлса эҳтимол.

712 йилдан эътиборан бу минтақа муслмон ҳукмронлигига ўтади; бир асрдан сўнг, 819 йилда Асад ибн Сомоннинг ўғиллари Бағдоддаги аббосий халифаларнинг ноиблари сифатида ҳокимият тепасига келади. Мазкур мин-

тўрт юз бетдан иборат кўркем альбом саҳифаларида биз Оксфорд, Лондон, Берлин, Штутгарт, Хайдельберг, Мюнхен, Франкфурт, Гамбург, Карлсруэ, Зиндельфинг каби шаҳарларнинг илм ва санъат даргоҳларида сақланаётган халқимиз бадиий даҳосининг гўзал намуналари билан илк марта танишиш имконига эга бўламиз. Ва танишиш асноси буюк санъатдан такрор ва такрор ҳайратга тушамиз.

Ҳайрат-ҳаяжонларимиз бир оз тингач, немис ва рус тилларида юксак матбаа сифати билан чоп қилинган бу мажмуа ноширлари – атоқли немис шарқшунос олимлари Йоханнес Кальтер ва Маргарета Павалойга, нашр ҳомийси "Даймлер-Бенц" ҳиссадорлик жамиятига, русча нашрининг вужудга келишида кўп саъй-ҳаракатлар қилган Германия Ташқи ишлар вазирлигига, барча муаллифлар ва ижодий гуруҳ аъзоларига чин дилдан миннатдорлик ҳиссини туямиз.

Қуйида шу альбомдан ўрин олган бир нечта ноёб тарихий суратлар билан бирга машхур немис олимаси, тарихимиз ва маданиятимизнинг жонкуяр билимдони Аннемарие Шиммелнинг "Германия ва Ўзбекистон" номли мақола-сини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

ТАРЖИМОН

тақанинг чигал тарихи билан боғлиқ барча тафсилотларни яхши билмайдиган киши ҳам Бухоро номини эшитиши биланоқ дарҳол 870 йилда вафот этган Ал-Бухорийни эслайди. Бу бекиёс инсон тўплаган “Саҳийҳ Ал-Бухорий”, яъни Муҳаммад пайғамбарнинг сўзлари ва кўрсатмаларини ўзида мужассам этган китоб — ҳадислар мажмуаси ислом уламоларининг фикрича, қимматига кўра Қуръондан сўнг иккинчи ўринда туради. Ҳиндий-покистоний тарих билан бирмунча таниш бўлган киши эса, XII асрдан бошлаб бухорсайидлар ҳинд муслмончилигининг диний ва илмий анъаналарида ва ҳозирда ҳам қисман Покистон сиёсатида нақадар муҳим ўрин тутишини яхши билади.


Форс шеърятининг тарихи билан шуғулланувчи одам, табиийки, Рудакийнинг (940 йилда вафот этган) куйидаги машҳур сатрини билмаслиги мумкин эмас. Бу шеърда шоир Ҳиротдан анча узоқда бўлган ҳукмдори Насрни тезроқ Бухорога қайтишга чорлайди:

Бўйи жўйи мўлийан оядад ҳаме.

(Мўлийон дарёсининг ҳиди мудом уфуриб тургай.)

Ватан соғинчи билан йўғрилган бу мисра ҳукмдорни шу қадар тўлқинлантирганки, у зудлик билан Бухорога қараб отланган. Рудакийнинг бу ғазали кейинги авлод форс шоирлари учун назира мактабига айланиб қолди; унга ижодий тақлид изларини кўплаб девонларда, XIII асрда яшаб ўтган мавлоно Румийдан тортиб XIX аср ҳинд-форс шоири Мирзо Ғолибга қадар, кўплаб шоирлар ижодида учратиш мумкин.

Ўрта Осиё кўп йиллар мобайнида илм-маърифат маркази бўлиб келди. Бу хусусда фикр юритган шарқшунос биринчи галда фикшунос Ал-Матуридий (994 йилда вафот этган), Ал-Марғинонийларнинг икки авлод сулоласи ва айниқса, Абулайс ас-Самарқандий-



нинг (тахминан 1000 йилда вафот этган) номини ёдга олади. Ас-Самарқандийнинг асарлари, хусусан, “Муқаддимат ас-салот” китоби турли исломий тилларда кўплаб оммабоп дарсликларнинг вужудга келишига туртки бўлган.

Ахир, Форобдан чиққан туркий файласуф Ал-Форобий (950 йилда вафот этган) ислом фалсафасига оламшумул ҳисса қўшган ва шу боис Аристотелдан кейинги “иккинчи муаллим — алмуаллим ас-соний” номи билан шуҳрат қозонган буюк зот эмасмиди? Унинг Аристотелга ёзган шарҳларини Берлин академияси нашр қилган эди. 1890-91 йиллардаёқ Ф.Дитереци Форобийнинг фалсафий трактатларини, айниқса, унинг сиёсий фалсафасини (ал-мадинат ал-фадила) синчиклаб ўрганган эди. Сирдарё вилоятида дунёга келган аллома Форобий умрининг анчасини Ҳалабда, хамадонийлар саройида ўтказган бўлиб, уд созининг ихтироси сифатида шуҳратига шуҳрат қўшилган эди. Немис шеърятинида у мусиқа файласуфи ўлароқ талқин топган. Фридрих Рюкертнинг “Morgenlandische

Sagen und Geschihten" ("Шарқона ривоятлар ва афсоналар") асарида куйидаги сатрлар билан бошланувчи гўзал шеър бор:

*Ул Туркистон томонлардан
Фороблик Ал-Форобий ҳам...*

Кейин у Форобийнинг бир куй чалиб барчани шоду хуррам қилгани, иккинчи куй билан кўз ёш тўкишга мажбур этгани, учинчи куй воситасида эса уларни ухлатиб қўйганини тасвирлайди:

*Эй инсон қалбининг зўр билимдони,
Буюк донишманд!
Кулги, йиғи ва ором
Хорғин туш янглиғ кечар бирма-бир.
Наҳот шудир умр мазмуни?*

XX асрда яшаб ўтган кўплаб бошқа буюк мутафаккирлар ҳам бугунги Ўзбекистон ҳудудида таваллуд топганлар. Бу заминда арабий, форсий ва туркий унсурлар ўзаро уйғунлашиб, ажойиб самаралар берган эди. Математикадаги "алгоритм" тушунчаси ҳали-ҳануз Ал-Хоразмий номи билан юритилади. Аль-Фраганус номи билан Фарб олимларини ҳайратга соладиган фарғоналик аллома Фарғонийнинг ижоди Оврупода севильялик Йоханнес ва кремонлик Герарднинг таржималари туфайли шуҳрат қозонган.

Бухоро ўз асарлари билан буткул мазҳаб тарихини тугал белгилаб берган ва аънавий ислом тафаккури тараққиётида зўр аҳамият касб этган Ал-Бухорийнинггина эмас, айни вақтда Фарб оламида Авиценна номи билан машҳур бўлган Ибн Синонинг ҳам ватанидир. Буюк ҳаким 980 йилда худди шу ерда туғилган. Агар Ал-Бухорийнинг номи кўпроқ исломшуносларга маълум бўлса, Ибн Синонинг номи ҳар бир ўқимишли кишига яхши таниш. Унинг "Китоб аш-шифо" ва "Қонун фи т-тиб" асарлари юз йиллар мобайнида Фарб медицинасини бойитиб келган, унинг илмий таълимоти Маърифат даврига қадар бағоят машҳур бўлган.

Ибн Синонинг фаолиятини ўрганиш борасида немис ва немистилли олимлар асосан табиий фанлар соҳасида муҳим мақолалар ёзишган.

Хусусан, Эрлангендан етишиб чиққан ўрта аср ислом табиатшунослиги мутахассиси Айльхард Видеманн "Ибн Синонинг кўриш жараёни ҳақидаги тасаввурлари" деган тадқиқот яратган; Й. Липперт алломанинг офтальмология соҳасидаги тажрибаларига мурожаат қилган (чунки ўрта асрлик мусулмон олимлари айни шу соҳада етакчи эдилар). Макс Хортен Ибн Синонинг камалак ҳақидаги тушунчалари билан бирга, унинг метафизикасини ҳам ўрганган. Швейцариялик Х. Сутер ҳам шу мавзунини тадқиқ этган.

Ибн Сино даҳо файласуф ва ҳаким бўлган, шуниси таажжубланарлики, у ички осиевий ҳудудда ривож топган мистик шеърятда, шунингдек, кейинроқ ёзилган бир талай асарларда негадир "дахрий" қиёфасида кўринади. Холбуки, Генри Корбин исботлаганидек, унинг сиймосида мистик белгилар ҳам яққол кўзга ташланиб туради. Ҳар қалай, кўплаб мистиклар унга хайрихоҳ муносабатда бўлмаганлар. Айнан бугунги Ўзбекистон замини X асрда бир талай улкан сўфий намояндалар етишиб чиққан маскан бўлган. Улар сирасида, масалан, Тоёбодийни зикр этиш мумкин. Унинг "Китоб ат-таърифу" асарини А. Й. Арберри таржима ва нашр этган бўлиб, у сўфийликнинг илк тарихи бўйича ноёб қўлёзма ҳисобланади.

Бугунги Ўзбекистон ҳудуди қадимдан турли хил диний ва маданий ҳаракатлар ўчоғи бўлиб келади. Шу боис ҳам мистиклар Марказий Осиё, биринчи галда буддавийлик оламининг таъсиридан бебахра қолмаган, бу ерда вужудга келган янги диний оқимлар вақти келиб қўшни мамлакатларга таъсир кўрсатган. Ҳинд-покистон минтақасида эҳтиром билан тилга олинган кўплаб сўфий устозларнинг номлари уларнинг тағ-зоти Марказий

Осиёга мансуб эканидан далолат бермайдими? Бу ўринда юқорида зикр этилган бухорсайидлардан ташқари, асли ўшлик, Дехлида фаолият кўрсатган Қутбиддин Бахтиёр Каки (1235 йилда вафот этган) ва боболари бухоролик бўлган Низомиддин Авлиёни (1325 йилда вафот этган) эслаш мумкин. Шунингдек, кейинчалик бу ўлкаларда муҳим ўрин тутган нақшбандийликни ҳам унутмаслик лозим.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳамадонийларнинг вориси сифатида майдонга чиққан ўртаосиёлик хожагонларнинг аъналарини давом эттириб, "хушёр" сўфийларнинг етакчи раҳнамосига айланди. Бу сўфийлар Бухоро вилоятида (Баҳоуддиннинг мақбараси ҳам шу жойда) ва ундан наридаги шимолий-шарқий худудларда улкан таъсирга эга эдилар; уларнинг йўлбошчилари XVI асрдан бошлаб Ҳиндистонда Акбар жорий этишга уринган синкретизмга қарши туриб, Шимолий Ҳиндистонда муҳим сиёсий мавқега эга бўлганлар. Чингизхон босқини даврида бир талай ўртаосиёлик сўфийлар салжуқийлар Туркиясига қочиб кетгани сабабли кейинчалик нақшбандийлар бу ерда ҳам зўр мавқени эгаллаганлар. Мазкур мулоҳазаларимиз доирасида немислар орасида ҳам нақшбандий тариқатига риоя қилувчи бир талай кишилар борлигини зикр этиб ўтиш жоиз, эҳтимол, улар ўз тариқатига оид барча тафсилотларни билмасликлари ҳам мумкин. Аммо, ҳар қалай, бу тариқат ҳақида, хусусан, унинг Марказий Осиёда тутган сиёсий ўрни ҳақида немис тилида бир нечта тадқиқот эълон қилинган. Булардан базеллик Фритц Майернинг янги асарини эслатиш лозим.

Швейцариялик бу олим Жалолиддин Румийнинг отаси Баҳоуддин Валад (1231 йилда Кўнёда вафот этган) ҳақида янгича руҳдаги тадқиқот яратган. Баҳоуддин Валад ҳозирги Тожикистоннинг Вахш деган овлоқ бир

гўшасида яшаган, 1210 йилда Самарқандга кўчиб борган. Мавлоно Румий "Фиҳи ма фиҳи" асарида ёш бола пайтида Самарқандни хорзмшоҳлар қамал қилиб, қорахонийларнинг ноибларини қувиб чиқарганига гувоҳ бўлганини ёзади.

Ўзбекистон заминида камолга етган сўфий раҳнамолардан яна бири урганчлик Нажмиддин Кубродир. Фритц Майер унга бағишланган теран илмий тадқиқот яратган. Кубро 1221 йилда мўғул босқини чоғида ҳалок бўлган. Унинг "Фавоих ал-жамол ва фавотих ал-жалол" ва бошқа асарлари сўфий ўзга руҳий оламларга юксалган пайтда намоён бўладиган ёруғликнинг ёрқин кўринишларига бағишланган.

Шундай қилиб, уч буюк сўфий алломанинг асосий асарлари Фритц Майернинг янгича руҳдаги тадқиқотлари туфайли немистилли илмий муҳитда маълум ва машҳурдир.

Аммо биз ҳозир яна қадим замонларга, асрлар қаърига қайтишимиз лозим. Кубро туғилиб ўсган юртда, яъни Хевада ўрта аср ислом дунёсининг энг мумтоз олими ҳам таваллуд топган эдики, унинг ижоди деярли битмас-туганмасдир. Бир замонлар ёш Ибн Сино билан ёзма мулоқотлар юритган бу инсон Абу Райҳон Берунийдир (1048 йилда вафот этган). У газнавийлар саройида хизмат этган, Султон Маҳмуд Фазнавийнинг Ҳиндистонга уюштирган бир неча юришларида ҳамроҳлик қилган. Ислом дунёсидаги ҳеч бир олим Беруний сингари ўзидан кейин шу қадар улкан ва бой мерос қолдирмаган. Немис шарқшунослари кўп йиллар давомида шу меросни ўрганиш билан шуғулландилар. Дастлаб Эдуард Захау Берунийнинг "Осорул-боқия" ("Шарқ халқлари хронологияси") трактатини таҳрир ва таржима қилди. Бу асар ҳанузгача тарихчилар учун тенгсиз манба бўлиб келади. Бундан ташқари, Захау "Китоб фи л-Ҳинд" асарини ҳам чоп этди ва уни инглиз тилига

таржима қилди. Бу китоб, муболагасиз айтиш мумкинки, бегона маданият, дин ва фалсафани холисона тадқиқ этишининг илк юксак намунасидир; унда баён этилган ҳаётга ҳиндий дунёқараш таҳлили то ҳануз асос эътибор касб этиб келади.

Агар бу икки йирик асар Берунийнинг номини шарқшунос-мутахассислар доирасидан ташқарида ҳам машҳур қилган бўлса, яна кўплаб илмий ишлар ҳам борки, улар буюк хоразмийнинг бошқа тадқиқотларига бағишланган. Макс Майерхоф 1932 йилда Берлинда "Берунийнинг фармокогнозиясига кириш"ни таржима қилиб нашр эттирди. Айни пайтда Й.Франке "Берунийнинг астролобиялар ҳақидаги трактати" деган умумий илмий иш ёзди. Юқорида номи зикр этилган Айльхард Видеманн Берунийнинг солиштирма оғирликни аниқлаш соҳасидаги илмий ишларига бағишланган тадқиқотини эълон қилди. Видеманнинг илмий ишлари Эрлангенда асосан "Sitzungsberichte der Physikalisch-medizinischen Sozietat"да (Физика-медицина жамиятининг ҳисоботлари) чоп этилган. Бу нашрда швейцариялик олим Х. Сутернинг ҳам Берунийга бағишланган бир неча тадқиқоти босилган. Кўп йиллар давомида Бонн университети, шарқшунос Паул Каленинг илмий қизиқишлари туфайли, Беруний ҳақидаги илмий тадқиқотлар маркази бўлиб келди. Бу даргоҳда Берунийга бағишланган янги асарлар гоёси туғилар ва тайёрланар эди.

1974 йилда Нью-Йорк университетида Беруний ва Румий ижодига бағишлаб ўтказилган илмий конгрессда Ханс Роберт Рёмер Беруний ҳақида Оврупода, хусусан, Германияда яратилган илмий тадқиқотлар хусусида фойдали тавсиф берди. Эрон-турк минтақаси бўйича мутахассис сифатида у бундан бир мунча вақт муқаддам "Темур ва унинг ворислари тўғрисидаги янги нашрлар"га илмий жамоат-

чилик эътиборини қаратган эди.

Вилли Хартнер ва Маттиас Шрамм буюк табиатшунос ҳақидаги янги маълумотларни тақдим этдилар. 1925 йилдаёқ Шой Беруний астрономияси ҳақида мақола ёзган эди. Шунингдек, Паул Каленинг ташаббуси билан Германияда ишлаган араб ва турк олимлари ҳам Берунийнинг улкан илмий меросидан айрим хос соҳаларни ўргана бошладилар. Масалан, суриялик М. Яҳё Хашмий "Берунийнинг тошлар ҳақидаги китоби" мавзусида диссертация ёқлади. Мен талабалик чоғимда бу ишни оққа кўчирган ва шу йўсин улуғ хоразмий аллома ижоди билан илк марта танишган эдим.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Юлиус Руска Беруний асарларидаги табиий-илмий масалаларни ўрганар экан, Хельмут Риттер "Берунийнинг Патанжали йог сутрасидан қилган таржималари" номли мақоласи билан (Oriens, 1954) берунийшуносликнинг янги қиррасини очди.

Бундай зўр ютуқларга қарамасдан, Берунийнинг номи буюк саркардалар, аввало, Амир Темурнинг номи сингари машҳур эмас. Тильман Нагелнинг 1993 йилда Темур ҳақида нашр этилган китобида бу ҳукмдорнинг Ўрта Шарқнинг бутун тарихидаги ўрнини белгилаб бериш билан бирга, ўша даврдаги диний оқимлар ҳам батафсил таҳлил қилинади. Мазкур китоб бу беназир шахснинг кўпқиррали фаолияти тадқиқотчилар ва ўқувчиларни ҳануз лол қолдириб келаётганига яққол бир далилдир. Зеро Темур нафақат жаҳонгир, балки "саодатли юлдузлар соҳиби" (соҳибқирон) сифатида ҳам фаолият кўрсатган, пойтахти Самарқандни янада обод қилиш учун ўзи забт этган ҳудудлардан кўплаб олим ва усталарни олиб кетган.

Темурнинг набираси Улуғбекнинг ҳукмронлик даври ҳам Овруро ва рус олимларини ҳайратга солади. Аллома барпо эттирган расадхона ҳақида эса

талай илмий ишлар ёзилган. Бартольднинг "Улугбек ва унинг даври" китоби, шунингдек, "Хирот Хусайн Бойқаро даврида" номли илмий тадқиқоти ўттизинчи йиллардаёқ немис тилига таржима қилинган эди. Бу асарлар кўпгина китобхонларга Ўрта Осиёдаги маданият гуллаб-яшнаган давр ҳақида тасаввур беради.

Шу ўринда Темур ва унинг авлодлари китобат санъатига зўр эътибор берганини ҳам назардан соқит қилиб бўлмайди. Бу санъат, аввало, теурийларнинг Хиротдаги саройида чиғатой адабиёти билан бирга айниқса равнақ топган эди; китобат билан султоннинг ўзи ҳамда унинг дўсти ва вазири Мир Алишер Навоий шуғулланар эди.

Биз бу шавкатли сулола сафида фарғоналик ёш теурий ҳукмдор Бобурнинг номини ҳам учратамиз. У пировард-оқибатда Ҳиндистонда қарор топган Буюк мўғуллар (*Бобурийлар – таржимон*) сулоласига (1526 – 1857) асос солди. Бу сулола ўзини "Темур хонадони" деб атар, унинг саройларида хийла узок вақт чиғатой-турк тили амал қилиб келган эди. Маълумки, Бобурнинг ўзи туркийда яхшигина шоир бўлган. Унинг тоғаваччаси Маҳмудхон ибн Юнусхон Тошкент ҳокими эди, Бобур "Бобурнома" асарида бу ҳукмдорнинг адабий майллари ҳақида қисқача тўхталиб ўтади.

1960 йилда мен "Islamic Culture" ("Ислом маданияти") журналида Бобур ва унинг хонадонидаги шеърый истеъдод ҳақида бир мақола эълон қилдим. Ҳиндистоннинг кейинги тарихида турон ва эрон гуруҳлари ўртасидаги зиддиятлар саройдаги сиёсий ўзгаришларнинг тақдирини ҳал қилувчи кучга айланган эди.

1506 йилда Хиротда теурийлар сулоласининг барҳам топиши билан тарих саҳнасига Шайбонийхон бошлиқ ўзбеклар чиқади. Тарихчилар Шайбонийхон Хиротни қандай забт этгани,




унинг китобат ва шеърый санъатда шуҳрат қозонгани ҳақидаги маълумотларни зикр этиб қолдирганлар. Аммо орадан кўп ўтмай Хирот яна форсийлар кўлига ўтади ва шайбонийлар Бухорони янги пойтахт деб эълон қиладилар. 1529 йилда улар Хирот саройининг пешқадам хаттоти Мир Али ал-Котибни ўзлари билан Бухорога олиб кетадилар. Бу хаттотнинг ишлари аслзода хонадонларда ноёб зийнат каби сақланар, шу боис талабгор ва харидори кўп бўлиб, унинг қаламидан чиққан ва Фарб музейларида сақланаётган нафис саҳифалар ҳозирга қадар кишини ҳайратга солади. Табиийки, у Ватанини соғинарди, шунинг учун ҳам битган маҳзун байтларида ўзини Бухорога бадарға қилинган дея тасвирлар, хаттотликни эса оёқ-кўлига урилган занжир кишанларига қиёслар эди.

Шайбонийлар саройининг маданият соҳасидаги ишлари ҳақида Саййид Ҳасан Хожа Нисорийнинг "Музаққирул-аҳбоб" асарида батафсил сўз юритилади. Бу асарнинг Берлинда сақланаётган гўзал кўлёмаси (Minutoli Or. 40)

асосида мен бундан ўттиз йилча муқаддам "The Cultural Activites of the first Uzbek Rulers" ("Дастанлари ўзбек ҳукмдорларининг маданий ташаббуслари") деган мақола ёзиб, "Jurnal of the "Pakistan Historikal Societu"да ("Покистон Тарих жамиятининг журнали") эълон қилган эдим. Берлинда "Музакирул-аҳбоб"нинг чиройли қўлёзмасига сақланмайди; немис кутубхоналари бисотида бир талай асарлар, асосан Навоий қўлёзмалари, шунингдек, Хусайн Бойқаронинг ўғли Шоҳ Фариб Мирзонинг чиғатой тилидаги девони ҳам бор. Мазкур қўлёзмани Турхон Ганжий ўрганган бўлиб, Гамбургда сақланади (Ор. 15).

Бу мақолада ўлкадаги сиёсий тараққиёт, Хева ва Бухоро хонликларининг тарихий ўрни ҳақида батафсил тўхталиб ўтиришнинг имкони йўқ; мамлакатда кейинчалик рўй берган бўлинишлар хийла мураккаб мавзудир. Ф. Тойфелнинг "Zeitschrift der Deutschen Morgenlandischen Gesellschaft"да ("Герман Шарқшунослик жамиятининг журнали") босилган мақоласи айнан шу хусусда.

Не-не зотлар боришни орзу қилиб армонда кетган Ўрта Осиёга XIX аср ўрталаридан бошлаб кўплаб сафарлар уюштирилган. Бу борада аввало Германиялик мижоз Херман Вамберининг ҳақиқатга доим ҳам тўғри келавермайдиган асарини эслаш лозим. У 1872 йилда "Бухоро тарихи" деган салмоқли бир тадқиқот эълон қилди. Вамбери 1863-1864 йиллардаги сафари таассуротлари асосида "Ўрта Осиёдан хотиралар" (1868) номли саёҳатнома ёзди. Бу асар анча мароқли бўлиб, шу боис 1983 йилда Петер Зимонс уни "Бухоро ва Самарқандга тақикланган саёҳат. 1863-1866 йиллар" номи билан қайта нашр эттирди. Вамбери, шунингдек, "Wiener Zeitschrift fur die Kinde des Morgenlandes" ("Вена шарқ фанлари журнали", VI) "Ўртаосиёлик икки замонавий шоир" деган илмий мақола ҳам



бостирган. Шуниси қизиқки, унинг таржимасида чоп этилган "Шайбонийнома" (1885) шу қадар машҳур эдики, у ўзбек адабиётига Йоханнес Шеррнинг "Жаҳон адабиёти тарихи"дан алоҳида ўрин ажратилишига асос бўлди (1866 — 1899 йилларда 50 000 нусхада). Мазкур китобнинг 1-жилди, 99-саҳифасида усмонли адабиёти ҳақидаги бир талай салбий мулоҳазалардан сўнг шундай фикрни ўқийсиз:

"Ички Осиёдаги туркий қабилалар орасида асосан ўзбеклар ажралиб турарди. Улар фотиҳлик билан Каспий денгизига қадар бўлган ерларни эгаллаганлар. Шаҳзода Муҳаммад Солиҳ 76 бобдан иборат достонида назмий йўл билан XVI асрда яшаган ўзбек хони Шайбонийхоннинг саъй-ҳаракатларини мадҳ этган".

Вамберидан сўнг, 1900 йилда Ф. фон Шварц Фрайбургда "Туркистон" номли кўламдор тадқиқот эълон қилдики, бу ҳол немис адибларининг Ўрта Осиё минтақасига бўлган қизиқиши янгиланганидан далолат берарди. 20-йилларнинг бошида шарқшунос Мартин Хартманнинг немистилли жа-

моатчилик эътиборига ҳавола этган Ўрта Осиё турмушига оид сермазмун тавсифлари, айниқса, илҳомбахш эди. 1902 йилда унинг "донишманд девона ва олижаноб шаккок Машраб" ҳақидаги оммабоп китоби босилиб чиқди. Худди шу йили олимнинг "Олд Осиёнинг тарихи ва маданиятини ўрганиш бўйича материаллар" китоби ҳам чоп қилинди. Бундан сўнг Мартин Хартманн Навоий ижодини ҳамда Ўрта Осиёдаги сўфийлик адабиётининг сўнг даврини ёритиш билан шуғулланди. Абдурауф Фитратнинг (1884 йилда туғилган) "Ҳинд ихтилолчилари" фожиаси 1923 йилда Берлинда нашр этилгани тадқиқотчилар учун қутилмаган тухфадир.

Вилли Банг-Кауп, Карл Брокельманн, А.фон Габайн, К.Х. Менге, Й. Бенцинг ва бошқа йирик немис туркийшунослари туркий тилларни илмий асосда ўрганаётган бир даврда, Иккинчи жаҳон уруши пайтида Лейпцигда Туркистон тарихи қайтадан нашр этилди. Р. Ольцши ва Г.Кляйнов қаламига мансуб "Туркистон" китоби ўлка тарихини, табиийки, ўша даврдаги сиёсий вазият нуқтаи назаридан акс эттирар эди. Ханс В. Рихтернинг "Қизил Туркистон оралаб. Тошкентдан Самарқандга қадар саёҳат" (1990) китоби ҳам сиёсий вазият тақозосига кўра битилган.

Аммо Ўрта Осиёнинг ўтмишдаги санъат ва маданиятига бўлган қизиқиш ҳамон кучли. Буркхард Брентъеснинг кўплаб мақолаларида ана шу қизиқишни яна ҳам оммалаштириш руҳи мавжуд. Эдгар Кноблахнинг рангли суратлар билан безатилган "Туркистон, Тошкент, Бухоро, Самарқанд — Ўрта Осиёнинг маданий марказларига саёҳат" номли саёҳатномаси илк дафъа 1987 йилда босилган эди, ҳозирга қадар у уч марта нашр бўлди. Шу билан бирга, 1990 йилда "Terra incognita" туркумидан Франц Биндер ва Айша Дельменнинг

"Islamische * Hochkultur in Mittelasien" ("Ўрта Осиёдаги юксак ислом маданияти") номли, Самарқанд, Хева ва Бухорога бағишланган тўплами 100 та фотосурат билан зийнатланган ҳолда китобхонлар кўлига теги. Шунингдек, бу борада романтик кайфиятдаги романий мавзу ҳам ривожланиб келаётир; Гэри Гигнинг "Самарқанд азму қарори" ва Амин Маълуфнинг "Самарқанд" романлари немис тилига таржима қилинди. Ўзбек минтақаси ва унинг руҳий олами жиддий асосда ўрганишда биз учун энг муҳим манбалардан бири Ильза Лауде-Циртаутас нашр эттирган "Ўзбек эртаклири" бўлди, десам, янглишмайман. Бу тўплам туфайли биз бугунги кунда Ўрта Осиё халқларининг тили ва маданияти ҳақида бир талай тадқиқотларга эгамиз.

"Эртақлар" бизни суҳбатимизнинг муқаддимасига элтади, зеро "Самарқанд" сўзи ҳанузгача сир-синоат пардаси билан ўралиб келади. Бу ҳол Маттиас Политиқининг шеърида ҳам акс этганки, куйидаги мисралар унинг Самарқанд ҳақидаги бўлғуси романига тааллуқли бўлса, не ажаб:

*Самарқанд, Самарқанд, дея оҳиста
Кўзларингни юганинг маҳал
Хаёлингга қад ростлагай у!
Ва жонланар дарвоза, гумбаз,
Йўл чангитган не-не карвонлар...*

Самарқанд ҳақидаги қадимий романтик тасаввурлар, Ўзбекистоннинг илмий ва бадиий анъаналарига бўлган барқарор қизиқиш, шунингдек, Ўрта Осиёдаги энг бой маданий қатламлардан бирига нисбатан немис жамоатчилигидаги ҳайрат туйғуси Германия ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ва шу йўсин муҳим маданий натижаларга эришиш учун жиддий асос бўлиб хизмат қилади.

Хайриддин СУЛТОН таржима қилди.

Оила ва ҳаёт

Ўзбек учун оила азал-азалдан муқаддас, лекин 1998 йилнинг “Оила йили” деб эълон қилиниши оиланинг ҳикмати, мўъжизаси ва жозибасини янгитдан идрок этишга, оилага дахлдор барча манзара ва ҳолатларни бор мураккаблиги билан очиқ-ошкор таҳлил этишга ундайди бизни...

Хизмат сафаридан қайтган отани оила аъзолари одатдагидек шод-хуррамлик билан кутиб олишди. Бироқ салом-алик “маросими” одатдагидан тезроқ тугаб, хонадон соҳибаси ҳам, ўғил-қизлар ҳам отани равонга киришга шоширдилар. Ота ўзи учун ҳозирланган “сюрприз”ни тахмин қилди-ю, тагига етолмади ва равонга чиққанича, тараддулланиб туриб қолди. Зум ўтмай кенг ва ёруғ равонни қувноқ ва бегубор қаҳқаҳа, ҳайрат ва севинч товушлари тутди.

— Уч кун бўлди очилганига, қаранг!.. Қизиллигини!.. Япроқларининг гўзаллигини кўраяпсизми?!.. Ўн йил кутдиг-а!..

Ота дам аёлининг тўлиб-тошиб сўзлашидан, дам бир жуфт қирмизи “тиконгул”-нинг ажабтовур очилиб, яшнаб туришидан завқланиб тинимсиз жилмаяр, ҳайратланар, ўғли-қизи эса бири олиб-бири қўйиб, “Кактус қишда гуллайди!” дея завқланишар... бу қувонч, бу ҳайрат бутун оила аъзоларини бамисоли бахтли-саодатли бир вужудга айлантирган эди...

Эрнинг тўсатдан қайсарлик касали тутди. “Ўламан саттор, ишдан бўшаб уйда ўтирмасанг, оилага нуқта қўяман!” деб масалани кўндаланг қўйди. Унинг “кўзини очиш”га уринмаган яқин-йироқ қолмади. Устига-устак, аёл ҳам ўжаргина чиқди.

— Нима, менга ишонмайсизми?

— Хотин зотига ишонмайман! — деди эр.

— Хотин зотига ишонмасангиз, менда нима гуноҳ?

— Тамом-вассалом, ё мени де, ё ишни!..

Хотин ишни танлади, эр оилани тарқ этди, уч норасида гўдак жавдираганича бўзлаб қолаверди...

Комил шахс мақомига етишиш орзуси, аввало, оилада туғилади. Комиллик истаги — ички ҳодиса, унинг учун оила-ташқи муҳит вазифасини ўтайди. Фарзанд — қиздир-ўғилдир — “оила” аталмиш заминга қадалган уруғ. Бу уруғдан олинадиган ҳосил ўша “замин”нинг унумдорлигига, “уруғ”нинг бўлалигига боғлиқ.

Бу борада фалон оила бошқасидан кўра “унумлироқ” дея башорат қилиш мушкул. Чунки шахснинг баркамоллигини таъминловчи ва белгиловчи фазилатлар нечоғлиқ кўп бўлса, оилани мукамаллик даражасига юксалтирувчи жиҳатлар ундан ўн, юз карра кўпроқ.

Биров билан танишиб-нетиб улгурмасингиздан унинг оиласи хусусида суриштира бошлайсиз. Бундай одат у кишининг оиласига қизиққанингиздан эмас, йўқ, ўша янги танишингиз ҳақида янаям кўпроқ, тўлароқ тасаввур ҳосил қилиш истагидан пайдо бўлган.

Тўғри, киши анча ёши улғайганидан кейин ҳам касб-корига, қандай муҳитда яшаётганига, жамиятда тутган мавқеига қараб ўзини бирмунча “рисола”га солиши мумкин, бироқ, ҳарчанд уринмасин,

у гўдаклик, болалик, ўсмирлик кезларидаги оила муҳотида қон-қонига сингиб улгурган ҳисобсиз ижобий-салбий кўникмалардан буткул халос бўлиши қийин кечади.

Унинг суяги оилада қотиб улгуради.

Шу ўринда яна галати савол тугилади: қандай оилада “суяк яхши қотади”? Биз истаётган, орзу қилаётган тарзда қотади?

Табиийки, ҳар қандай оила мукаммал бўлишга интилади. Лекин оила мукаммаллигини ифода этувчи аломатлар борми? Келгуси асрга мустақил миллат сифатида кириб бораётган ўзбекнинг энг аъло, энг намунали оиласи қандай бўлмоғи керак? Энг яхши оила андозасини яратиш мумкинми?

Шу каби саволларга жавоб излашдан бурун ўзимиз орзу қилаётган идеалимиздаги оила улгисини тасаввур қилишга уриниб кўрайлик.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида “Оила — жамиятнинг асосий бўғини” дейилган. Ҳисоб-китобларга қараганда, мамлакатда тўрт миллионга яқин оила бор. Шунинг неча фоизи Конституцияда зикр этилган “асосий бўғин” талабига жавоб бера олади? “Асосий бўғин”лик юқини, маъсулиятини кўтара олади?

Олий Мажлисимиз кенг омма муҳокамасига ҳавола этган “Оила кодекси”да борми бу саволларга мукаммал жавоб? Оиланинг ҳуқуқий, маънавий, ижтимоий мақоми атрофлича ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳаси нисбатан “семириб” кетгани бежиз эмас. Чунки оила масалаларини тўла-тўқис қамраб олишнинг ўзи иложсиз. Ҳатто унинг қонуний-ҳуқуқий жиҳатларини ҳам бир неча ҳужжатларда муфассал акс эттиришнинг имкони йўқ. Демак, идеал оила улгисини яратиш қийин, демак, орзудаги оила манзараси соғлом маънавиятга бориб тақалади ва улар тилимизга сингиб кетган “яхши оила”, “рисоладагидек оила” сингари иборалар билан таърифланади. “Тўқис оила” деган таъриф ҳам бор. Бунда одатда эр-хотин ва фарзандлар — оиланинг

таркиби бус-бутун экани назарда тутилади. Лекин оиланинг яхшилиги ёки рисоладагидеклигини ҳар ким турлича таърифлаши мумкин. Фикримча, *оиланинг яхшилиги, том маънода тўқислиги етук ва комил инсонни вояга етказиш учун қулай муҳит бўла олиши, ҳар бир оила аъзосини жамоат ва жамият билан, қолаверса, умуминсоний қадриятлар билан уйғун муносабатга тайёрлай билиши билан белгиланади.* Мамлакатимиз раҳбари оиланинг айна шу хосиятига алоҳида урғу бериб гапиргани бежиз эмас: “Оила ҳақида гапирар эканмиз, авваламбор, оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини тан олишимиз керак”.

Назаримда, ана шундай мақомга кўтарилган оилагина жамиятнинг асосий бўғинига айланади, шундагина у жамиятнинг, халқнинг ишонган тоғи, суянчиғига, салоҳиятига айланади.

Жамият эса бугун янгиланиш, қайта тикланиш даврини бошдан кечиряпти. Бу давр ҳамма нарсага, жумладан оилага ҳам таъсир ўтказяпти. Ички тартиб-интизоми, яшаш тамойиллари қандайлигидан қатъий назар, ҳар қандай оила жамият ва у бошдан кечираётган давр ўзгаришлари билан “ҳисоблашиш”га мажбур бўлмоқда.

Бир қарашда, бунинг ажабланарли жойи йўқ, зеро, жамиятда яшаб туриб ундан буткул айри ҳаёт кечириш мумкин эмас. Бироқ оиланинг ташқи дунёдан дахлсиз “ҳудуд”лари ҳам бўлади, жамиятдаги талотўплар ҳам бу ҳудудга таъсир ўтказолмайди.

Бугунги баъзи ўзгаришлар гоҳо ўша дахлсиз ҳудудларга-да дахл қиляпти. Ваҳоланки, ҳар қандай оила беҳаловат дунё кўшиғига ҳамоҳанг елиб-югуриб кун кечирса-да, мўъжазгина дахлсиз дунёсида сокинлик, барқарорлик ҳукм суришини истайди. Лоақал ўша мутлақ “шахсий ҳудуд”да ҳаловат топгиси келади. Бун-

дай ҳаловатга фақат аънана ёрдамида эришилади.

Истиқлол шабадалари мавжуд аънаналарни-да янгилашга ундамоқда. Халқимизда “уй кўтариш” деган ибора бор, таъбир жоиз бўлса, барча оилаларда ижтимоий-сиёсий, мафкуравий-маънавий маънода уй кўтариш зарурати туғилди. Назаримда, ушбу йилнинг “Оила йили” деб эълон қилинишидан кўзда тутилган эзгу мақсадлардан бири ҳам шунда.

Аънана – оиланинг бутлиги, яхлитлиги ва узлуксизлигини таъминловчи кудратли куч. Аънанадан холи оилани тасаввур қилиш қийин. Оилавий аънана, миллий аънана, ғайримиллий, умуминсоний аънаналардан сараланиб, “ўзлаштирилган” аънанавий қадрият ва тушунчалар, расм-русумлар оиланинг пойдеворини, устунини ташкил этади.

Соф ўзбекона тафаккурда ҳам янгиликдан кўра, аънанавийликка, келажакда кутилаётган янгиликдан кўра, минг йиллик ўтмиш тажрибаларига мойиллик кучли. Мамлакатимиз раҳбари, мана, етти йилдики, кишиларимизда фикрий янгилиниш жараёнини жадаллаштиришнинг муҳимлигини бот-бот уқдирмоқда. Бунда Президент мустақилликнинг ганимат дамларидан, тарихий шароит инъом этган имкониятдан унумлироқ фойдаланиб қолишни — қандай бўлмасин, халқ қадди-бастини тиклаб олишни кўзлаяпти. Халқимизнинг миллий сеҳнатидаги гоятда оғиркарвонлик билан янгилиниш одати эса бу борада ўзига яраша панд бермоқда...

Бир оила фарзандлари ёшига қараб оила қурадилар. Истисно ҳолатларни ҳисобга олмаганда, опадан аввал сингил турмушга берилмайди, акадан бурун ука оила қурмайди. Бу — катталарга нисбатан ҳурмат туйғусидан вужудга келган азалий аънана. Ўзидан каттани ҳурмат қилиш (ҳатто оиладан ташқарида ҳам) ўзбекона руҳиятнинг, қолаверса, ўзбекона тафаккурнинг туб моҳиятини ташкил этади. Кўплаб инсоний фазилатлар, ҳаётий қадриятлар, муносабатлар айна шу — каттани ҳур-

матлаш туйғуси асосида баҳоланади.

Бизда унаштирилган қиз мумкин қадар отаси ва акаларининг кўзига ташланмасликка ҳаракат қилади, уларнинг ҳузурини да камгапроқ, камсуқумроқ бўлиб қолади. Телевидениеда намойиш қилинган кўп қисмли Бразилия фильмида ота ёш қизи билан унинг иффати сақланган-сақланмагани ҳақида юзма-юз талашиб-тортишиб ўтиради! Начора, бу ҳам катталар ва ёшлар ўртасидаги тушунчалар, миллий ҳаё туйғуларига дахлдор аънана. Уларнинг қай бири ҳикматлироқ, жозибалироқ ва инсонийроқ экани ҳақида хулоса чиқариш ҳар кимнинг ўзига ҳавола...

Тўғри, миллий аънаналарнинг ҳаммасига барча оилаларда бирдан тўла-тўқисриоя қилинади, дея олмаймиз. Мисол тариқасида юқорида келтирилган икки оиланинг биринчиси — гулнинг очилишини завқ-шавқ билан воқеа даражасига кўтараётган оиланинг ҳовлиси, кўчаси парваришланган гулларга, гулзорларга бой. Яъни табиат гўзаллигидан баҳра олиш бу оиланинг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган аънанаси! Ишлаётгани учун аёлидан, уч фарзандидан воз кечган йигитнинг хонадонидан эса на илгари, на ҳозирда бирорта аёл давлат хизматида банд бўлмаган.

Бу ҳам аънана, аънанадан ҳосил бўлган тушунча, руҳият ва тафаккур меваси. Ёшларнинг катталарга, аёлларнинг эркакларга муносабати борасида миллий одат ва кўникмалар ҳаммага аён. Бироқ... Бир оилани биламан: меҳмон келса — кимлиги, жинси ва мавқеидан қатъи назар — оила аъзоларининг каттадан-кичиги унга пешвоз чиқади, илтифот кўрсатади, ҳатто бир стол теварагида ўтириб овқатланишади, ҳамсуҳбат бўлишади. Яъни бу оила соҳибининг фалсафасига кўра, меҳмонга шу тариқа эҳтиром кўрсатилмоғи лозим ва ёшлар муомала маданиятини шу тариқа ўргангани маъқул.

Яна бир хонадонга бориб тураман: оиладаги ота ё ўғил саломлашади, улар билан суҳбатлашаман, хайрлашаман. Аёл-қизлар кўзга ташланмайди, ҳатто товушлари ҳам эшитилмайди.

Бу ҳам фалсафа.

Хўш, қай бири миллийроқ? Қай бири маданиятлироқ, замонавийроқ? Қайсиниси намуна қилиб кўрсатишга арзирлироқ?..

Ўзга оиланинг дахлсиз ҳудудига бош суқиб ақл ўргатиш ниятидан йироқдаман. Аммо-лекин, дейлик, тақдир тақозоси билан ушбу икки оила қуда-андачилик қилиб қолса-чи? Аҳвол нима кечади? Қай томон қайси оилавий анъанага бўйсунди, кўникади? Кўниккан тақдирда ҳам бу қандай қийинчиликлар эвазига кечади?..

Биз оилавий можароларнинг аксар юзаки сабаблари ҳақида бош қотириш билан чекланамиз. Аслида ҳали тилга олинмаган, теранроқ таҳлилларга мунтазир муаммолар талайгина...

Таниган-билган оилаларнинг ички турмуш тарзини ўзимизча муқояса қилиб кўрсак, кўз ўнгимизда жуда қизиқарли манзаралар намоён бўлади. Оила аъзоларининг бир-бирига муносабати, уларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни, ётиштуриши, овқатланиши, кийинишидан тортиб... оила даврасидаги суҳбатларгача — ҳаммаси ҳисобга олинганда, саксонинчи, етмишинчи, ҳатто олтмишинчи йиллар савиясида яшаётган оила ва хонадонлар учрайди. Бу ўринда оила психологияси, тафаккур даражаси ва савияси назарда тутилмоқда.

...Каттагина ҳовлининг тўрт тарафида тўрт ака-ука оиласи, бола-чақаси, дарди-дунёси билан яшайди. Тўнғич ака олим, ўттиз йиллик фан номзоди. Уч ука — тадбиркор. Топиш-тутиш, кийиниш, уй-жой, меҳмон-излом деганларидек, уч ука бир томон, катта ака — бир томон. Тафовут — оқ билан қора!

Бу — зоҳирий жиҳати. Ботинга қарасак-чи?

Ботиний зиё, маърифат тўнғич оилада мўл. Бу оила даврасида дунё воқеалари, инсоний гўзал муносабатлар тарфиби, табиат мўъжизаларидан (тўнғич аканинг мутахассислиги биолог) ҳайратланиш.. ҳа, ҳайратланиш кўлами мутлақо ўзгача! (Дарвоқе, қайси оила аъзолари кўпроқ нималардан ҳайратлани-

шига, ҳайратлана олишига кўра ҳам бир-биридан кескин фарқланади.) Катта аканинг фарзандлари оталарининг ҳеч кимнигига ўхшамаган дунёқараш эгаси эканидан фахрланишади, ота туфайли бу оилада фикр янги, тушунча янги, ахборот доираси кенг, мулоҳаза-мушоҳада жонли... Оила аъзоларининг ҳайратланиш манбалари шулар! Ҳовлининг қолган уч томонидаги хонадон аъзоларининг ҳайрати эса асосан мол-мулкка асосланган. Замонавийлик даражаси нуқтаи назаридан қаралганда, уч ука оиласи зоҳиран ўта замонавий — рўзгор буюмлари, ажнабий русумдаги автомашиналар; яъна маънавият масаласи кўндаланг бўлади: қайси оила тутумини маъқул кўрамиз ва бошқаларга намуна қилиб тақдим этамиз?..

Илмли кишининг ночор яшаши табиий, деган шўро давридан қолган ақида энди унутилиши керак. Мустақиллик халқимизнинг маъмурлигини таъминлаши, ўзбек фарзанди ҳам ер юзидаги энг қулай шароитларда яшаётган халқлардан сира кам жойи йўқлигини намоён этиши керак, бунга, иншоллоҳ, эришамиз. Имкониятлар кўпайгач, ҳар бир фуқаро меҳнатига яраша моддий-маънавий эътибор топади. Бунинг учун биз ҳозирдан оқ "фақат тадбиркор яхши яшайди" қабилидаги чекланган қарашлардан воз кечишимизга тўғри келади, зеро, мамлакатнинг, муайян халқнинг нуфузи ва боқийлигини унинг заковат бойлиги таъминлайди...

Интеллектуал бойлик деганда фақат олиму фузалоларни назарда тутиш хато. Ақлий-маърифий куч-қувват халқимизнинг энг оддий, кўринишдан ўта жайдари қатламлари орасида қат-қат бўлиб ётибди.

Тошкентнинг Чигатоёдарвоза мавзесидан Туйғун ака Тоировни яхши танийман. Оддий ишчи бўлган, ҳозир нафақада. У киши эллигинчи йилларнинг ўрталаридан то ҳозирги кунга қадар Ҳамза номидаги театр саҳнасига қўйилган барча томошаларнинг барча премьерасида қатнашган! Кейинги қирқ беш-эллик йиллик ўзбек

театрининг жонли шоҳидига айланган Туй-гун ака!..

Шайхонтохур тумани “Илғор” маҳалласида яшаган Илёс ака ва Сафура опа Иброҳимоваларнинг бир-бирига бўлган меҳр-муҳаббатини Лайли-Мажнун, Фарҳод-Ширинга ўшатиш муболаға бўлмайди! Муҳаббатли қалб кенг бўлади, ундан эзгулик, яхшилик нафаси уфуриб туради. Илёс ака билан Сафура опа йилда бир бор автобус ёллаб гоҳ маҳаллакўйни, гоҳ қариндош-уруғни жумҳуриятимиз вилоятларидаги қадамжоларга зиёратга олиб борардилар.

Вақти келиб Сафура опа бандаликни бажо келтирди, Илёс ака ўзини нечоғлиқ тетик тутмасин, суратга айланди-қолди. Меҳрибон ёстикдошининг йил маъракасига икки кун қолганда Илёс ака ҳам омонатни топширдилар... Вафодор эр-хотиннинг ёнма-ён қабри ёнидан ўтаётиб, мрамарга ўйиб ёзилган мисраларга кўз югуртираман:

*“Сандек менга бир жони жафокаш
топилмас,
Мандек сенга бир ёру вафодор
топилмас”.*

Илёс ака оҳиста хиргойи қилгандек бўлаверади... Бир оила қаддини кўтариб турган, унинг салоҳияти, жозибаси ва гўзаллигини жо этган буюк туйғу бутун улуғворлиги билан ҳайратга солади кишини!.. Миллатнинг, бошқа-бошқа оилаларнинг ҳам фаҳрига, ифтихорига айланишга лойиқ туйғу!..

Ҳар қайси хонадонда оила суҳбатлари бўлиб туради. Аксари кечки овқатдан сўнгги пайтларда.

Бир савол бергим келади: оила даврасида нималар хусусида, қандай мавзуларда суҳбатлашасизлар? Оила аъзоларининг қизиқиш доираси нечоғлиқ кенг, бой? Шу ҳақда сира ўйлаб кўрганмисиз?..

Телевидениенинг аҳамиятини камситмаймиш. Бироқ у — оила даврасидаги мароқли суҳбатлар “кушандаси”! У “ёқиқ” хонадонда фикр ўз ҳолида қолмайди, оила аъзолари бир-бирининг

кўзларига эмин-эркин тикилиб суҳбат кура олмайдилар...

Ўтмишга мойиллик туйғуси хусусида бугунги кун манфаатлари негизида атрофлича мулоҳаза қилишга тўғри келади.

Бизда анъанага тил теккизиш анъанаси йўқ. Ҳатто анъанага хуши йўқлар ҳам бундай феълени ичига ютади, сиртига чиқармайди. Анъанавий қадриятлар, тушунчаларга қарши бориш олдида кўрқув ҳам йўқ эмас. Анъана у ёқда турсин, бидъат амалларни ҳам кўркўрона адо этаверамиз. “Ке, қўй, палакат босиб ўтирмасин!” деймиз. Шу ҳаёлда тўй ва маърака билан боғлиқ удумларнинг бирортасини қўймай адо этамиз. Чунки эртага бирор кўнгилсизлик юз берса, иримчилигимиз бош кўтаради. Бошқача айтганда, эрта олдидаги кўрқув кечадан қолган ҳар қандай тажрибага сўзсиз бўйсунмишга мажбур қилади.

Анъаналаримиз жуда чуқур илдиз отганидан фахрланяпмиз, гурурланяпмиз, шунинг баробарида тафаккур ва дунёқарашимиздаги янгилиниш жараёнлари сушт кечаётганидан норозиланяпмиз ҳам.

Шу ўринда андак мулоҳаза қилишга тўғри келади.

Бизнинг бугунги фаҳримизга айланаётган, илдизи ўтмишга чуқур томир отган, азалий қадриятлар муайян маънода фикрлар ва тушунчаларимизни ўз ҳолига қўймайди. Бир томондан, ҳурлик ва эркинлик истаб, юсак парвозларни кўзласак, иккинчи томондан, анъаналаримиздан воз кечолмаймиш ҳам. Мустақиллик шарофати билан ўтмишни қайтадан ўрганишга эътибор ҳар қачонгидан кучайди. Эътиқод хурлиги диний дунёқарашларга ... ўтмиш эшикларини очди. Ўз тарихини бизчалик кенг ва ташналик билан ўрганаётган халқ бўлмаса керак дунёда!

Буларнинг бари таҳсинга сазовор, бироқ биз айни вақтда демократик таъмоиллар йўлини тутган, бағри очик, замонавий мамлакатга айланишни кўзламоқдамиз-ку!

Назаримда, жамиятда юз бераётган ўзгаришларнинг энг марказидаги бу муаммо ечимини кутиб турибди. Ҳам азалий анъанавий қадриятларга муҳаббат, ҳам дунё янгиликларига интилиш истаги! Қайиқда сузиб бораётган халқ: бир қўлида эшак — анъана, иккинчи қўлидагиси — янгилик!..

Анъана ва анъанасизлик баҳсида мақбул йўлни излаётган халқ!..

Асрлар мобайнида сақланиб келаётган анъанавий қадриятлар тугилган шоҳи дастурхонларни бошига кўтариб энг янги дунё ҳамжамияти саҳнасига чиқиб боришни кўзлаётган халқ!..

Боқий муаммо: тараққиётга эришиш йўлида ҳар қандай нарсадан воз кечиш афзалми? Тўғрими?

Доно Ницше шафқатсиз, у, “Тараққиётга хизмат қилмайдиган ҳар қандай эзгулик — зарарлидир” деган экан. Аччиқ ҳақиқат!

Буюк немис файласуфи тараққиётга элтувчи ҳақиқатни ўзидан, ўз манфаатларидан ҳам устун кўяди. Бундай шафқатсизликда унга тенг келадиган “тараққийпарвар” зот йўқ.

Достоевский-чи? Унинг ҳақиқати Ницше таълимотига зид, бизнинг табиатимизга яқин. Буюк адиб ёш бола кўзидаги ёш эвазига эришиладиган ҳар қандай тараққиётдан воз кечади.

Ницшеннинг назарида— Достоевский тараққиёт душмани, Достоевскийнинг назарида эса — Ницше шафқатсиз, ҳатто ёвуз!..

Хўш қай бирини танлаганимиз маъқул? Ҳам кўз ёшларини оқизмай, ҳам тараққиёт йўлига тушишнинг маъқул тизими қаерда? Ницшеёна тараққиёт фалсафаси замирида инқилобий шакл-роҳ ётгани маълум. Биз эса тадрижий, босқичма-босқич тараққиёт йўлини, тинч ва осуда янгилашиш, юксалиш йўлини танладик. Бундан чиқадиган хулоса ҳам аёнлашади, демак, тафаккурнинг янгилашиши ҳам танлаган йўлимизга яраша тадрижий амалга ошади...

Юртимизнинг мустақиллиги шаро-

фати билан ёш ўзбек олими АҚШ илмий марказларидан бирига таклиф этилди. У йигит сал кам икки йил ўша ерда тадқиқот билан машғул бўлди. Изланишларининг маҳсулини териш арафасида... Тошкентга қайтди.

— Нега қайтдингиз? - сўрадим ундан ҳайрон бўлиб. — Ахир, илмий ишингиз ниҳоясига етишига оз қолган эди-ку?!

— Онам кексайиб қолдилар, қайтмаганимга кўймадилар...

Вазиятнинг нозиклигини қаранг! Ҳолатга Ницше фалсафасини байроқ қилиб ечим топганимиз тўғрими ёхуд Достоевскийча инсонпарварлик маъқулми?.. Шахснинг, оиланинг, жамиятнинг манфаатлари нуқтаи назаридан ёндашсак-чи?

Отабек фожиаси (“Ўткан кунлар”) ёдга тушади. Икки оила аъзоларининг барчаси анъанага садоқатли, биргина Отабек ота-она раъйига юрмапти. Ўша давр, ўша муҳитда ота-она розилиги учун хотин устига хотин олишдан табиийроқ, “тинчроқ” ҳодиса йўқ эди, Отабек Зайнаб билан ҳам яшаб кетса, олам гулистон эди (ҳатто Кумушбиби ҳам бунга кўниқиб кетарди), йўқ, Отабек бунга кўнмади.

Отабекнинг ўз аҳдига садоқати анъанадан юз ўгиришга, ўзи яшаётган муҳитга мўъжазгина янгилик киритишга, бир қадам бўлса-да, олдинга қадам ташлашга ва... фожиага олиб келди.

Япон халқ ривоятларидан бирида қариб-чуриган кексаларни кимсасиз жойга ташлаб келиб, баҳридан ўтилади. Токи, бу дунёдан паймонаси узилган, лекин жон таслим қилиши чўзилиб кетган қариялар бошқаларнинг ҳаёт тарзига ҳалал бермасин!.. Бу фалсафа замирида ницшеизм ётибди, ўзбек бу йўл билан тараққиёт кўчасига кирмайди (бундай йўлнинг бизга хос эмаслиги Шукур Холмирзаевнинг “Қадимда бўлган экан” ҳикоясида яхши тасвирланган). Зеро, ўзбек ўз йўлини танламоқда, дунёга очиқ кўз билан қараб, ўз табиати, ўз номаи аъмолига муносиб йўл изламоқда...

МАРДЛИК

Тарихий ҳикоя



Бобурдаги нафис бир ҳаяжонни Қосимбек зимнан кузатиб бормоқда эди. Бобурга отадек ғамхўр бўлган бу одам шундай кўхлик йигитга муносиб бир қиз учрашини кўпдан бери кутиб юрарди. Бобур эса кўз очиб кўрган ёстиқдоши Ойша бегимнинг бевафолигидан қаттиқ озор чеккани учун аёл зотидан тортинар, анча-мунча қизларга мойиллик билдирмас эди. Ҳирот маликаси Хадича бегим уни аслзода хонадонларга куёв қилишга уриниб кўрди. Бобур рўйхушлик бермади.

Мархум Султон Аҳмад мирзонинг кичик кизи Маъсума бегим онаси билан Самарқанддан Ҳиротга келиб қолган экан. Кайвони аёллар орага тушиб, бир меҳмондорчилик пайтида Бобурни Маъсума бегим билан учраштирдилар. Қиз жуда назокатли ва гўзал эди. Аммо Қосимбек уни кўрганда Тошкентда қолган Ойша бегимни эслади.

Чиндан ҳам, Маъсума бегим Ойша бегимнинг синглиси эди. Бобур орада турган Ҳиротлик амма-холаларининг кўнглига қараб, қизга мойиллик билдирган бўлди, лекин тўйни пайсалга солди.

Қосимбек орқали шундай жавоб айттирди:

— Маъсума бегим оналари билан Кобулга борсалар... Насиб қилса, ўша ерда тўй қилурмиз...

Қизнинг онаси:

— Ҳўп, Кобулга боргаймиз, — деб ваъда берди.

Лекин Қосимбек бу нозиккина қизнинг

Ҳиндикуш тоғлари оша Кобулга етиб боришига унча ишонмасди. Етиб борганда ҳам Бобурнинг бошида чарх уриб юрган интиҳосиз мушкулотларга бардош беролмас керак, деб ўйларди.

Аммо боғкўча деворидан гул ташлаган Моҳим исмли олов қизнинг юз-кўзларида нафис гўзаликка йўғрилган қудратли бир оҳанрабо бор эди. Ана шу оҳанрабо Бобурни ҳамон ўзига тортиб турар эди.

Боғкўчадан кенг далага чиққанларида Бобур салласи қатидаги пуштиранг атиргулни секин қўлига олиб, яна бир ҳидлаб кўрди. Шунда девордан мўралаган қиз унинг кўз олдида қайтадан гавдаландию бутун борлигини нафис ва ширин туйғуларга тўлдирди. “Шунча қилиб, истаб жаҳонни ёр топмадим!” деган Бобурга балки шу қиз ёр бўлар? Нега ундан бу қадар тез айрилди? Наҳотки бу қизни қайта кўриш насиб қилмаса?

Қосимбек отини Бобурнинг отига яқин келтириб, паст товуш билан сўради:

— Амирзодам, бу атиргул қайси гулзорда ўсганини суриштириб кўрайми?..

— Ихтиёрингиз, — деди Бобур уялинқираб.

— Қизнинг оталари Ҳусайн Бойқарога хеш бўлсалар, мен бухонадон билан албатта алоқа боғлағаймен.

Бобур бу режани маъқуллаган маънода бош ирғади.

— Амирзодам, агар юлдузи юлдузингизга тўғри келса, мен Моҳим бонуни Ҳиротданми, Қандаҳор ёки Фазниданми, қаердан бўлса ҳам, албатта излаб топгаймен!

Хиротдан узоқлашганлари сари гўзаллик ва нафосат нурига йўғрилган илиқ туйғулар ўрнини Ҳиндикуш тоғининг баҳайбат қоятошлари ва унинг совуқ музларига ўхшайдиган хавотирликлар эгаллай бошлади. Бобурнинг Кобулдан чиқиб келганига уч ойдан ошяпти, лекин у ердаги ишончли одамлардан хабар келмаяпти. Ора узоқ — отда бир ой-қирқ кунлик йўл. Карвон билан Кобулдан келган савдогарлар нохуш овозалар эшитибди. Гўё Бобур мирзо Ҳирот тождорлари билан ёвлашиб қолибмиш, уни Ихтиёриддин қальасига қамаб қўйганмишлар. Ҳисорда Хисравшоҳдан ажралиб келиб Бобур хизматига кирган йигирма минг мўғул сипоҳлари бу хабарга асосланиб, Кобулда ўз ҳокимиятларини ўрнатиш ҳаракатига тушганмиш. Мўғулларнинг дуғлат қавмидан бўлган Муҳаммад Хусайн (аввалги Ўратепа ҳокими) фитначиларга бош бўлмоқда эмиш. Аммо Кобул доруғаси Мулла Бобо Бобурга садоқат сақлаб, кўрғон дарвозаларини беркитиб олганмиш.

Агар шу гаплар рост бўлса, кўрғон камалда қолади. Аммо ташқаридан йигирма минг қўшин ҳужум қилса, кўрғонни эгаллаш ҳеч гап эмас. Унда Бобур Самарқанд туфайли Андижондан айрилгани каби, Ҳирот сабабли Кобулдан ҳам ажралиб, яна ора йўлда муаллақ қолиши мумкин.

Бу хатарнинг олдини олиш учун Бобур Кобулга тезроқ етиб бориш ҳаракатига тушди.

Аксига олиб қиш эрта бошланди. Қавс ойидаёқ тоғ этақларига ёққан қалин қор отларнинг тиззасига етиб борди. Чачқарон деган жойда Бобур бекларни машваратга тўглади.

— Довонлар бекилгандир, — деди Хўжа Калонбек. — Қандаҳор орқали борсак, йўл текис, Ҳиндикушни айланиб ўтгаймиз.

— Айланиб ўтгунингизча қирқ-эллик кун вақт кетгай! — дея эътироз қилди Қосимбек. — Унгача мўғуллар Кобул кўрғонини эгаллаб олса, кейин не қилгаймиз?

— Худо кўрсатмасин! — деди Бобур. — Илоҳим бу миш-миш ёлғон чиқсин!



— Аммо шамол бўлмаса т е р а к н и н г у ч и қ и м и р л а м а г а й, а м и р з о - д а м ! К о б у л г а т е з - р о қ е т и б б о р м оғ и - м и з ш а р т ! Т ўғридаги Кўтали Зарриндан ошсак, Қандаҳор йўлига нисбатан масофа икки баробар қисқаргай. Бир ой вақт ютгаймиз!

— Ундай бўлса, майли, жаноб Қосимбекнинг таклифини қабул қилайлик. Фақат доvon йўлини яхши биладиган йўлбошчи топиш керак.

— Буниси менга тан! — деди Қосимбек.

Эртаси куни яна қор ёға бошлади. Бобур кўриқчи йигитлари билан отланиб чиқаётганида Қосимбек афғонларнинг пашойи қабиласи яшайдиган қишлоқдан Султон деган бир йўл кўрсатувчини топиб келди.


Олачипор салла ўраган, баланд бўйли, бурни узун, жингалак соқолига оқ ўралаган бу одамнинг юзи Бобурга алланечук тунд кўринди. Бобур у билан от устида туриб дарий тилида сўзлашди:

— Қишда Кўтали Зарриндан ўтиш мумкинми, йўқми?

— Ўтганлар бор, — деди Султон. — Аммо бу йилда қор жуда кўп. Кўчки босиб қолишидан кўрқмасангиз...

— Сиз кўрқмасангиз, биз нечун кўрқайлик?..

— Мен қишда ўтсам, бир ўлимни зим-



Худо асрайман деса, ҳеч гап эмас!

— Хайр, бу гал ҳам худо ўзи асрасин!
— деб Бобур Султоннинг йўл кўрсатувчи бўлишига розилик берди.



Султон уйига бориб, чиндан ҳам онасидан, хотини ва бўй етган фарзандларидан рози-ризолик сўраб чиқди. Унинг ўзига тўқ, бадавлат оиласи бор, сайисхонасидаги саккизта отига махсус отбоқар қарайди. Бу гал қишда йўл кўрсатувчи бўлишдан мақсади пул ишлаш эмас. Ёшлиқдан унга тинчлик бермай келаётган алам ва интиқом туйғуси унинг шу ишга бош кўшишига сабаб бўлди.

У Қосимбекка розилик беришдан олдин, довондан ўтмоқчи бўлаётганларнинг кимлигини суриштириб билди. Бобур — теурийлардан экани, Абусаид мирзо унинг бобоси бўлгани Султоннинг ўн яшарлик пайтида бошдан кечирган фожеъларни эсига солди.

Султоннинг ота-боболари Шоҳруҳ Мирзо билан яхши ҳамкорлик қилган бадавлат одамлар эди. Шоҳруҳнинг ўлимидан кейин бошланган алғов-далғовларда Турондан Абусаид мирзо ўғли Маҳмуд мирзо билан Хуросонга бостириб келди. Султоннинг отаси Шоҳруҳ мирзодан кўп яхшилик кўргани учун унинг невараларига ён босди.

Лекин Абусаид мирзо ғолиб келиб, Шоҳруҳнинг кўпчилик невараларини қиличдан ўтказдирди. Султоннинг отаси ва акасини ҳам шоҳруҳийлар томонида тургани учун бошларини кесдирди. Ховлиларида бор мол-ҳолларини, онасининг бўғчаларидаги нарсаларигача талаб кетишди. Бу ҳам озлик қилгандай, Султоннинг ўн беш ёшли чиройли опасини асира қилиб олиб кетдилар. Кейин эшитсалар, уни Абусаид мирзо ҳарамига бир неча кунлик жория қилиб берибдилар...

Устма-уст келган бу бахтсизликлардан Султоннинг онаси касал бўлиб ётиб қолди. Лекин уларнинг бадавлат қариндошлари бор эди. Оғир пайтда ўшалар ёрдам қўлини чўзди. Султон йигит ёшига етгунча замонлар ҳам бир қадар тинчиди, карвонлар кўп қатнайдиган бўлди. Султон карвонларга йўл кўрсатувчилик

мамга олиб ўтаман. Кетишда уйдагилардан рози-ризолик сўраб йўлга чиқаман. Қайтиб келмаслигим мумкин.

Бобур Қосимбек томонга ўгирилиб туркий тилда сўради:

— Нафаси мунча совуқ? Бошқаси йўқмиди?

— Бошқалари унамади. “Довон бекилган, жон керак!” дейишди.

— Бизга жон керак эмасми?

— Э, булар шунақа ваҳима қилиб қадрини оширгай! Мана шу Султон қишда ҳам Кўтали Зарриндан ўтган экан. Кадхудоси айтди!

Султон пашойи соқолига инган қор зарраларини кафти билан сидириб ташлар экан, истехзоли кулимсираб қўйди. Бобур унинг туркийни тушунишини сизди, аммо истехзосини ёқтирмади. Султоннинг дилида ортиқча гурурми, қудратми, совуқ бир нарса бордек туюлди.

— Жаноб Қосимбек, одамларимизни ортиқча хатарларга гирифтор қилмайлик. Ҳали ҳам бўлса Қандаҳор йўлига қайтайлик!

— Аммо вақтни бой берсак, Кобул илиқдан кетгай, амирзодам! Сиз билан биз қанча хатарли довонлардан ошганмиз! Ҳисор тоғларидан қор бўронлари тагида дахшатли учмалар, секиртмалардан ўтиб, Искандарқўлга тушганимиз ёдингиздами?

килди, савдо-сотикдан ҳам яхши даромадлар келиб, рўзгорини бутлаб олди.

Ҳозир қаҳратон қиш кунида уйида оиласи билан тинчгина ўлтириши мумкин. Лекин Бобур ҳам бу ерларга бобоси Абу-саид мирзонинг изидан келгани Султоннинг дилидаги қасоскор туйғуларни уйғотиб юборди. Ноҳақ ўлдирилган отаси ва акаси, номуси топталган опаси учун мана бу темурийзодадан хун талаб қилиб, қасд олишга ҳаққи йўқми? Бу ҳам ўша келгинди фотиҳларнинг бири-ку! Турондан келиб бу ерларда хўжайин бўлиб юрибди. Қани, Ҳиндикуш тоғига ҳам хўжайин бўлиб кўрсин-чи! Султон хундор душманини энг машаққатли йўллардан бошлаб боради, унинг азоб тортганини кўриб бир аламдан чиқади. Иложини топса, довон йўлларида қор бўронларига кўмиб қайтади. Шу билан отаси ва акасининг руҳлари олдидаги қиёматлик бурчини бажарган бўлмайдими?

Султон шу ўй билан сайисхонага кирди. Тоғларда яхши юрайдиган энг бақувват қора қашқа отини эгарлади. Жун хуржунга икки ҳафтага етадиган қилиб қовурдоқ гўшт, ёғлиқ патир ва бошқа егуликлар солдирди. Ўзи қалин пўстин кийиб, яна иккита жун чакмон, иссиқ қулоқчин, “жўроб” деб аталадиган қалин пайпоқлар олди. Отларга ем-хашакни ҳам унутмади. Пўстин тагидан белига ханжар тақиб олди. Ҳамма юкларини қизғиш рангли миқти отга ортирди-да, уни етовга олди.



Бобур ва Қосимбек бошлиқ беку навкарлар уч юз кишидан ортиқ. Кўпчилигининг етовда оти бор. Туяларга турли юклар, чодир ва йиғма ўтовлар ортилган. Қиш куни буларнинг ҳаммасини озиқ-овқат ва ем-хашак билан таъминлаш осон эмас.

Аввалги ҳокимларнинг одатини яхши биладиган Султон, “Булар ҳам аҳолининг мол-ҳолини зўравонлик билан тортиб олиб захира йиғса керак”, деб ўйлади.

Аммо Бобур хазиначига буюриб, ҳамма захираларучунолтин-кумуштанга тўлатди. Ҳатто ем-хашакни ва қор курайдиган ёғоч курақларни ҳам тангага сотиб олишди.

Кўз илғаган ҳамма жой оппоқ қорга

бурканган. Султон қора қашқа отда олдинда йўл бошлаб боради. Бобур ва Қосимбеклар унинг кетидан отлик келишмоқда. Орқада юзлаб беку навкарлар етовдаги отлар ва юк ортилган туялари билан турнақатор бўлиб тизилиб йўл юради.

Бир ҳафтадан бери ҳар куни қор ёғади. Гоҳо қалин булутлар йиртигидан офтоб хирагина бўлиб кўринади-да, кўп ўтмай йўқ бўлиб кетади.

Оппоқ тоза қор кўзни олади. Йўллар қор тагида кўринмай кетган. Султон болаликдан яхши биладиган тепаликлар, жилғалар ва қоятошларга қараб тусмол билан йўл бошлаб боради. Тоғ этакларида уларга биронта кўй суруви, биронта қорамол учрамайди — чорва ейдиган ўт-ўланлар қор тагида қолиб кетган. Ҳатто какликлар ҳам бу қорда дон тополмай пастликларга тушиб келган. Улар қалин қорда дуруст учолмай қоларкан, қанотларини ёзиб, қорга текилиб қолган какликлардан беш-ўнтасини йигитлар йўл бўйидан тутиб олдилар. “Кечкурун тунашга тўхтаганда кабоб қилгаймиз!” деб хуржунларига жойладилар. Тоғ ораликларига кирганларида қор отнинг тиззасидан баландга чиқди. Қиш чилласи қаҳрли, совуқнинг қаттиқлигидан оёқ тағларида ғарчиллаган қорнинг товуши тоғ ёнларидан акс садо бўлиб қайтади. Юқорига кўтарилганлари сари юриш қийинлашади, от-уловлар бурунларидан ҳовур чиқариб оғир-оғир нафас олишади, ҳорғин пишқиришади. Беку навкарларнинг оғизларидан чиққан ҳовур ёғаётган қорга қўшилиб, соқол-мўйловларга оппоқ қиров бўлиб ёпишади ва ҳаммани мўйсафидга ўхшатиб кўрсатади.

Қиш куни қисқа, довонга етиб боролмадилар. Кеч кирганда нинабаргли болут дарахтлари ўсиб ётган ўрмонда тўхтадилар. Текисроқ жойлар топиб қорни кураб ташладилар-да, ўрмондан ўтин кесиб келиб гулхан ёқдилар. Гулхан атрофларини эриган қордан тозалаб, Бобур, Қосимбек ва бошқа эътиборли аъёнлар учун чодирлар тикдилар. Йигит-яланглар қори куралган ерларга қалин кигизлар тўшаб ўлтирдилар. Юклар орасида қозон-товоқлар ҳам бор экан. Кундуз куни тутилган какликлардан қилинган кабобнинг олди Бобур ва Қосимбекка тегди. Гулхан оло-

вида қовурдоқлар ҳам тайёрланди.

Султон майхўрлик ҳам бўлишини кутган эди. Лекин унга ҳамроҳ бўлиб бораётган беку навкарларнинг ўзаро гап-сўзларидан шуни билдики, йигирма беш ёшли Бобур ҳали умрида май ичмаган намозхон йигит. Унинг шундай қор совуқларида ҳам таҳорат қилиб намоз ўқиганини сафар пайтида бир неча марта кўрган Султон ўзича таажубланиб қўйди.

Эртаси куни яна довон томонга кўтарилиб бораётганларида қорнинг қалинлиги отнинг ўмровигача чиқди. Отлар сал илгарилаганларидан сўнг оёқлари ерга тегмай, қорга ботиб тўхтаб қолишди.

Қосимбек йигитларга курак билан йўл очишни буюрди. Беш-олти киши курак олиб олдинга ўтди. Аммо қалинлиги одамнинг кўкрагига чиқадиغان қорни курак билан уддалаб бўлмас, икки-уч қадам йўл олгунча бир дунё вақт кетар эди.

— Э, бу бўлмас экан, — деди Бобур. — Бир кунда икки чақирим йўл боссак, қачон етгаймиз?

Султон олдинга ўтди-да, қорни тепа-тепа шиббалаб, бирпасда тўрт-беш қадам йўл қилди.

— Буни биз тажрибада кўрганмиз, — деди Султон Бобурга. — Йигитларингизга буюринг, мана шундай қор тепиб йўл очсинлар. Бошқа иложи йўқ!

Қосимбек “Қандаҳор орқали текис йўл билан борайлик!” деган таклифга кўнмагани ва довон йўлидан юришга сабабчи бўлгани учун Бобурдан хижолат чекмоқда эди. Шу сабабли ўғиллари Тангриберди ва Қамбаралини икки ёнига олиб, ҳаммадан олдин ўзи қор тепишга киришди. Орқадан яна Тохир бошлиқ тўрт-беш йигит олдинга ўтиб, қорни ғарчиллатиб шиббалашга тушдилар.

Бирпасда юз қадамча сўқмоқ йўл ҳосил бўлди. Ундан отларни етаклаб ўтишга тўғри келарди. Қор тепаётган Қосимбек хансираб деди:

— Отни зўр жонивор дердик, бундай қорда одам отдан ҳам зўр бўларкан!

Орқада йўл очилишини кутиб турган беку навкарлар кўпчилик эди. Бу қаттиқ совуқда уларнинг отдан тушгилари келмасди, чунки отнинг баданидан озгина бўлса ҳам иссиқлик чиқиб, суворийга илиқ

тафти уриб турар, пастдаги одам бўйи қор эса кафандай совуқ туюларди. Жуда секинлик билан илгарилаб боришар, бу кетишда бир кунлик йўл бир ҳафтага чўзилиши муқаррар эди. Ишбоши бўлиб турган Султон ҳар замонда Бобур томонга кўз ташлаб кўярди. “Қор қамалида қолаётган бу темурийзода энди не қиларкин?” деб уни зимнан кузатарди.

Султон Бобурнинг совқотиб асабийлашишини, йўл жуда секинлаб қолганидан тажанг бўлишини, одамларига бақириб-сўкиниб иш буюришини, айтганини қилмаганлар бўлса, қамчи билан савалашини кутмоқда эди. Отаси ва акасини ўлимга буюрган ҳукмдорлар қиёфасида Султон ана шунақа золимларни кўрган, бугун эса улардан бирининг талвасага тушишига гувоҳ бўлиб, бир аламдан чиққиси келар эди.

Бироқ Бобур жим. У олдинда қор тепаётган кекса Қосимбекнинг хансираб, ҳолдан кетиб қолаётганини кўрди-да, индамай отидан тушди. Олдинга ўтиб, Қосимбекнинг ёнига борди:

— Бас, сиз энди нафасни ростланг! — деди, сўнг унинг ўрнига ўзи қор тепиб йўл оча бошлади.

Орқада йўл очилишини кутиб отдан тушмай ўлтирган беку навкарлар энди бунга лоқайд қараб туролмадилар. Бобурнинг индамай кўп қатори ишга тушиб кетгани орқадагиларга зуғум билан буйруқ бергандан кўра кучлироқ таъсир қилди. Йигитлардан йигирма-ўттизтаси апил-тапил отларидан тушиб, Бобур томонга шошилдилар.

Баландга кўтарилганлари сари ҳаво сийраклашиб, нафас олиш қийинлашар, қирчиллама совуқ бунинг устига кўшилар, энг бақувват йигитлар ҳам йигирма-ўттиз қадам йўл очгунча чарчаб, хансираб четга чиқарди. Икки-уч марта бу ишни қилиб чиққан одамларнинг кўпи тўртинчи-бешинчи дафъа қор тепишга ярамай қоларди.

Аммо Бобурнинг энг паҳлавон йигитлар қатори қайта-қайта олдинга ўтиб, бир ҳафта давомида одамларига йўл очиб боргани Султонни лол қолдирди. Беку навкарлар ўзаро гаплашганди:

— Амирзодамга кўз тегмасин, алплардай паҳлавонлиги бор! — деб қўйишарди.

— Саркарданг бўлса шундай бўлсин!

Султон ҳам ичида, “Худо бу йигитга кучкуватни ҳам, ҳимматни ҳам аямай берганга ўхшайди”, деб кўйди. Кеч кирганда баланд бир ялангликка кўтарилдилар. Бундан нарида довон бошланиши керак эди. Лекин бу баландликда қор бўрони бошланди. Қаттиқ шамол қор учкунларини юз-кўзга келтириб ура бошлади. Совуқнинг шиддати бир неча баробар ошиб кетди.

Ҳаволи Кутий деб аталадиган бу баланд жойда шамолпана тоғ камарлари борлигини Султон биларди. У кичикроқ бир камарга Қосимбекни бошлаб кирди.

Аммо бу камарга тўрт-беш одам зўрға сигарди. Қосимбек Бобурни ҳам ичкарига таклиф қилди.

Юзлаб одам ташқарида қор бўрони остида дийдираб турибди. Суяк-суякларига чача етиб бораётган аччиқ совуқнинг захрига даҳшатли қор бўронининг зарби кўшиляпти.

Агар одамлар шу очиқ жойда тунашга мажбур бўлса, уларнинг кўпи музлаб қолиши муқаррар. Ўлим хавфини сезган навкарлардан бири:

— Э-воҳ, жасадимиз қор тагида қолса, бизни ким топиб дафн этгай? — деди.

— Қордан кафан кийгаймизми-а? — деди иккинчи навкар.

— Ҳиндикуш деб бежиз айтмас эканлар! Бу тоғ одамкуш тоққа ўхшайди!

Бобур бу навкарларни овозидан таниб, уларнинг олдига келди.

— Мирзоқули, ниятни яхши қилинглар! Худо хоҳласа, бу қор қамалидан эсон-омон чиқиб кетгаймиз. Маматбек, куракларинг борми?

— Бор! — деб Тоҳирнинг самарқандлик дўсти Мамат отининг эгарига танғиб боғланган куракни Бобурга олиб берди.

Бобур энига ва бўйига уч-тўрт қадам келадиган жойнинг қорини курай бошлади. Мамат подшоҳга қор куратиб ўзи қараб туришга уялди, куракни Бобурнинг қўлидан олди:

— Бу ерда не қилмоқчисиз, амирзодам?

— Қордан ихота ясамоқчимен. Ер-тўла қазийдилар-ку. Биз қортўла қазисак бўлмасмикан?

— Қани кўрайлик... Э, йўқ, қор ҳали

жуда юмшоқ экан, увалиб тушди...

— Ерга етгунча қазийлик-чи! — деди Бобур.

Қорни кўкраклари баробар қазисалар ҳам, курак ерга тегмади.

— Оббо, қор бўрони бу ерга қорни уйиб ташлаган бўлса керак! — деди Мамат умидсизланиб.

— Майли, бас, — деди Бобур ва Тоҳир кўрчибегини чақирди: — Битта кигиз билан жойнамоз келтиринг!

Кўкрак бўйи келадиган қор девори шамолнинг шиддатини бир оз пасайтиргандай бўлди. Аммо тепада яна қор куюн бўлиб ёғилмоқда эди. Тоҳир келтирган кигизни оёқ остига тўшадилар. Ёшлиқдан совуқ сувларда ювиниб чиниққан, ҳатто музни тешиб ғусл қилишга ўрганган Бобур ҳозир қор билан рамзий таҳорат олган бўлди-да:

— Таяммум! — деб кўйди.

Тоҳир эса Мирзоқули ва бошқа йигитларга мурожаат қилди:

— Беҳаракат тураверсак, совуқда тўнғиб тамом бўлурмиз! Ундан кўра, амирзодамга ўхшаб қорни қазиб, шамолпана жойлар ясайлик. Ҳаракатланиб турсак, совуқ урмагай!

Бу гапларга зимнан кулоқ солиб турган Султон, “Кўрайлик-чи, бу темурийзоданинг чидами қанчага етар экан?” деди ўзича.

Бобур эса, соҳибқирон бобокалонидан олган сабоқларига биноан, ҳаёт-мамоти ҳал бўладиган пайтларда икки раъкат намоз ўқиб, худодан нажот тиларди.

Ҳозир кигиз устига жойнамоз тўшаб номоз ўқир экан, эғнидаги пўстинининг елкалари, гардишли қундуз телпаги бўралаб ёғаётган қордан оппоқ бўлиб қолди. Султон бунини кўрдию Бобур паналаб ўтирган жойни бўрон туни билан қорга кўмиб ташлашини ўзича тасаввур этди. Дилида тугун бўлиб турган интиқом туйғуси: “Қўйиб бер, — деди, — шаҳид бўлган отам билан акамнинг олдига бу темурийзода ҳам борсин! Қор тепиб чарчаган одам совуқдан қарахт бўлиб, уйқуси элитса, кейин қайтиб уйғонмай, эрталабгача нариги дунёга кетади!..”

Лекин Бобурнинг шундай мушкул аҳволда ҳам ўзини йўқотмай одамларга

далда бераётгани, кекса Қосимбекни камарга жойлаб, ўзи кўпчилик навкарлар қатори ялангликда қор бўрони тагида ўлтиргани Султоннинг инсоф ва диёнат туйғусини уйғота бошлади. Айниқса, Бобурнинг намоз ўқиётганини кўрганда ва саждага бош қўйиб парвардигордан нажот сўраганини эшитганда ички бир овоз "Худодан кўркмайсанми, Султон? — деб сўрагандай бўлди. — Ахир, худо олдида ҳар бир одам ўз гуноҳи учун ўзи жавоб беради-ку! Ёмон темурийзодалар қилган гуноҳлар учун нечун Бобур жавоб бериши керак? Ахир, бунинг ўзи сенга ёмонлик қилгани йўқ-ку! Бир ҳафта қор тепиб сенга ҳам йўл очиб келмадими? Яхшиликка жавобан ёмонлик қилсанг, кейин қасоси ўзингга қайтмайдими?"

Бобур намозини тугатгандан сўнг Султон унинг олдига келди:

— Ҳазрат шоҳ, тун билан қор бўрони ичида музлаб қолишдан кўркмайсанми? — Начора? Сиз бизни огоҳлантирган эдингиз. Довон йўли чиндан хатарли экан...

— Қосимбек ўлтирган камарга сиз нечун кирмайсиз? Ахир, шоҳлар доим тўрда ўлтириши керак-ку!

— Ҳаёт-мамонт олдида шоҳу гадо баробар, жаноб Султон! Қосимбек кекса одам, менга отадек азиз. Мен ташқарида қолган бу йигитларим билан ҳаётнинг барча аччиқ-чучукларини бирга татиб келмоқдам. Қанча хавфу хатарларни бирга бошдан кечирганмиз. Бугун ҳам биз ўлим билан юзма-юз турибмиз. Шундай пайтда мен энг қадрдон одамларимни ташқарида хатарга ташлаб, ўзим қайси юз билан ичкарида жон сақлагаймен?

— Ҳазрат, мен сизни фақат подшоҳ деб ўйлаган эдим. Лекин сизда дарвешлик ҳам бор экан. Бу сўзимни кўнглингизга олмайсанми?

— Нечун кўнглига олай? Шоҳлардан кўра дарвешларда адолат кўпроқ... Ахир, сиз ҳам мусулмонсиз-ку!

— Алҳамдулиллоҳ, муслимман. Барча муслимлар бир-бирларига биродардилар. Юринг, мен сизга ҳамма одамларингиз сиғадиган улкан ҳовални кўрсатай!

Бобур қувониб тез ўрнидан турди-да, Тоҳир билан Маматни чақирди.

— Қани, жаноб Султон билан боринг-

лар-чи, бошқа камарлар бор эмиш!

Чиндан ҳам, орқаси улкан горга туташиб кетган иккита камар бор экан. Уларга ташқарида қолган ҳамма одамлар кириб, тун билан шамолпана, куруқ жойда гулханлар ёқиб исинишди.

Эртаси куни қор бўрони тўхтаб, ҳаво очилиб кетди. Кечаги кучли шамол қорларни учуриб, ҳамма ўнгири ва жарларни қорга тўлдирган ва текислаб кетган эди. Бўрон ва совуқнинг шиддатидан бу қорлар шиббаланиб, қалин қатқалоқ ҳосил бўлган эди. Ана шу қатқалоқдан ва ўйдимчукурларни тўлдириб текислаган қорнинг қалинлигидан Султон усталик билан фойдаланди. Бобурни барча одамлари билан тоғнинг нариги томонига бошлаб кетди. Яна кун бўйи йўл юриб, керак бўлганда қор тепиб, кечки пайт Яккаўланг деган қишлоққа етиб бордилар.

Бу туркийзабон қишлоқ одамлари:

— Осмондан тушдиларингизми? — деб ҳайрон қолишди: — Умримиз бино бўлиб қиш чилласида бу довондан тирик ўтиб келган шунча кўп одамни кўрмаган эдик!

Яккаўлангликлар Бобур ва Қосимбекнинг оёғи тагига қўйлар сўйиб, катта зиёфатлар беришди.

Бир кеча дам олганларидан сўнг Султон қайтиб кетишга рухсат сўради.

— Бир ўзингиз тоғдан қандай ўтасиз? — деди Бобур.

— Келган йўлимиз ҳали беркилмаган дир. Отларим бор-ку.

— Балки биз билан қолурсиз? Мамлакатнинг тўрт томони тоғ. Бизга сиздек йўл кўрсатувчи доим керак.

— Таклифингиз учун ташаккур, ҳазрат шоҳ. Мен сиздек мард подшоҳни умримда биринчи кўришим. Уйга қайтиб, барча пашойиларга сизнинг тўғрингизда сўзлаб бермоқчиман. Хизматингизга келсам ҳам, юз-икки юзта йигитни бошлаб келамен. Худо хофиз!

Бобур хазиначига буюриб, Султонга кутганидан ҳам ортиқ мукофотлар бериб жўнатди.



Кобулда уларни бошқа хавф-хатарлар кутмоқда эди. Фитначилар Бобурни "Ҳиротда қатл этилибди" деб овоза тар-

қатганлари рост экан. Ғратепанинг собиқ ҳокими Муҳаммад Хусайн дуғлат фитначиларига бош бўлиб, Бобурнинг ўрнига унинг амакибаччаси – марҳум Маҳмуд мирзонинг йигирма ёшли ўғли Мирзохонни Кобул подшоси деб эълон қилибди. Бунинг хабарини Кобулда қолган содиқ навкарлардан Муҳаммад Андижоний Лангари Темур деган жойда Бобурга етказиб келди. Маълум бўлишича, Кобул қалъасини Бобур учун берkitиб турган Мулло Бобо ва Аҳмад Юсуфларнинг аҳволи жуда оғир. Кўрғонни қамал қилаётган Мирзохон бошлиқ мўғулларнинг йигирма минг одами бор, деворларга нақб солиб, борут билан портлатиб ўтишга ҳаракат қилишяпти. Кўрғон ҳимоясида икки юзтагина одам турибди. Уларнинг ҳам захиралари тугаб боряпти. Шу кетишда фитначилар кетма-кет ҳужум қилаверса, кўрғонни бир ҳафта-ўн кунда олиб қўйишлари эҳтимоли яқин.

— Биз Лангари Темурдан Кобулга тўрт кунда етиб боргаймизми, а, жаноб Қосимбек? — деб сўради Бобур.

— Илдам юрсак уч кунда ҳам етгаймиз. Аммо Қандаҳор йўли билан келганимизда Кобулга яна бир ойда зўрға етган бўлардик.

Муҳаммад Андижоний бу гапни маъқуллаб қўшимча қилди:

— Фитначилар сизларнинг қиш чилласида Ҳиндикушдан ошиб келишларингизни мутлақо билмайди, амирзодам! Ахир, бу — ақл бовар қилмайдиган иш! Шунинг учун фитначилар кучларини Қандаҳордан келадиган йўл бўйларига жойлаштирганлар. Қоровуллари ҳам Қандаҳор томонда пойлоқчилик қилмоқда эмиш. Менга буни Мулла бобо тайинлаб айтиб юборди. “Ғазни томондан келмасинлар, Манор тоғи томондан келсинлар”, деб илтимос қилди.

— Аммо, жаноб Қосимбек, сиз узоқни кўзлаб довон йўлини танлаган экансиз. Мен сизнинг ҳақлигингизга энди астойдил тан бердим!

— Ташаккур, амирзодам. Энди ҳамма гап Кобулга ёғийлар кутмаган томондан билинтирмай боришимизга боғлиқ. Уларни ғафлатда босмоқ керак!

Бобур, Қосимбек, Хўжа Калон ва бошқа

ишончли амирлар маслаҳатни бир жойга қўйишди. Кобул кўрғонидаги Мулло Бобо бошлиқ содиқ кишиларига Бобур ўз қўли билан махфий мактуб ёзди:

“Мардона бўлинг, наҳот яқин, худо хоҳласа, сешанба куни тунда биз Манор тоғига етиб улкан ўт ёндурғумиздир. Сизлар ҳам арқда, эски кўшкнинг устидаким, ҳозир хазинадур, улуғ ўт ёндирунгиз, токи билгаймизки, биздан хабардор бўлиб-сиз”...

Муҳаммад Андижоний Бобурнинг мактубини Кобул кўрғонидагиларга вақтида етказиб борган экан. Сешанба куни кечаси Бобур одамлари билан Манор тоғига етиб, Кобул кўрғони кўринадиган жойда улкан олов ёндирдилар. Кўп ўтмай Кобул аркида, хазинанинг томи устида ҳам катта олов ялтиллаб кўрindi.

Шундан кейин Бобур одамлари билан Кобулнинг шимол томонидаги Ғурбанд Тангисидан саҳар палла чиқиб, энг аввал фитначиларнинг бошлиқлари ухлаб ётган қасрларга яқинлашдилар. Тун жуда совуқ, изғирин шамол эсади, кўпчилик қоровуллар ҳам шамоллана илиқ жойларга кириб кетишган. Муҳаммад Хусайн билан Мирзохон ғафлат уйқусида ётган пайтда кўрғон ичкарасидан Мулло Бобо ва Аҳмад Юсуф ўз одамлари билан Оҳанин дарвозасидан қуролланиб чиқдилар. Кўрғонни қамал қилиб ётган мўғулларнинг ҳалқаси шимол томонда сийрақ эди, чунки улар Бобурнинг жануби-ғарб томондан келишини кутмоқда эдилар.

Бобур шимолдаги Ғурбанд томондан, кўрғондагилар қалъа томондан бирваракай зарба бериб, мўғуллар ҳалқасини синдириб ўтдилар.

Кобул подшоси деб эълон қилинган Мирзохон кўрғон ташқарисидаги ҳашаматли бир қасрда ухлаб ётган пайтда Бобурнинг Хўжа Калонбек бошлиқ йигитлари қаср ҳовлисига тиғ яланғочлаб кирдилар. Мирзохоннинг кўриқчи йигитлари ҳам қиличларини қиндан суғурдилар. Қилич-бозлик жангида бир неча навкар яраланиб йиқилди. Чўчиб уйғонган Мирзохон “Бобур бостириб келди!” деган хабарни эшитиб ўзини йўқотиб қўйди. “Улди” га чиқарилган одамнинг бирдан тирилиб келиши Мирзохонни шунчалик ваҳимага солдики, у та-

рафдорларини тўплаб жанг қилишни хаялига ҳам келтирмади, қантариб қўйилган эгарлоғлиқ бироттасапчиб минди-да, кунчиқиш томондаги тоғларга қараб қочди. Буни эшитган Бобур Юсуфбек бошлиқ бир тўда йигитларни Мирзохоннинг кетидан қувғинчи қилиб юборди. Ўзи Боғи Биҳишт деб аталадиган боғнинг икки қаватли қасри томон от суриб кетди.

Фитначиларнинг бошлиғи Муҳаммад Хусайн дуғлат шу қасрда эди. Дарвозанинг томи устида ўлтирган қўриқчилар Бобурга ёйдан ўқ ёғдирдилар. Ўқлардан бири унинг пўлат дубулғасига, яна бири кўкрагидаги зирҳли “чор ойна”га ўралиб қапчиб кетди. Сўнг Бобур камондан отган ўқлар том устидаги соқчилардан бирини ерга қулатди.

Дарвозани қўриқлаб турган отлик мўғул беклари қилич яланғочлаб Бобурга ҳамла қилишди. Улардан бири яқин келиб қилич урганда Бобур ўзини қалқони билан тўсди. Сўнг фитначининг бўйнига шундай қилич урдик, эгардан ерга учириб, юмалатиб юборди. Яна иккинчи, учинчи... бешинчисини отидан қулатди...

Қилич яланғочлаб келаётган ҳар бир душман унга ўлим тимсоли бўлиб кўринарди. Ёвни қилич билан уриб йиқитганда ўзига чанг солаётган ўлимни бартараф қилгандай энгил тортарди.

Бобурнинг ўзи тиф билан ёвларини уриб, йиқитиб келаётганини эшитган Муҳаммад Хусайн дуғлат ҳовлига чиқишга ҳам журъат этолмади. Хотинларнинг кўрпа-тўшак йиғиб қўйиладиган хонасига кириб, бўғжаманинг ичига яширинди.

Меҳр Нигор хоним – Бобурнинг холаси эди. Бултур Қутлуғ Нигор хоним оламдан ўтгандан бери Бобур бу холасини она ўрнида ҳурмат қилиб юрарди. Одамлари ичкариларни ахтариб Муҳаммад Хусайнни топиб чиққунларича Бобур шу холаси олдида фарзанддек таъзим қилиб кўришди.

Тошкентда хон бўлган марҳум Маҳмудхоннинг онаси Шоҳбегим ҳам шу қасрда экан. Бобурга ўғай бўлса ҳам, ҳарқалай, момо ҳисобланган Шоҳбегим тўсатдан пайдо бўлиб, дудуқланиб бирон сўз айта олмади. Бобур унинг ҳам ҳурматини

жойига қўйиб таъзиму тавозе билан сўрашди.

Ичкаридан икки йигит қўлтиғидан маҳкам ушлаб олиб чиққан Муҳаммад Хусайн эса:

— Менда не айб? — деб пешгирлик қилди.

— Сизда айб бўлмаса, нечун мендан қочиб тўшакхонага бекиндингиз? — деб сўради Бобур.

— Қилич яланғочлаб кирганлардан кўрқдим, рост!

— Аммо менинг ўрнимга Мирзохонни подшоҳ кўтарганда худодан кўрқмадингизми? Бир подшоҳга қарши фитна уюштириб, бошқа подшоҳни тахтга чиқариш— давлат тўнтариши эканини билмасмисиз? Бундай хиёнатлар учун энг оғир жазолаб берилиши, танаси пора-пора қилиниб, минг қийноқлар ичида қатл этилиши сизга маълум эмасмиди?!

— Мени... мўғул беклари йўлдан урдилар!.. Кечиринг, амирзодам, кечиринг! — деб Муҳаммад Хусайн хўнграб йиғлай бошлади ва Бобурнинг оёғи остига ўзини ташлади.

Соқолига оқ тушган бу одамнинг ўра-тепадаги уйида Бобур кўп меҳмон бўлган, унинг ўғиллари билан бирга ўсган эди. Айниқса, Муҳаммад Хусайннинг кичик ўғли Ҳайдар Мирзо Бобурга жуда меҳрибон, зеҳни ўткир, етти-саккиз ёшдаёқ китоб ўқиш, шеър айтадиган заковатли бола эди.*

Меҳр Нигор хоним ҳам, Шоҳбегим ҳам Муҳаммад Хусайннинг шу болаларини ўртага солиб, Бобурдан шафоат сўрадилар. Бобур Муҳаммад Хусайнга нафрат билан кўз ташлаб деди:

— Мана шу оналару бегуноҳ болалар ҳурмати, мен сизнинг қонингиздан кечдим... Аммо энди сиз билан орамиз узилди... Кўчингизни олиб, менинг қаламровимдан чиқиб кетинг! Тамом!

Бобур бу ердан отланиб чиққанда фитначи қўшинлар Қобул қўрғонининг атрофларини тарқ этиб, тоғларга қараб чекинмоқда эди. Қамал пайтида қўрғонни аждаҳодай ўраб ётган минглаб мўғул аскарлари энди ўз саркардаларидан ажралиб, боши кесилган илондек талваса

* Кейинчалик Муҳаммад Ҳайдар Мирзо Бобур тарбиясини олиб, улкан адиб бўлиб етишади ва машҳур “Тарихи Рашидий” китобини яратади.

ичида гўё думалаб кетмоқда эди.

Мирзохоннинг кетидан юборилган қувгинчилар уни Қарғабулоқ деган жойдан тутиб олиб, арқда девонхонада ўлтирган Бобурнинг олдига олиб кирдилар. Енгил кийинган Мирзохон совуқда дийдираб кўкариб кетган. Бобурга эгилиб таъзим қилаётганда ерга гурсиллаб йиқилиб тушди. Йигитлар уни ўрнидан турғиздилар. Йиғлаб илтижо қилди:

— Мени афу этинг, ҳазратим! Сиз менинг ягона подшоҳимсиз!

— Аммо ўзингизни ҳам подшоҳ деб эълон қилибдилар-ку?

— Мени алдадилар! “Темурийлардан Кобулда фақат сиз қолгансиз”, дедилар. “Бобур Мирзо қайтиб келгунча элга бош бўлиб туринг”, деб кўндирдилар! Мана, худого шукр, эсон-омон қайтиб келибсиз!

— Бизга пешвоз чиқиб кутиб олиш ўрнига нечун тоққа қараб қочдингиз?

— Хом сут эмган банда, ваҳимага берилибмен! Аммо мен мўғул беку навкарларидан ҳимоя истаб қочганим йўқ. Сизнинг хузурингизга жанг тугагандан сўнг қайтмоқчи эдим!

Бобур учун ҳам Мирзохоннинг мўғул беклари томонга қочиб кетмагани яхшилик аломати эди. Агар Мирзохон улар томонга ўтиб кетганда икки орадаги уруш узоқ давом этиши, яна кўп беҳуда қонлар тўкилиши мумкин эди.

— Мен сизнинг қаҳрамонлигингизга тан бериб тиз чўкурмен, ҳазратим! — деб Мирзохон яна юкунди. — Сизда Соҳибқирон бобокалонимизнинг қиличи борлигини билурмен! Бу қиличга “Куч — адолатдадир” деган муқаддас ёзув битилганини ўзингиз менга айтиб эдингиз. Бугун сиз ана шу қилич билан баҳодирона жанг қилиб ғалабага эришдингиз. Чиндан ҳам, куч адолатда эканига мен энди астойдил иймон келтирдим! Буюринг, токи умрим борича сизга хизмат қилай!

Бобур Мирзохонга ўнг томондан жой кўрсатди.

— Шарбат келтирилсин! — деб буюрди.

Савдарбоши олтин косада келтирган шарбатдан Бобур аввал ўзи ичдию кейин Мирзохонга берди.

— Ҳозир Кобулда темурийлардан фа-

қат иккимиз қолдик, — деди Бобур. — Бу мўғуллар азалдан темурийлар билан олишиб келурлар. Қундузда Шайбонийхоннинг жосуслари ёлғон овозалар тарқатиб, мени атайлаб “ўлди”га чиқарган бўлсалар керак...

— Бу рост! Қундуз ҳокими Қамбарбий Кобулдаги мўғул беклари билан тил бириктирганини мен ҳам сездим.

— Кимлар ўша тил бириктирган беклар?

Мирзохон бир неча мўғул бекларининг номларини айтди.

— Ана шуларни сиз бизга тутиб беришингиз керак! — деди Бобур. — Бўлма-са булар яна пайтини топиб, сиз билан мени Шайбонийхонга сотгайлар!

— Кемага тушганнинг жони — бир, ҳазратим! Мен то ўлгунимча темурийлар кемасида собит тургаймен! Агар ўлимга буюрсангиз ҳам сўз қайтармай борурмен!

Мирзохон девқомат, ёвқур йигит эди, унинг сўзларига Бобурнинг ишонгиси келарди.

— Сизни ўлимга буюрмоқчи эмасмен, Мирзохон, балки ҳамкорликка чақирмоқчимен!..

— Жону таним, бутун борлиғим билан ҳамкорингиз бўлурмен, ҳазратим!

Мирзохон сўзининг устидан чиқиб, Бобур буюрган барча ишларни сидқидил билан адо этадиган бўлди.

Муҳаммад Ҳусайн дуғлат эса кўчкўронини туя ва отларга ортиб жўнаб кетди ва Мурғоб бўйларида Шайбонийхонга бориб қўшилди. Аммо, ўрганган кўнгил — ўртанса қўймас, деганларидек, ўша ерда ҳам фиску фасод ишларга бош қўшгани учун Шайбонийхон томонидан ўлдирилди.

Ўша қиш Бобур кўрсатган мардлик ва довуракликнинг мукофоти шу бўлдики, Хирот чорбоғида учратган гўзал қизни Қосимбек излаб топди. Бобур Кобулда катта тўй қилиб, Моҳим бону исмли бу олов қизга уйланди ва орадан бир йил ўтар-ўтмас ундан ажойиб ўғил кўрди. Бахтли истиқбол орзуси билан бу тўнғич ўғилни Ҳумоюн деб атадилар.

КОМИЛЛИК ТАРИКАТИ

Ҷузъ

(Иккинчи мақола)

Тасаввуфга оид манбаларни мутолаа қилган одам, шубҳасизки, мақом, марҳала, мартаба, манзил, даража каби атамаларга бот-бот дуч келади. Улар инсон зотининг такомиллашуви, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиши, аввалги сифатидан юқорироқ, мукамалроқ сифатга юксалишини англатади. Яъни руҳнинг манзилдан манзилга сафар қилиб (шу боис сўфийлар сайр, сафар сўзларини ҳам кўп қўллаганлар), бир мақом — бекатдан иккинчи мақомга тараққий этиб, марта-

балар сари кўтарилиб бориши, қувватланишини билдиради. Чунончи, тариқатдаги мақомат босқичларини ёдга олинг: тавба, зуҳд (тақво), вараъ (парҳез), фақр, сабр, хавф (қўрқув), ражо (умид), таваккул, ризо. Мурид (солик ҳам дейилади) пир қўлида ана шу руҳий-маънавий босқичларни босиб ўтиши керак. Бу мақомларнинг ҳар бири инсоннинг ўз-ўзи билан жанг қилиши, ўз нафсини енгиш жараёнини ифода этади. Ҳар бир мақом — бир имтиҳон, бир улуғ доводир. Айни вақтда муай-

ян рухий ҳолат ҳам. Бир ҳолатда камол топмаган одам иккинчи ҳолатга ўтолмайди. Агар солиқ эгаллаган даражаси билан қаноатланса, ўша ҳолатда қолиб кетади. Аммо инсоннинг инсонлиги шундаки, у эришган даражаси билан ҳаргиз қаноатланмайди. У билим олиш, ўсиш, улғайшдан чарчамайди; киши нақадар билимли бўлса, маънавияти нақадар юксак бўлса, шу қадар яйрайди, ғалаба уни бакувват қилади, қалбига жасорат, куч бағишлайди. Бунинг учун у риёзат ва ажзга ҳам чидайди, чунки бу ажзу азоб ортида мусоффолашиш, нур билан тўлишиб, хузурланиш борлигини билади. Бу хусусият соф нурдан иборат фариштада ҳам, жисм эҳтиёжи билан яшайдиган ҳайвонда ҳам йўқ. Бу фазилатни Оллоҳ фақат фаришта ва ҳайвон орасидаги мавжудот бўлган инсонга ато этган. Чунки инсон руҳи Раҳмони Раҳимнинг нуридандир (амридандир) ва шу боис бу рух ўз асли — Мутлақ рух олами сари тинимсиз интилади, ҳайвонийликни тарк этмоқ учун курашади. Тариқат йўли, шундай қилиб, тараққиёт йўлидир. Тариқат йўлига кирган солиқ эса бунга ўзини онгли равишда бағишлайди, бу жараёни тезлаштирмоқчи бўлади, ўзлигидан, ўз нафсидан ғолиб келади, янги-янги мақомларга кўтарилаверади, унинг қалбидаги Илоҳга муштоқ илҳом булоқлари кўз очаверади. Шу тариқа, диққат қилсангиз, тариқат мақомлари инсоннинг Илоҳ сари, Мутлақ рух сари, Ҳақ сари таважжуҳи ва сафарининг зиналари — меърождир.

Буюк сўфий шоир Жалолиддин Румийнинг фикрича, фақат солиқлар эмас, одамзотнинг барчаси ҳам узлуксиз тараққий этиши керак. Чунки одам — табиат тараққиётининг натижаси, яъни Парвардигор аввал жонсиз жисмларни яратди, ундан ўсимликлар вужудга келди, ўсимлик тараққий этиб, ҳайвонга айланди, ҳайвон тараққиётдан одам пайдо бўлди:

*Аз жумодий мурдаму нумий шудам,
В-аз нумо мурдам, зи ҳайвон сар задам.
Мурдам аз ҳайвонию одам шудам,
Пас, читарсам, кайзимурдамкамшудам?
Жумлаи дигар бимарам аз башар,
То барорам аз малоик болу пар.
Аз малак ҳам боядам жастан зи жў:
“Кулли шайъин ҳолака ило вужух”.
Бори дигар аз малак паррон шавам,
Он чи он дар ваҳм н-ояд-он шавам,
Пас одам гардам, одам чун арғунун,
Гуядам: “Аъно алайҳа рожеъун”.*

Яъни: жисмликдан кечиб, ўсимлик бўлдим, ўсимликдан кечиб, ҳайвонга дўндим. Ҳайвонликдан кечиб, одам бўлдим. Бас, нега кўрқайин, ахир, баридан кечиб (ўлиб) кам бўлганим йўқу! Энди одамликдан ҳам буткул кечмоқчиман (одам сифатида ўлмоқчиман), токи фаришталардай қанот чиқарайин. Аммо фаришталикдан ҳам сакраб ўтишим керак, (чунки): “Бор мавжудот ҳалокатга юз тутуди” (дейилган Куръонда). Яна бир марта фаришталикдан парвоз этайин, хаёл бовар қилмайдиган не нарсаси бўлса, ўшанга айланайин. Кейин куй каби ғойиб бўлайин йўқлик қаърига, шунда Тангрим десин: “Барчаси ўзимга қайтиб келади”.

Мавлоно Румийнинг бу сатрларида оламнинг айланиши, одам ва табиат, одам ва Илоҳ орасидаги боғлиқлик ва муносабатларнинг буюк бир фалсафаси акс этган. Аввало, “ўлмоқ” сўзи ҳақида. Шоир бу сўз воситасида бир шаклдан иккинчи шаклга, бир сифатдан иккинчи сифатга ўтиш жараёнини баён этади. Яъни жонсиз жисмлар — бир моддий шакл; ўсимлик — иккинчи моддий шакл; ҳайвон — учинчи моддий шакл; инсон — тўртинчи моддий шакл. Аммо булар бир-бири билан вобаста: жонсиз жисмлар бўлмаса, ўсимлик бўлмайди; ўсимлик бўлмаса, ҳайвон йўқ; ҳайвоний шакл юзага келмаса, инсоний шакл ҳам бўлмас эди. Инсон — жамийки мавжудотнинг гултожи, қаймоғи деган фикр шунга асосланади. Инсон-

да ўзигача тараққий этган моддий шакллар — маъданлик, ўсимлик, ҳайвонлик мужассам. Шундай қилиб, инсон — табиий тараққиёт маҳсули.

Журналхоннинг ҳафсаласи пир бўлиб, кўнглида алланечук ғалаён бош кўтарса ажаб эмас: ахир, бу — “маймуншунос” Дарвиннинг таълимоти-ку, динни инкор этувчи материализм-ку?! Наники, Жалолиддин Румийдек авлиё бир зот материализмни тарғиб этган бўлса?

Йўқ, муҳтарам журналхон, Румий материализмни тарғиб этган эмас. Кўнглингиз хотиржам бўлсин. Мавлоно бус-бутун олам тараққиёти ҳақида гапирган, холос. Ул зот тасавурида моддий олам тараққиёти руҳ тараққиётидан айри ҳолда эмас. Бошқача айтганда, маъданлар ёки тўрт унсур — олов, ҳаво, сув, тупроқдан иборат жисмларнинг ўсимликка, ўсимликнинг ҳайвонга, ҳайвоннинг инсонга айланиш жараёни руҳнинг иштироки ва бошқаруви остида содир бўлади. Шу боис руҳнинг ҳам даражалари бор, дейилади. (Бу ҳақда ҳали тўхталамиз.) Руҳнинг энг қуйи даражаси — маъданлар руҳи; сўнгра — ҳайвон руҳи; кейин — инсон руҳи, яъни руҳи нотиқа (гапирувчи руҳ) туради. Демак, руҳ тараққий этгани боис ҳаёт бошланган, ҳаётнинг турли шаклда такомиллашуви эса руҳнинг тобора янги мартабаларга юксалиши (уружи) натижасидир. Мавлоно Румий айнан руҳ тараққиётини назарда тутганлари боис “ўлиш”дан, яъни бир шаклдан иккинчи шаклга ўтишдан кўркмаслик керак, чунки бу “ўлиш”лар руҳни тубанлик сари эмас, аксинча, юксалик сари етаклайди, дея таъкидлаганлар. Оддийликдан — мураккабликка; зоҳирдан — ботинга; саёзликдан — теранликка; кўринган вужуддан — кўринмас, ғайб вужуд моҳиятига қараб бориш — юксалиш жараёни ана шудир.

Руҳ, қадимги файласуфларимиз ва машойихларимиз нуқтаи назарича — бир латиф (ғоят нозик) жавҳар, балки олий бир биологик қувват, амр олами-

дан нузул бўлган Раҳмоний нафас. Тирлик, ҳаёт жисм ва руҳ таносубиятидан ҳосил бўлган. Мия эса ана шу мураккаб тананинг нозик ва мураккаб аъзоси. Инсон Илоҳ яратган энг мураккаб хилқат бўлгани боис янада мураккаблашиш, яъни тараққий этишга мойил, шунга эҳтиёжманд.

Мавлоно Румий назарида, руҳнинг боқийлиги ва фалаклар узра парвози муҳим. Буюк мутафаккирнинг фикрича, инсон фаришта ва ҳайвон орасидаги вужуд бўлса-да, у ўша ҳолида қолиб кетмаслиги керак. У азобдан халос бўлиши, фаришталик мақомига етишиши, ҳатто бундан ҳам юксалиб, илоҳий олам саодатига мушарраф бўлиши мумкин. Мавлоно “Неки моддийдир — ҳалок бўлади” деган ояти каримани зикр этиб ўтар экан, жисмоний ўлимдан кўркмаслик керак, чунки ўлим руҳни халос этади, тараққиёт учун унга яна қанот бағишлайди, дейди. Инсон камолоти, руҳининг парвози поёнсиз. Бу камолот миқёсини ҳатто хаёлга ҳам келтириб бўлмайди.

Шундай қилиб, руҳ тадрижий тараққиётга сабабчи омил экан, унинг ривожланиш чегараси борми? Руҳ билан бирга жисм ҳам тараққий этадими? Нега руҳ аввал пастга қараб тушиб, кейин яна юқорига юксалади? Инсон вужудида руҳ ва жисм бирдан яратиладими ёки бирин-кетинми? Ҳамма одамларнинг руҳи ҳам бирдек такомиллашув қобилиятига эгами, йўқми? Бунга ўхшаш саволлар пайдо бўлиши табиий. Қадимги файласуфларимиз, машойихларимиз ҳам бу масалалар ҳақида бош қотирганлар. Руҳнинг мабдаи (чиқиш жойи), маоди (қайтиши), руҳ манзиллари ва даражалари ҳақида ҳам турлича қарашлар бўлган.

Масалан, XIII асрда яшаб ўтган шайх Азизиддин Насафийнинг фикрига кўра, бу масалада тўрт хил қараш бор. Биринчиси — аҳли калом, яъни шарият аҳлининг қарашлари; иккинчиси — аҳли ҳикмат, яъни файласуфларнинг қарашла-

ри; учинчиси — аҳли ваҳдатнинг биринчи тоифаси, яъни ваҳдатул вужуд таълимоти тарафдорларининг қарашлари; тўртинчиси — аҳли ваҳдатнинг иккинчи тоифаси, яъни ваҳдатул мавжуд тарафдорларининг қарашларидир. Насафий тасаввуф таълимотида шу тўрт тоифанинг қарашлари омухта бир кўринишда ифодаланган деб ҳисоблайди. Шу боис ул зот “Зубдатул ҳақойик” (“Ҳақиқатлар қаймоғи”) рисоласида руҳ даражалари, руҳнинг нузул (тушиш) ва уруж (кўтарилиш) хоссалари ҳақида фикр юритганда шариат, ҳикмат ва ваҳдат аҳли қарашларини ўзаро солиштириб чиқади ва шу асосда тариқат аҳли ниятини ҳам баён этади. Шариат аҳли ҳам, ҳикмат аҳли ҳам, ваҳдат (тасаввуф) аҳли ҳам одам руҳ ва жисмдан иборат эканини, руҳ Парвардигори оламнинг Раҳмоний нури — нафаси эканини тан олади, руҳ муайян даражаларга эга ва шу даражалари билан нузул этади, деб уқтиради. Шундай экан, уларнинг қарашлари нимаси билан фарқ қилади? Фарқ шундаки, шариат аҳли таълимоти бўйича, ҳар бир одамнинг руҳи тақдири азалда белгиланган даража-мартабада туради, шу даражада нузул этади ва қайта кўтарилганда ҳам ўзи нузул этган пайтдаги манзил-мартабагача боради, ундан юқорига кўтарилолмайди.

Ҳикмат аҳли ва сўфийлар таълимоти бўйича эса, одам руҳи тараққий этиб, аввалги манзил-мартабасидан ошиб кетиши мумкин. Бунинг устига, сўфийлар дейдиларким, агар одам Илоҳ сари таважжуҳ этиб, унинг васлига мушарраф бўлса, тириклигидаёқ руҳи жисмидан ажралиб чиқиб, барча оламларни, жаннату дўзахни айланиб келиб, яна жисмига кириши мумкин.

Насафий таснифига биноан, оламлар Парвардигорнинг зот ва сифатларидан иборат бўлиб, сифатлар олами яна жабарут (буюклик), малакут (фаришталар) ва мулк (моддий) олами деб учга бўладилар. Тангри субҳонаҳу таоло оламларни яратган ва жамийки мав-

жудот эса унинг сояси бўлган Воҳиди ваҳдатдир. У илк дафъа руҳи аввал — нафси аввални яратди. Руҳи аввал бир жавҳардир. Оллоҳ шу жавҳарга нигоҳ ташлади, у эрий бошлади ва кўпирди. Унинг қаймоғи — қиёмидан руҳларни, куйқасидан жисмларни яратди. Руҳлар ҳам, жисмлар ҳам даражаларга эга. “Руҳ — жавҳардир, у жисмни ҳаракатга келтиради ва такомиллаштиради”, деб ёзади Азизиддин Насафий. Руҳ табиатга кўра — ўсимлик даражасида; иродага кўра — ҳайвон даражасида; ақлга мувофиқ эса инсон даражасида зухур этади. Кўринадики, Насафий инсон ақлини унинг руҳи билан баробар нарса деб билади, яъни руҳ инсон даражасидаги ақлдир. (Румий ҳам ақлни шу мазмунда таърифлаган.)

Бироқ руҳ даражалари фақат шундан иборат эмас. Насафий шариат, тариқат ва ҳикмат (файласуфлар) аҳлининг нузул ва уруж, руҳ ва жисм ҳақидаги қарашларини қиёслаб чиқар экан, уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини ойдинлаштириб беради. Унингча, ўхшаш жиҳатлар шундан иборатки, шариат аҳли ҳам, ҳикмат аҳли ҳам, сўфийлар ҳам инсон руҳи даражаларини эътироф этадилар. Бу даражалар ўн учтадир (агар руҳи аввал ҳам улар сирасига қўшилса, ўн тўртта бўлади). Улар куйидагилардан иборат: пайғамбари ҳотам руҳи; улулазм пайғамбарлар руҳи; мурсал пайғамбарлар руҳи; қолган набилар руҳи; авлиёлар руҳи; илми маърифат аҳли руҳи; зоҳидлар руҳи; тақво аҳли руҳи; иймонлилар руҳи; қолган одамлар руҳи; ҳайвонлар руҳи; ўсимликлар руҳи; маъданлар ва ашёлар руҳи.

Пайғамбари ҳотам — пайғамбарлар хулосаси деганда Насафий Муҳаммад Мустафони назарда тутган. Парвардигор руҳи аввал — жавҳарнинг қиёмидан (қаймоғидан) илк бор пайғамбаримиз руҳини яратди, кейин унинг қолдиғи — қаймоғидан улулазм, яъни шариат келтирган пайғамбарларни, унинг қолдиғи-қаймоғидан мурсал — рисолат келтир-

ган пайғамбарларни яратди. Шу тариқа руҳларнинг даражалари юқоридан қуйига қараб таърифланган. Насафийда жисмлар шунга мувофиқ 13 даражалидир: арш, курси, 7-осмон, 6-осмон, 5-осмон, 4-осмон, 3-осмон, 2-осмон, 1-осмон, олов, ҳаво, сув, тупроқ. Даражага мувофиқ, арш — пайғамбари хотам руҳи макони; курси — улулазм пайғамбарлар руҳи манзили; 7-осмон — мурсал пайғамбарлар руҳи манзили; 6-осмон — анбиёлар руҳи макони; 5-осмон — авлиёлар руҳи манзили ва ҳоказо шу тартибда қуйига қараб тушилаверади.

Шариат аҳли фикрига кўра, бу даражалар ўзгармасдир. Парвардигор азалдан ҳар бир одамнинг руҳини белгилаб қўйган, бу руҳлар ўша белгиланган манзилдан пастга нузул этади, жисм билан қовушади ва жисм маҳв бўлгач (одам вафот этгач), яна аввалги манзилига йўл олади.

Аммо, таъкидлаш жоизки, Азизиддин Насафий шариат аҳлининг бундай ҳукмини тўлиқ ёқламайди. Шу боис ул зот кўпроқ ҳикмат ва тасаввуф аҳлининг фикрларига ҳусни таважжуҳ билдирган. Чунончи, аллома бундай ёзади: “Инсоннинг вазифаси — узлуксиз маърифатга интилиш ва нур билан тўлишиш ва илм топиб, мусаффолик сари талпинишдир”. Яна бошқа ўринда бундай дейди: “Одам нақадар маърифатли ва покиза бўлса, унинг жаннатдаги жойи ҳам шу қадар юксак бўлади”.

Азизиддин Насафий нузул ва уруж ҳақида мулоҳаза юритар экан, тараққиёт доираси масаласини ҳам қиёсий-назарий таҳлилдан ўтказади. Ул зот ҳам руҳнинг чиқиш (мабдаъ) ва қайтиш (маод) нуқталари борлигини таъкидлайди. Руҳ олами кубро — илоҳ оламидан чиқиб пастга нузул этади ва инсон танасига келиб жойлашади. Кейин шу нуқтадан яна юқорига қараб қайтиш бошланади. Аммо бу қайтиш қандай содир бўлади, руҳда сифат ўзгариши бўладими, йўқми, юксалиш — такомиллашув юз берадими ёки тубанлашиш-

ми? “Зубдатул ҳақойиқ” рисоласида таъкидланишича, инсон руҳнинг жавҳарини, “улуғ оламнинг аввалу охири, зоҳиру ботини, моҳият ва шаклларини идрок этиш учун” биринчи галда ўзининг моҳиятини англаб етиши керак. Демак, такомилнинг боши ҳам ўзни англашдир. Нузул этган руҳ одам орқали яна уруж қилиб Аслига қайтади ва шу тариқа бу жараён доира шаклини олади.

Тараққиёт бир доира ичидагина содир бўлади, холос: “Ҳар бир кишининг олдиндан белгиланган мақоми бор ва у белгиланган мақомга етишгач, унинг доираси якун топади, доира якун топгач эса, бошқа ривожланиш бўлмайди”. Шариат аҳлининг фикри ана шундай.

Шариат аҳли яна, руҳ — алоҳида, жисм — алоҳидадир, деб таъкидлайди. Инсон вужудига руҳ ташқаридан (юқори олам манзилларидан) келиб қиради, она қорнидаги ҳомила аниқ шакл касб этганидан кейин руҳ унга нузул этади.

Аммо ҳикмат ва ваҳдат аҳлининг таълимотига кўра, руҳ ва жисм алоҳида-алоҳида воқе эмас, балки инсон вужудининг барча белги ва сифат-хислатлари нутфа — уруғда пинҳондир. Ҳомилада жон ва руҳ бирга ўсиб, инсон қиёфасига қиради, инсон туғилганидан сўнг улар биргаликда равшанлашади. Насафий ўша нутфанинг ҳомиладаги тараққиётини хийла тафсилоти билан тушунтирган. Ул зот шу тариқа инсон фарзандининг она қорнидаёқ бир талай ҳолат — босқичлар, хусусан, оддий жисмдан — ўсимлик ҳолатига; ўсимликдан — ҳайвонлик ҳолатига; ҳайвонликдан — инсонлик ҳолатига ўсиб боришини исботлайди. Она ҳомиласида, балки ота уруғида инсоннинг кейинги тараққиётига асос бўладиган жамийки зарур имкониятлар бор, дейди Насафий. Зотан, ул зотнинг уқтиришича, олами кубро ва олами суғро (катта олам ва кичик олам) таълимоти шуни тақозо этади. Негаки, кичик олам — инсон. Инсон катта оламнинг кичрайтирилган

нухаси, катта оламнинг хусусиятлари унинг яна ҳам кичрайтирилган нухаси — нутфада мавжуд. Бу таълимотдан келиб чиқадиган хулоса шуки, биринчидан, Одам — илоҳий оламнинг ажралмас қисми, илоҳий оламдаги илм ва ҳикмат унда бор. Инсонни илоҳ олами билан боғлайдиган жавҳар — руҳдир. Агар илоҳ оламини билмоқчи бўлсангиз, инсонни, яъни ўзингизни ўрганинг, ўзингизни танинг. Инсоннинг қалби, руҳи, кўнглини билиш, кашф этиш воситасида Парвардигорнинг исмларию сифатлари, мўъжиза-кароматлари, илму ҳикмати ва ҳатто зотини ҳам кашф этиш мумкин. Демак, Худони англаш, таниш инсонни англаш ва таниш орқали кечади. “Кимки ўзини таниса, Раббини танийди” деган ҳадиснинг маъноси ана шу. Азизиддин Насафий, Абуҳомид Ғаззолий, Жалолиддин Румий бу ҳадисни мудом зикр этганлар.

Аммо ўзликни англаш, ўзини таниш сари руҳ ва қалбни поклаш, ақлу шуурни тоблаш, тақво ва тавба йўли орқали борилади. Фақат шу тариқа руҳ Аслига қайтади, яъни покланиб, уруж этади. Зотан, инсон руҳи илоҳий оламдан нузул этиб, инсонга келиб тўхтар экан, шу нуқтадан яна юқорига қайтиш учун кураш бошланади. Руҳ жисм билан олишиб, охири уни тарк этади ва ўз мақомига қайтади.

Бу мулоҳазалар шунга ҳидоят этадики, инсон ўз камолотида чексиз имкониятга эга. Ва ҳар бир кишининг камолоти унинг ўзига боғлиқ. Аммо бу фикрлардан Азизиддин Насафий ёки ул зотнинг маслакдошлари бўлган буюк сўфийлар, файласуфлар тақдири азални тан олмаган экан-да, деган хулоса чиқармаслик керак. Насафий мазкур рисоласида бу масала хусусидаги фикрини ҳам баён этган. Ул зот тақдири азални тан олган. Аммо бу масалани шариат аҳли каби тор ва схоластик маънода эмас, балки файласуф сифатида хийла теран англаб таҳлил этган. Шайхнинг талқинига кўра, тақдир билан

бирга тадбир ҳам бор. Тақдир — Худодан, тадбир — инсондан. Худо тақдирни белгилаб қўйган бўлса-да, бироқ инсонга ривожланиш, илм-маърифат эгаси бўлиш имконини ҳам берган. Агар шундай бўлмаса эди, Худони таниш ва севиш ҳам иложсиз бўларди.

Шундай қилиб, руҳ тараққиёти бир доира ичида содир бўладиган ҳодиса эмас. Балки ҳар бир доирадан кейин янгиси бошланади ва “ҳар бир янги доирадан бошлаб янги ибтидо бошланади ва у ўз такомилига эришиш учун даражама-даража интилади” (Насафий талқини).

Маълум бўладики, уружнинг охири йўқ, чунки Парвардигорнинг илму ҳикмати чегарасиздир. “Агар қобилиятли одамнинг умри минг йил бўлса ва минг йил умрнинг барчасини тақво ва тоатда ўтказса, у ҳар куни илгари билмаган бирон нарчасини билиб олади”, дейди Насафий.

Азизиддин Насафий қарашларининг яна бир жиҳати диққатни тортади: ул зотнинг фикрига кўра, фақат руҳ такомиллашув хислатига эга бўлиб қолмай, балки руҳ ва жисм бирга тараққий этади, мукаммаллашади. Алломанинг салафлари ва замондошлари Ибн Арабий, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Ибн Сино асосан руҳ тараққиёти ҳақида гапирганлар. Насафий эса бундай ёзади: “Жисм ҳам, руҳ ҳам бирга ривожланади ҳамда комилликка эришгунча, зинапоялардан бирга кўтарилиб бораверади ва даражаларни эгаллайди”. Руҳ — жавҳар, Жавҳари Зотнинг бўлаги, у жисмни ҳаракатга келтиради ва такомиллаштиради ҳамда ўзи у билан бирга такомиллашади. Жонсиз моддаларнинг ажабтовур тарзда жонли шаклларга кириши, ҳаёт, тириклик оламининг вужудга келиши, унинг беҳисоб кўринишлари — буларнинг барчаси руҳ мўъжизаси, унинг қуввати ва қудратининг намойишхонасидир.

Минг йиллар муқаддам идрок этил-

ган бундай тадрижий ривожланиш назарияси, бир томондан, одам фарзанди билан оламнинг, одам билан муқаддас Мутлақ руҳнинг ўзаро вобасталиги, Мутлақ руҳнинг бирламчи асос эканини англатса, иккинчи томондан, буюк оламнинг кичик нусхаси бўлмиш одамнинг ривожланиш диалектикасини ҳам англатиб туради. Бошқача қилиб айтганда, одам ривожланиб онадан — табиатдан ажралиб чиқади (Румий айтганидек, табиат сифатида “ўлади”) ва жамият барпо этади. Кейин у жамиятга ҳам сифмай, ундан ажралиб чиқмоқчи бўлади. Сўфийларнинг жидду жаҳди ана шу ҳақдадир.

Алишер Навоийнинг мана бу сатрларига шу нуқтаи назардан эътибор беринг:

*Чиқиб бу дайрдин Исоға невчун
хамнафас бўлмай,
Бихамдиллаҳ, тажарруд бирла
хикматдан қанотим бор.*

Яъни шоир дейдики, моддий дунёдан соф руҳ шаклида осмонга парвоз этган Исоға хамнафас бўлмоқчиман, чунки менда ҳам жисмдан халос бўлган соф руҳ химматидан қанот бор. Инсоннинг беҳудуд орзуси шудир: аввало ўз ўзидан қаноатланмайди; табиатдан, жамиятдангина эмас, ўзидан ҳам ўсиб чиқмоқчи, халос бўлмоқчи бўлади. Янада юксакроқ, янада мукамалроқ муҳитни истадики, унда файз ва нурга фарқ, янги сифатларга (ахлоқи ҳамидага) эга киши бўлсин. Бу — инсоннинг эзгулик олами сари тинимсиз интилиши. Инсон агар маънавий камолот йўлига кирган бўлса, чин одамийлик жавҳари ичида уйғонса, ўзидан, ўз борлигидан қаноатланмайди, у қалбан Мутлақ хуррият, Мутлақ адолат, Мутлақ ҳақиқат, Мутлақ камол, Мутлақ жамол ва Мутлақ покликни кўмсайди ва ана шу эзгуликлар соҳиби Парвардигор ишқи шавқида ёнади. Зеро, инсон бу моддий ҳаётда ўзи истаган Мутлақ эзгуликка эриша олмай-


ди. Чунки ҳаётдаги жамийки мавжудот каби адолат, хуррият, жамолу камол ҳам нисбийдир.

Тасаввуф эса ана шу Мутлақ эзгуликни шу ҳаётдан топишга ва уни идрок этишга даъват қилади. Сўфийлар таълимотига биноан, инсон бу эҳтиёжни қондириш ва руҳни яйратиш учун муайян риёзат мақомларини босиб ўтиши лозим. Агар буни қоғозда акс эттирадиган бўлсак, куйидаги силсила - жадвал ҳосил бўлади.

Демак, Мутлақ эзгулик олами — илохий оламга мушарраф бўлмоқни истаган киши ерда — ҳаётда эзгу амаллар қилиши, эзгу хулқ эгаси бўлиши лозим. Ана шундай одамлар, гарчи ўзларини вали деб атамасалар-да, аслида валидирлар. Парвардигор бундай зотларни инсоният оламига юбориб туради. Жалолиддин Румий “Фиҳий мо фиҳий” (“Биздандирки, биздандир”) асарида бундай дейди: “Ажаб эмаски, Ҳақ таоло орамиздаги бир жинсдан иборат бўлган баъзиларимизни мумтоз этса, токи биз унга нисбатан жонсиз жисмдай бўлиб, у (руҳдай) бизнинг ичимизга кирса ва биз ундан беҳабар бўлсак, у эса бизни билиб турса”.

Мана шундай: авлиёлар, гўё тоза руҳлардай, кўнгилни манзил этиб, илоҳ оламининг асрорини унга (кўнгилга) етказиб туради. Мавлоно Румий авлиёларни руҳ, қолган одамларни унга нисбатда жонсиз моддага қиёслар экан, маъдандан — ўсимликка, ўсимликдан — ҳайвонга ва ҳайвондан инсонга қараб ривожланиш тизимини кўзда тутди. Яъни ул зот инсоннинг ўзи оддий инсонликдан юксакроқ, мукамалроқ инсонликни ривожлантириши керак, у фариштадан ҳам ўзиб кетиб, Илоҳнинг ўзига етишиши мумкин, деган ғояни илгари суради. Аммо уни амалга ошириш ғоят мушкул, балки у — амалга ошмас бир орзу. Бироқ ана шу орзуга интилиш керак:

ИРФОН: УРУЖ ВА НУЗУЛ



Ди шайх ба чароғ ҳамегашт гирди шаҳр,
К-аз девудад малуламу инсонам орзуст.
Гуфтанд: ёфт нест, баса жустем мо.

Гуфто: онки ёфт набошад — онам орзуст!

Яъни: шайх кеча қўлида чироқ тутганча шаҳар айланар эди ва бундай дерди: дев билан даррандалардан тўйдим, Инсонни кўриш орзусидаман. Дедилар: биз ҳам уни кўп изладик, аммо у топилмади. Дедики: ўша топилмаганини излайман, менинг орзуим — ўша.

Ҳа, инсоннинг қалби нозиклашга-

ни, ақлу шуури тўлишгани сари у янада комилроқ бўлишни, янада баркамол зотларни кўришни орзу қиладди, баркамоллик истаб, улуғ олам — Илоҳ сари талпинаверади. Асрларки шундай бўлиб келган ва бундан кейин ҳам руҳимиз буюк Идеалга қараб юксалаверади. Бу эса инсонийлик мазмунига мазмун кўшади, инсонни янада шарафли ва янада қудратли зотга айлантираверади.

Тасаввуф таълимотининг ҳидояти ана шу.

Сени осмонимдан кеткизмайман, Ой!

Сенга бармоғимни теккизмайман, Ой,
Сенга нафасимни еткизмайман, Гул.
Лекин осмонимдан кеткизмайман, Ой,
Исмингни бировга айткизмайман, Гул.

Ўзинг табибимсан, ўзинг — шифойим,
Озригим ўзингсан, ўзга дардим йўқ.
Ўзинг гуноҳимсан, ўзинг — жазойим,
Фақат журъатим йўқ, фақат ҳалдим йўқ.

Сени ҳамма яхши кўрадим, Ой,
Тегрангда айланиб юрадим, Гул?
Термулиб, хўрсиниб турадим, Ой,
Сенга шаккар элаб берадим, Гул?

Ой, фалак тоқида ягона гулсан,
Гул, ерга сайр учун тушган ойдирсан.
Ой, кўлим синмасми бандингдан юлсам,
Гул, кўзим оқмасми сени қайирсам?..

Айланиб, бўззимни кесмайсанми, Ой,
Қонимдан, аршгача ўсмайсанми, Гул?
Тош бўлиб, қабримни босмайсанми, Ой,
Гул, мендан илгари тўзмайсанми, Гул?

Сенга лабларимни теккизмайман, Ой,
Сенга зиёнимни еткизмайман, Гул.
Бироқ осмонимдан кеткизмайман, Ой,
Исмингни ҳеч кимга айткизмайман, Гул.

Сенга...

ХАЗОН

Хазон сокин қуйиларди — кеч куз эди,
Кўнглим куздан абгор эди — муз-муз эди.


Нигоҳимдан дийдираган ҳашоратлар
Кечагина парпираган юлдуз эди.

*Остонадан оёқ узиб чиқиб кетдим,
У остона эмас, балки илдиэ эди.*

*Афсун теккан каби барча яқинларим,
Қанча яқин борсам, шунча олис эди.*

*Бутун дунё қарши эди менга, руҳим —
Қилич каби яланғоч ва ёлғиз эди.*

*Заҳар ичиб, сўнг пушаймон бўлган мисол,
Бу оламдан кўнглим тўла афсус эди.*



БИРДАН БИР...

*Бирдан бир ўйноқи, шаффоф руҳ елди,
Шаққар совурилди бебош шамолда.
Биринчи қор каби биринчи севги
Фақат осмондадир, фақат хаёлда.*

*Ерда кўз ёшим ё сувми энди?
Билмадим, лекин қор эмас, ҳар ҳолда...
Биринчи қор каби биринчи севги
Фақат осмондадир, фақат хаёлда.*

*Қадим қонунларни бўлмайдди енгиб,
Ким уни асраган, ким — тутиб қолган.
Биринчи қор каби биринчи севги
Фақат осмондадир, фақат хаёлда.*

*Менинг сочларимга битсайди сезги,
Агар тил бўлсайди ҳарир рўмолда.
Биринчи қор каби биринчи севги
Фақат осмондадир, фақат хаёлда.*

*Дарвоқе, бу ерга не учун келдим?
На савол, на жавоб бор бу аёлга.
Биринчи қор каби биринчи севги
Фақат осмондадир, фақат хаёлда.*

*Кўзларимда порлаган шаъм алдамчидир,
Юэларимга ёйилган нам алдамчидир.
Сувратхона деворида йиллаб турган
Суврат каби бу қиёфам алдамчидир.*

*Дўсту ёрдан сўйла, айтма ғанимдан,
Тўфонни кўй, дегил хушбўй насимдан.
Сўзимиз май, чолғу, висолдан келсин,
Мен ҳам сўзлаб берай кўрмаганимдан.*

Тубанлаб-тубанлаб фалакка кетсам,
 Ҳеч ким тикилмаган тилакка кетсам.
 Мен ёлғиз бўлсам-у, у танҳо бўлса,
 Юрагимни қучиб юракка кетсам.

Биз талпинган туйнук — олис Зухал эди,
 Юлдузларнинг нафаси ҳам асал эди.
 Гўзалмидинг, йўқми — ҳозир эслолмайман,
 Лекин ўша севги беҳад гўзал эди.

Дераза пардаси елкандай шишди,
 Яна сени ўйлаб кўнглим увишди.
 Сени олиб кетди қайси дарёлар?
 Ҳамроҳинг бўлдилар қандай саболар?

Хонамга настарин бўйи бўйлади,
 Сочлари райҳоним, сени ўйладим.
 Билмадим, бошингдан кетдими хатар,
 Соябон бўлдийкин сенга не кафтлар?

Каптарлар бир-бирин суйиб, ўпишди.
 Хаёлим қуш бўлиб сен томон учди.
 Сен нечун кетдинг, мен нечун кетказдим?
 Қанотимга ўзим шикаст етказдим.

Дераза раҳига бошимни кўйиб
 Ўйладим, ёмғирсиз ўтдими тўйинг?
 Йиғламадим, фақат хўрсиндим, холос,
 Боладек жимгина ўксиндим, холос.

Кузни белгиламас биттагина қуш,
 Қайғурманг, бир дона япроқ сарғайса.
 Ҳали боғингизда куртак отар ниш,
 Ернинг ҳовуридек чайқалар майса.

Тасодиф деб билинг, ранжитган бўлсам,
 Пайқамасдан янги кўйлагингизни.
 Эҳтимол, хаёлга чўмганман бир дам
 Соғиниб баҳорий бўйларингизни.

Эсингизда борми...
 Ҳеч ким йўқ эди,
 Ҳеч нарса йўқ эди севгидан бўлак.
 Қорнимиз муҳаббат билан тўқ эди,
 Ишқимиз — бошпана, ишқимиз — кўйлак.

Тўпидан эртароқ учар тентак қуш,
 Эртароқ сарғаяр энг заиф япроқ.
 Фожиа эмасдир ёлғиз хўрсиниш,
 Ишқ шаъмин ўчирмас ҳолсизгина оҳ.

Аммо эслайсизми...

Қўқон шамоли
 Сочингизни ҳамроҳ айлаган пайти
 Қўлингизни икки кафтимга олиб,
 Илк бор исмингизни бошқача айтдим.

Эслолмайсиз!

Майли, куйинманг зинҳор.
 Жавдираб осмонга, боғларга боқманг.
 Ёдимда, ўшанда бошланган баҳор
 Битта сўз, битта қуш, битта япроқдан...

Самога сочилди мовий учқунлар,
 Бармогинг теккизсанг, тилади ҳилол.
 Севги иси келган бу соғлом тунда
 Ҳамма нарса тоза, барчаси ҳолол.

Тонггача яшайлик ҳеч бир ниятсиз,
 Бемақсад кезайлик иккимиз бирга.
 Бир кеча бузмайлик самимиятни,
 Гапирма, тонггача сен ҳам гапирма...

Қош-кўзингиз келишгандир, кироидир,
 Хаёлларнинг масканидир қирмиз дулоқ.
 Нима дейин, бўй-бастингиз чиройлидир...
 Юрагингиз ўзингиздан чиройлироқ.

Мўйчинақдир қошингизда ризқин терган,
 Упа-элик ёнингизда мудом ҳамроҳ.
 Нима дейин, бу хусни худо берган,
 Юрагингиз ўзингиздан чиройлироқ.

Саруполар ўзгаради байрам пайти,
 Эгингиздан сирғалади ўчса чироқ.
 Нима дейин, у либоссиз яшолмайди,
 Юрагингиз ўзингиздан чиройлироқ.

Унинг гапи битта, сизда турли оҳанг,
 Афсус, уни мумкин эмас қучиб-ўпмоқ.
 Нима дейин, менинг кўзим билан қаранг:
 Юрагингиз ўзингиздан чиройлироқ!

АДАБИЁТ ЎЛАДИМИ?

1

Кейинги вақтда матбуотда ҳам, радио ва теледастурларда ҳам бу машъум савол кулоққа чалинаётир. Нафақат ўзимизда, балки Россия ва собиқ социалистик мамлакатларда — Чехия, Словакия, Польша, Мажористонда ҳам шундай гаплар бор: биз буни ҳар хил сўхбат-интервьюлардан ўқиб турибмиз. Қолаверса, бу мишмиш Фарбнинг энг ривожланган мамлакатларида ҳам йўқ эмас.

Яқинда “Культура” газетасида русларнинг энг истеъодли адабларидан бири Василий Аксёновнинг Вена шаҳрида ўтган алломалар йиғинида сўзлаган нутқини

ўқиб қолдим. Брежнев даврида СССРдан бадарға этилган, бугунги кунда Америкада истиқомат қилаётган бу сермахсул адиб хуноб бўлиб: “Америкада ҳукм сураётган бозор иқтисодиёти нафис адабиётнинг илдизига болта ураётир. Унинг ўрнини “кўча адабиёти” — фаҳш, найранг-бозлик, олди-қочди “адабиёти” эгаллаб олаётир...” дейди. Ва бу ҳолнинг сабаби — “ўзимизда юз бераётган воқеаларнинг замирида ётган пул-бизнеснинг талаб-эҳтиёжидир”, дея хулоса қилади.

Шу билан бирга, у эътироф этадики, ўша Американинг ўзида ўқтин-ўқтин бадий баркамол асарлар ҳам яратилиб,

Бундан ўн йилча бурун, демак, талай жумҳуриятларнинг собиқ Иттифок таркибидан ажралиб чиқиши аниқ бўлиб турган, ҳатто мухториятларда ҳам галогул кўпган, ҳамма нарса ўз номи билан аталиб, асл қадриятлар юзага балқиб чиқаётган ва жамиятнинг устивор устунларига-да танқидий кўз билан қараш авж олган, ит эгасига боқмай кўйган “асов галаён”лар замонида кўпларнинг кўзига адабиёт кўринмай қолди; бундай вақтларда “қиёмат қойим” яқинлигидан башорат қилувчилар ҳам пайдо бўлганидек (тарихда бундай башоратлар авж олган даврлар кўп бўлган), оммавий олатасирда кўздан йироқлашган адабиётни ҳам “ўлди”га ёхуд “ўнганмайдиған касал”га чиқарганларнинг-да овози эшитила бошлади.

Камина ўшанда “Адабиёт ўладими?” деган мақола ёзиб, уни Ёзувчилар уюшмаси наср кенгашида ўқиб ҳам берган эдим. Табиийки, мен ҳам ўша даврдаги “янгилашиш” жараёнини ҳисобга олароқ ва боқий қадриятларга суянган ҳолда мулоҳаза юритган эдим; уларни кенгаш аъзолари маъқул топган ва шундан сўнг “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” ҳафталигида унинг бир бўлаги чоп этилган, ўқиганлардан ҳар хил (бирларидан кинояли, бирларидан самимий) фикр эшитган эдим.

Йиллар ўтди. Яқинда бир дўстим ҳақида хотира ёзиш баҳонасида бисотимни кавлаб ўтирсам, ўша маъруза-мақоланинг сарғайиб кетган нусхаси чиқиб қолди. Уқисам, бўлгудек...

“Тафаккур” фикрлар мажалласи бўлгани учун унга тавсия этдим. Балки бугунги ўқувчиларга ҳам “бир нарса” берар, ҳеч курса, ўша суронли даврларни эслатар...

Муаллиф

кўп қийинчиликлар билан бўлса-да чоп этилаётган экан. Ундай асарларнинг битта-яримтаси билан яқин-яқингача танишиш имконига эга эдик, ҳозир, орадаги узилишлар туфайли, бу имкониятдан маҳрум бўлдик. Хуллас, ҳаёт тарзининг асосини "бозор иқтисодиёти" ташкил этадиган мамлакатларда асл Адабиёт ҳам яратилаётган экан.

Ўзимизда — бу "бозор" сари илдам кириб бораётган жамиятимизда эса ўшандай асарлар яратилмаётгани кундек равшан.

2

Хўш, бизда нечун энди Адабиётга ҳалигидай бефарқ ва беписанд қараш пайдо бўлди? Айни чоғда ёзувчининг мавқеи нафақат пасайди, балки у жамиятнинг энг ночор табақасига айланаётми?

Қизиқ, куни кеча, яқиндагина ўзбек ёзувчилари миллий мустақиллик, давлат тили, моддий бойликларнинг ўз тасарруфимизда бўлиши учун курашда байроқдор эдилар-ку? Илло, раҳбарлар улар билан ҳисоблашар ҳам эди? Бугун эса ўз ҳолимизга ташлаб кўйишди: ўзинг учун ўл, етим.


Шу ўринда бир ажиб ўхшашликни эслайсан киши: ўтган истибдод тузуми даврида (унинг бошидан адоғигача) қайсики ёзувчи-адиб-зиёли ҳокимиятни мустақамлашга бевоситами, бавоситами ёрдам қилган бўлса, ҳокимият уни улуғларди: кўксига нишонлар тақиб, имтиёзлар бериб, элу халқ олдида мавқеини кўтариб, бағрига оларди. Ва кейин...

...айримларидан воз кечар, қувғин қилар, йўқотар эди ҳам.

Тарихда ҳам шундай бўлган-а? Дейлик, ўзимизнинг хонларимиз замонида ҳам "Сарой шоирлари" деб аталмиш ижодкорлар ҳар жиҳатдан ҳурмату рағбатда бўлганлар. Саройга... сал-пал ғайрлик ила қараганлар эса бадарға қилинганлар ёки ўзлари саройни ташлаб кетганлар. Ва саройдан йироқларда — гурбатда, йўқсилликда вафот этганлар. Оддий бир мисол: Турди Фароғий даврининг энг эътиборли шоирларидан бири бўлган.

Хон бир фармон чиқаради. Унга кўра

етти йиллик "барот" солиғини бир йилда тўлаш талаб этилади. Фароғий бунга қаршилик қилади — бефойда! У хон саройини тарк этади ва, тасаввур этинг, йигирма йил мобайнида хонга қарши курашувчилар сафида бўлади. Ушбу сатрларни ҳам ўша шоир айтган-да:



*Тор кўнгиллик беклар, ман-ман
деманг, кенглик қилинг,
Тўқсон икки бовли ўзбек юртидир —
тенглик қилинг...*

Биз энди ўтган баъзи хонларимизни ҳам улуғлашга тушиб кетдик! Бироқ ўтмишда барча ҳокиму ҳокимият вакилига хос бўлган ҳалиги сифатни — халқнинг ичидан чиққан энг иймонли ва виждонли (баъзилари ҳатто энг иймонсиз ва виждонсиз) адибу шоирларни бағрига тортгани баайни қонуният эканини ҳам унутмаслигимиз керак.

Дарвоқе, ўзимизга қарайлик: мана, мустақилликка эришдик! Мана, ўз ихтиёримиз билан, тасаввур этингки, ўзбеклик тарихимиз давомида илк бор юрт эгасини — Президентни сайладик!

Бу — халқимизнинг зўр умиду ишонч билан мустақил тараққиёт йўлига чиқиб олганининг, келажаги буюк давлат куришга азму қарор қилганининг далолати эди. Аммо ўшандан сал олдинроқ, ёвузлик тимсоли бўлган улкан салтанат ҳалокат сари бораётган даврдаги ижтимоий кайфият қандай эди? "Адабиёт ўладими?" деган муаммо ана шу кайфиятнинг ифодаси ўлароқ юзага келмаганмиди?

3

Ёзувчининг эл-юрт назаридаги обрўйи ҳам тушиб кетаётгани аёндирик, бунинг сабаби нимада?

Менинг фикримча, илк сабабларидан бири ўзимизда: “Ҳақиқатни айтиш керак! Демократия замони!” дея ҳовлиқиб кетиб, энг мўтабар адибларимиз, шоир ва шoirларимизнинг ҳам — беайб Парвардигор! — мустабид тузум тазйиқи, ўлим хавфи остида қилиб кўйган айрим “гуноҳ”ларини кавлаб топиб, матбуотда (демократик матбуотимизда!) эълон қилишлар бўлди.

Онангни отангга пардозсиз кўрсатма, дейдилар. Онамиз, бувимиз қатори мўтабар шоира ҳақида тўқилган асоссиз гийбатларни ҳам эълон қилдик. Оқибатда уларнинг обрўйига путур етди, ўзлари оғир изтиробга тушдилар. Ёзувчи-мухбирларимиз эса: “Ҳақиқатни очдим!” деб кўкракларига уриб юрдилар ва ҳамон маъқул иш қилдим, деб ўйламоқдалар. Бу “иш”ларининг натижаси шу бўлдики, эл-юртнинг айрим қатлами орасида кўпгина ёши улуғ адибларнинг ҳурмати пасайди, оғзига кучи етмаганлар: “Э, булар ҳам шунақа экан-да!” деб кўлларини бигиз қилиб кўрсатадиган бўлдилар.

Шу ўринда мен русларнинг ҳаммиша буюк бўлиб қоладиган донишманд шоири Пушкиннинг бир муносабат ила қилган ҳаракатини эслашни истар эдим: инглиз шоири Байроннинг юздан зиёд хати бир-икки корчалон ноширларнинг кўлига тушиб қолади. Хатларнинг аксарияти оқсоқ лорднинг севгилисига ёзган махфий мактублари экан. Бундан хабар топган Пушкин оёқ тираб туриб олади: “Босиб чиқармаслик керак. Ахир, бизга Байрон шоир сифатида азиз! У — шоирдир! Унинг инсоний ожизликларини ошкор этиш нега керак?!” Шу тариқа мактублар босилмайди. Байронга кўлини бигиз қилгувчиларнинг ҳам тили тушовланади. Бу одобни қаранг, рус шоири инглиз шоирининг шаъни учун курашибди!

Рост, бугунги кунда Фарб мамлакатлари ёки Америкада кино юлдузларию Президентдан тортиб машҳур ёзувчиларнинг шахсий ҳаётига — барчасини чигирикдан ўтказиб ёзиш кундалик ҳол! Улардан қай бирининг қандай ўйнаши ё ўйнашлари бор ёки бўлган (хусусан, актрисаларнинг), қайси бири гиёҳвандлик қилган ёки гиёҳвандлик қилади, қай бири пиё-

нисталик этган — бари ўқувчига маълум бўлиб туради. Бироқ у ердаги ўқувчининг биздаги ўқувчидан фарқи шундаки, у: “Нима қипти, уям — одам!” деб кўя қолади ва уларнинг санъатидан баҳра топаверади! У — тарбия топган, чин маънода демократ ўқувчидир!

Биз, Шарқ халқлари, ў-ў, бошқачамиз: ичкари уйда ўз онамиз нима қилади, онамиз нима иш қилади — билатуриб, кўчада бировнинг жигарлари ўша “иш”нинг юздан бирини қилсин ё қилган бўлсин-чи, ногора қилиб чаламиз! Қандай риёкорлик! Лекин бу ҳолга ҳам “на чора?” дейишдан ўзга илож йўқ. Балки бу ҳолни оқловчи, буни “фазилат” дегувчи мухбирлар ҳам топилар? Топилади!

Мен бу ўринда Зулфия опа, Абдулла Қаҳҳор, Ойбек ва бошқа адибларимиз ҳақида, аниқроғи, уларнинг инсон сифатидаги айрим фазилатлари тўғрисида сўзламоқчи эдим. Аммо юқоридаги гаплар ҳам кифоё қилади, деб ўйлайман.

Рост, Қаҳҳорнинг ҳам, Комил Яшиннинг ҳам, Уйғун ёки Мирмуҳсиннинг ҳам адвокати эмасман! (Агар масалага “фойдалилик” нуқтаи назаридан қарасак, менга зигирча наф теғмайди, ақинча...) Бироқ буларга ҳам эҳтирос мезонлари билан эмас, ақл мезонлари билан баҳо бермоқ керак, деб ҳисоблайман.

Шу ўринда тагин бир гап: ҳаётда ҳамма нарсани кечириш мумкин, фақат... хиёнатни кечириш мумкин эмас. Аммо ўлим хавфи — ойболта остида турганингизда энг яқин дўстингизга ҳам хиёнат қилиш мумкин эканини, тўғрироғи, хиёнат қилишга мажбур этишларини хусусан Солженицин исботлаб берди. Ахир, кеча қулаган тузум каби истибдод тузуми оламда бўлмаган! Ахир, у одамзоднинг иродасини букиш, руҳини синдиришга қаратилган эди!

Биз Абдулла Қодирийнинг суддаги нутқини биламиз: “Марксизмдан таълим олганман”, дейди устоз адиб. Усмон Носирнинг Сталинга ёлвориб ёзган хатини ҳам ўқидик. Фитратнинг атеистик мавзудаги “Қиёмат” пьесаси ҳам адиб учун таъна-дашномлар келтиради. Энди бир савол туғилади: бири шундай нутқ ирод қилган экан, бири бундай мактуб битган экан, бу ҳол уларнинг ақидасини акс эт-

тирадимиз? Албатта, йўқ! Бу ҳол — озод бўлиш учун шунчаки интилишлар натижа-сидир.

Во ажаб! Домла Шайхзода қамоқдан озод бўлиб келгач, биринчи қилган иши нима бўлди? Ўзини қаматганларни кечир-иш бўлди. Ўйлайманки, Усмон Носир билан Абдулла Қодирий ҳам омон қайт-ганларида, хоинларни авф этар эдилар. Илло, улар ўч олиш, таҳқирлаш каби “қано-ат”дан баланд турар эдилар! Такрор ай-таман: мен анавиларнинг ҳам адвокати эмасман — улар улуғларга нисбатан жуда-жуда ожиз эканига юз фоиз ишонаман. Мен фақат шахсий нуқсонлари, ҳатто “ке-чирилмас қусурлари”га қараб ҳам ёзув-чига баҳо бериб, яъни уни сондан чиқар-иб кўйилишини ҳазм қила олмайман. Бундай дейишимнинг яна бир сабаби шундаки, юқорида номлари тутилган адибларнинг ижодлари ҳам бугунги кун-да “чиқитга чиққан”дай туюлаётир! Шунис-и кишига алам қилади.

4

Энди уларнинг асарларидаги айрим қаҳрамон ва гоюларда марксизм-ленинизм кашф этган “дастур” — социалистик реал-изм усулига амал қилганига келсак, бу йўриғда ҳам фақат рад этиш йўлидан бо-рилмоқда! Ахир, бир оз ўйлаб кўрайлик: биз ўшаларни — Ойбек, Қаҳҳор, Уйғун (дастлабки ижодини), Зулфия, Ҳамид Олимжон, Ғафур Фулом, қолаверса, Мир-муҳсин, Ҳамид Фулом, Шароф Рашидов ва бошқа-бошқаларнинг асарларини ўқиб савод чиқардик-ку? Миллий ҳаётимиз, қадриятларимиз, яхши-ёмон кишиларим-изни дастлаб ўша зотларнинг ижодида кўрдик — бадий асар саҳифаларидан танидик! Агар бу адибларнинг сара асар-ларидан истибод тузуми ташвиқи, улуғ оғаларимизни улуғлаш ва ёлғон соцқа-храмонларимизга бағишланган сатрлар, боблар-саҳифаларни бир четга олиб кўйсақ, қолгани маънавий бойлигимиз бўлмайди? Уларнинг айрим асарлари ҳатто бугунги кунда ҳам завқ билан ўқила-ди.

Масалан, Ойбекнинг “Қутлуғ қон” ро-манини қўлга олинг-да, бу асар “синфий позиция”дан ёзилмаган, деб бир он тасав-вур этинг. Бир он... Дарвоқе, эзилган,

исён кўтаришга мажбур бўлган халқ ва-кили Йўлчибойга қандайдир Петров де-ган ўрис инқилобчисининг қамоқда ўқиган синфийлик ва синфий душман ҳақидаги сафсатасини ҳам йўқ, деб хаёл қилинг. Бу юмуш жуда осон, зеро, ўша боб асарга кейинчалик тазйиқ остида киритилган, шунинг учун бобнинг бошида ҳам, адоғи-да ҳам уч нуқта бор. Қолаверса, ўша боб асар тўқимасига умуман ёпишмайди. Шу-нинг учун ҳам Ойбек оломоннинг галаёни-ни тасвирлар экан, бундай ёзади: “Бу — колониал истибодга қарши халқ исёни эди!”

Рост, Мирзакаримбой сиймосида бўрттиришлар бор, Йўлчибойнинг айрим фикрларига “синфийлик” ёпиштирилган-ни ҳам сезилади. Аммо...

Мен “Қутлуғ қон”ни ҳали ҳам хузур қилиб ўқийман ва ҳар гал кўнглимда тур-ли мулоҳазалар уйғонади. Мана, Мирза-каримбой ҳақидаги ўйларимдан бир шин-гил: “Бой бўлишнинг ўзи бўлмас экан. Ахир, у одам нақадар тадбиркорлик би-лан бой бўлди! Хотинининг тақинчоқлари-гача чиқариб сотди, ер олди. Ўғли Ҳаким-бойваччага зўр маслаҳат берди-я, Фар-ғонада пахта заводи очиб тўғрисида? (Ўзимизда заводлар бўлиши лозимлиги ҳақида бойларимиз ўшандаёқ ўйлаган экан-да?!) Унинг Йўлчибойга насиҳатла-ри...” Хўп, ана, Мирзакаримбойнинг ўн олти яшар Гулнорни хотинликка олиши-ни “ёмон” дейлик. Лекин бу ҳолни ҳам ту-шуниш мумкин: нима кипти ёш хотин ол-ган бўлса? Ва ҳоказо...

Дарвоқе, бизда соцреализмнинг наму-наси деб кўрсатиладиган асарлардан бири, номиеёқ “синфий”лик гоюси асоси-га қурилганидан далолат берадиган “Бой ила хизматчи” драмасидаги (бу пьесанинг бир қадар мукамал ҳолга келишига Ко-мил Яшиннинг ҳиссаси борлиги ҳақида анчадан буён дўмбира чертилаётир. Ҳол-буки, Яшиннинг ўзи 36-йилдаёқ “Қизил Ўзбекистон” газетасида бу хусусда ёзган экан. Айнан қайси сониди экани эсимда йўқ, талабаликда Навоий кутубхонасида ўқиган эдим.) Солихбой қаролининг хоти-нини кўрганда нима дейди: “Жамилахон (хон!), сени кўрдиму ақлу хушимдан бе-гона бўлдим!...” Демак, бой севган экан-да уни? Севмаса эди, онаси ўпмаган ўн

олти яшар қизни олишга қурби етмасми-ди?!

Мен тагин ўзимни адвокатга ўхшат-
тупман... Начора? Нафсиламрни айт-
ганда, “Қутлуғ қон”, Қаҳҳорнинг ҳикояла-
ри (хатто “Синчалак” ҳам!), Зулфиянинг
лирикасию “Мушоира”си, Фафур Фулом-
нинг шеъринг фалсафасини ўйласангиз,
дамингиз ичингизга тушиб кетади... Хул-
лас, адабиётимиз алломаларининг асл
ижодлари — сайланма асарларининг
адвокати бўлсам бўлибман-да! Бундан
хатто фахрланаман ҳам! Нимагаки, улар-
да халқимнинг тили, гўзал дунёвий ҳис-
лари, ақлий камоли, теран тафаккури
акс этган! “Синчалак”ни тилга олиб
қўйдим. Ҳозир баъзи дўстларим менинг
гўримга гишт қалаётган бўлса ажаб
эмас. Ахир, қиссада фирқа котиби улу-
ланган-да! Хўш, ўйлаб кўрайлик, адиб
уни қайси ниятда қаламга олган? Асли-
да “Мен партиянинг солдати эмасман!”
дегани учун ўлгунича хўрланган, ўлими
эса намойишга айланиб кетган аллома
адибимиз: “Партком котиби бўлса, шун-
дай бўлса!” дея орзу қилмаганмикан?
Айтмоқчи, бу қизчанинг хатти-ҳаракатла-
рида партия сиёсатини ташвиқ қилиш-
га оид нима бор ўзи? У хўжаликка кел-
гач, энг ишчан, энг тадбиркор арбоб
қилиши мумкин бўлган ишларни қила-
ди-қу? Асардан “партком котиби” деган
атамани олиб ташлаб, Саидани бошқа
бир арбоб тарзида тасаввур этайлик-
чи? У дарҳол суюмли қаҳрамонга айла-
нади! Рост, бундай тасаввур этишда ҳам
Саиданинг — ҳали хўжаликда ишлаб
кўрмаган ёш қизнинг Қаландаров каби
раис билан тўқнашуви ақлга сиғмай-
ди. Ҳаётда бунинг акси-да — Қаландар-
ов бир пуфласа, саидалар учиб кета-
ди! Лекин бу — Адабиёт, ахир! У — шу-
нинг учун ҳам Адабиётки, ўн беш яшар
бола бутун бошли кеманинг капитани
бўлиб, уни ажал чангалидан олиб чиқиб
кетишига бизни ишонтиради!

Сезиб турибсиз, юқоридаги мулоҳа-
заларим ҳозирда илдиз отиб бораётган
“адабий нигилизм”га заррача таъсир
этмайди. Бунинг устига, гапларимда ил-
мий таҳлил йўқ ҳисоб. Бироқ Адабиёт-
ни тушунишга истак бор, холос! Яна вақ-
ти замонида Чўлпон, Фитрат, Қодирий-

ларнинг шахсию ижодига чанг солган
бир гуруҳ танқидчи ва адибларга ўхша-
майлик, демоқчиман.

Чунки бугунги кунда куни кеча яратил-
ган Адабиётга (унинг энг яхши намуна-
ларига) ҳам панжа орасидан қараш ҳол-
лари сезилмоқда. Ва ёзувчилар обрўйи-
ни тўккан мухбиру мухбирнамо адиблар-
дек (уларнинг айримларида ёзувчи шах-
сига нисбатан алам ҳам йўқ эмас) ҳақиқати-
ни, адолатни юзага чиқаряпмиз, дея охи-
роқибатда чақалоғини ювинтирган тоғора-
даги мағзавага қўшиб боласини ҳам ит-
қитиб юборган нодон она ҳолига тушиб
қолмайлик, демоқчиман.

5

Адабиётшунос-танқидчилар кашф
этган (аввал-бошда Абдулла Қаҳҳор та-
мал тоши қўйган) бир дастур борки,
унинг барбод бўлиши талай адибларни
ҳам тентиратиб, бояги машъум саволни
долзарб қилиб қўйди. У дастур —
“халқнинг дилидагини ёз! Халқнинг
тили учиде турганини ёз!” деган ақида-
дир. Ҳайҳот, аслида бу ақида соцреа-
лизмнинг “Ҳаётдаги ижобий воқеалар-
ни ёз!”, яъни мазкур истибод тузуми-
ни улуғла ва унинг гояларига мос қаҳра-
монларни топмасанг, яратгин, деган гай-
риадабий талабига жавобан кашф этил-
ган усул эдики, у адабий ҳодисаларни
баҳолашда ҳам катта бир ўлчов бўлиб қол-
ган эди! Шунинг учун ҳукуматбоп қилиб
тўқилган одамлар ўрнида шарпалар
ҳаракат қиладиган кўлёмалар ҳам шу
ўлчовга сиғиб кетаверардики, охи-
роқибат ўшандай асарларнинг муаллиф-
лари ҳам: “Мен халқнинг тили учиде тур-
ган гапни ёздим!” деб даъво қиларди.
Бунинг аксини айтган танқидчини эса у
ёқасидан олар, ҳукуматга қарши қўяр
эди. Эътироф этиш керакки, соцреализм
йўлида ҳам яхши роман, қисса, ҳикоя ва
шеърлар ёзилди. Нафақат бизда, бал-
ки СССР отлиғ мамлакатдаги жами ён-
дош адабиётларда ҳам.

Бу йўлнинг шартларидан бири шу
эди: сен агар чин адиб бўлсанг, иложинг
етган қадар рост сўзла! Ақлинг етган
қадар тазйиққа чап бер! Мумкин қадар
ҳақиқату адолатни юзага чиқар! Аҳвол
шундай эдики, хатто оддий китобхон ҳам

ёзувчига ана шу жиҳатдан, яъни ҳақиқатни нақадар тўғри ёритганига қараб баҳо берар эди. Шунчаки мақтовдан иборат очерк ва ижобий фелъетон ёзиб юрган мухбирлар эса озгина ҳақиқатни ҳам эп-лаб айтолмас эдилар: эплаш учун уни образга сингдириш керак эди...

... Образ яратиш — Ёзувчининг иши!

Хўш, бугунги кунга келиб нимани кўрдик?

Талай адибларнинг авра-астарини ағдарган “ҳақиқатчи” мухбирлар ошкоралик эълон этилиши ҳамон бу борада ҳам мана шундай жонбозлик билан ишга тушиб кетдиларки, ў-ў, манчин деган ёзувчилар ҳам анграйиб қолдилар ва бир тўпи бирваракай мухбирликни касб этиб, илгари “учини чиқариш”дан маънавий ҳаловат топган, демак, ёзувчилик бурчининг адо этилиши бўлиб кўринган ҳақиқатни яланғочлаб кўрсатишга уриб кетдилар. Натижада Дадахон Нурий каби адиблар ботин иқтидорлари айна шу йўлда эканини беихтиёр намоиш қилдилар. Ҳатто улкан шоирлардан Эркин Воҳидову Мирзо Кенжабеккача публицистика бобида намуна бўлгудек мақолалар ёздилар. Бироқ барибир мухбирлар улоқни олиб кетди! Сабаби — бу йўл аслида уларнинг йўли эди!

Инсоф юзасидан эътироф этамиз: ўшанда айрим бадиий асарларга қараганда баъзи мухбирларимиз ёзган мақолаларни ўқиш мароқли туюларди. “Мухбирнинг даври келди!” дер эдик. Ва айтиш лозимки, мустақиллик арафасида унча-мунча амалдор ҳам мухбирлар қилган ишларнинг ўндан бирини қила олгани йўқ. Айна чоғда улар, ўзлари ўйламаган ҳолда, адабиётнинг сифатини талай ўн йилликлар давомида белгилаб келган дастурга зарба бердиларки, натижада номи чиққан талай адиблар нимани ва қандай ёзишни билмай қолдилар. Шунинг самараси ўлароқ улар орасида ҳам бояги савол бош кўтара бошлади: “Адабиёт ўладими ё ўлди-ми?”

6

Таъбир жоиз бўлса, шу усул билан “елкадош” яна бир йўл мавжуд эдики, жайдаричасига таърифласак, у бундай: “Бадиий асарда ҳаётини муаммоларни ёритиш

керак!” Муаммонинг ечимини талаб этадиган олимлар ҳам бор эди. Чунки ёзувчинини “ҳаёт муаллими” дейишарди-да! Аслида бу дастур азалдан дунё адабиётида ҳам бор эди ва то абад қолаверади. Гап — унинг моҳиятини тушунишда.

Асарда “ҳаётини муаммоларни ёритиш” талаби, менимча, бизга рус адабиётидан ўтди. Рус адабиётини эса уни XIX асрда Чернишевский, Добролюбов, Белинский каби қаламкашлар кашф этган бўлиб, ўшандаёқ бу дастурни жўн тушунишлар бошланган эди. Масалан, ҳаммага машҳур ва манзур бўлган Иван Тургеневнинг барча романлари — муаммони асарлар, деб аталарди. Гончаровнинг “Обломов” романи ҳақида эса Добролюбов: “Обломовшина”ни очиб ташлади”, деб ёзган эдики, бу гапни ўқиган Гончаров: “Ўша йигит билан мени таништиринлар! Асарни зўр тушунар экан! Бу гап менинг хаёлимдаям йўқ эди”, деб таъкидлаган эди. Тургенев бўлса ҳалигидай мақтовларга жавобан елка қисиб: “Мен ҳаётда бор-у, адабиётда йўқ образларни ёзаётиман, холос”, деб кўяқолган. Бироқ талай рус зиёлилари бугунги кунда ҳам орзу қилаётган монархиянинг ўшанда тезроқ кулашини истаб “Нима қилмоқ керак?” деган бадиий ночор, аммо келгуси кўпорувчиликлар йўлида чиниқиш учун миҳлар устида ётишни-да тарғиб этган Рахметов деган муаммо-образни яратган Чернишевский Добролюбовдан ҳам ўтиб кетиб, “Санъат ҳаётни ўзгартириши керак!” деган илмий иш ёзиб нашр эттирганидан сўнг Тургенев тоқат қилолмай бундай деган эди: “Это не только дурная книга, это — дурной поступок!”

Камтар санъаткор Чехов эса “адабиётда муаммони ёритиш” масаласи ҳақида қисқагина қилиб: “Ёзувчи асарда муаммони ёритиши мумкин. Аммо уни ҳал этиш — ҳаётнинг иши...” деган эди. Хулласи калом, муаммо масаласи — кенг ва теран тушунилиши лозим бўлган масаладирки, бизда қишлоқ хўжалиги ёки чорвачиликка дахлдор бирон бир муаммони (мухбирлар ишини!) бадиий асарда ёритиш ва иложи бўлса ҳал этиб бериш фақат фазилат ҳисобланарди! Афтидан, ҳамон шу фикрда юрганлар бор.

Биродарлар, мана энди ўз-ўзидан

аёнки, “муаммони ёритиш” бобида ҳам адашиб кетган эканмиз. Тўғрироғи, йўлдан оздирилган эканмиз! Фикримга ойдинлик киритай: совет даврида ҳаётимиздаги энг муҳим муаммо нима эди? Ватан озодлиги, сўз эркинлиги, қарамликнинг барҳам топиши! Чўлпон ҳам, Фитрат ҳам, Усмон Носир ҳам ана шу армонда қурбон бўлиб кетди. Қодирий эса муаммога зимдан ёндашган эди. Хўш, энди бугун ёзувчидан қайси муаммони ёритишни талаб этасиз? Буни асли мухбирдан талаб этиш керак, у боплайди! Бундан чиқди, чин ёзувчининг, асл адабиётнинг проблемасию “тили учиди турган гапи” бошқача экан-да? Ҳа, ҳа! Ҳа!

Алқисса, ана шуни англамаслик оқибатида ҳам бугунги кунда ҳалиги савол...

7

Бу савол Россия ва айрим собиқ социалистик ўлкалар адиблари тилида зикр этилаётгани ҳақида икки оғиз сўз айтмоқ лозим.

Сир эмас, биз ҳамон рус матбуотига қараммиз, хориж ҳақида, жумладан, у ёкдаги адабий ҳаракату фикрлар тўғрисида шу матбуотдан хабар топамиз.

Бироқ мен ҳозир тилга олмоқчи бўлган гап барча адабиёт мутахассисларига таниш, яъни “Адабиёт, ижод ҳамма вақт ҳокимиятга қарши туради”, деган ақида, чамаси, санъат пайдо бўлганидан буён мавжуддир. Шунинг учун ҳам ҳамма даврларда, хусусан Истибод — диктатура ҳукмрон бўлган тузумларда, адолатга салгина шаъма қилинса, бас, уларнинг ижодкорлари ижодий жараёндан четлатилган, ҳақоратланган, асарларинг чиқиши тақиқланган. Асарга “кишан солиниши” ижодкор учун энг оғир жазо экани сизга маълум. Бу ўринда ўзбекнинг “камбағални урма-сўкма, кўйлагини йирт!” деган ҳикмати эслаш кифоя. Лекин, ажабо, шунча асрлар ўтибдики, сон-саноксиз ёзувчи-шоирларнинг кўйлаклари дабдала бўлиб кетса ҳам адабиёт диктатурага — ғайриинсоний кучларга қарши мардона туриб келаёттир! Табиийки, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Бироқ, қизик-да, бир чех адибининг “Литературная газета”да босилган суҳ-

батидан, “Бизда қарши куч — соцмафкура ўлди (яъни адабиётни гиж-гижлаб, қайраб турадиган куч ўлди), демак, адабиёт ҳам ўлади!” деган гапини ўқиб, унга раҳмим келди: бечора адиб адабиётнинг мақсадини (фақат!) шундан иборат деб билган экан. Дарвоқе, фақат угина эмас, рус адибларидан ҳам анча-мунчаси шундай фикрни айтишаёттир. Тўғри, Россия мустамлака бўлмаса-да, истибоддод занжирлари уларнинг адабиётини ҳам банд қилган эди.

Энди бошқа гапни эшитинг: Швейцарияда яшовчи номдор драматург (“Физиклар” пьесасини эсланг) Фридрих Дюрренматт ватанида — ҳамма тўқтўкис экани, уруш-жанжал (у мамлакатда мутлақо уруш бўлмаган!) йўқлиги, ўғрилиқ, порахўрлик ва ҳоказо қусурлар ҳам одамларнинг эсидан чиқиб кетганини айтиб: “Бизда ҳаёт тўхтаб қолган! Бизда яхши адабиёт яратилмайди! Яратиб келинган бўлса, энди ... ўлади”, дебди. Албатта, мен бу гапга ишонмайман: эгизаклар орасидаям жанжал чиқиши турган гап. Сўнгра ер курраси ва инсоният тақдирини миқёсида фикр юритадиган ёзувчининг бу мулоҳазасини унинг ўзига хос “эркинлиги” натижаси деб тушундим. Қисқаси, “Адабиёт ҳокимиятга қарши қутбда тургандагина ижод яйраб-яшнайдир”, деган ақиданинг инқирози ўзимизнинг ўзбек танқидчи ва адибларидан ҳам баъзи бирлари тилида акс-садо бераёттирки, охир-оқибатда шундай фикрлар айтилаёттир: “Энди нимани ёзиш мумкин? Кимга қарши?”

Демак, адабиёт ...

8

Мана, энди асл адабиётнинг “асл масаласи”га етиб келдик. У шундан иборат эканки, адабий ҳодисани, яъни асарни ичдан ёритиб ва тўппа-тўғри кўнгилда акс садо бериб, кишини қаёққадир бошлайдиган бир нур бўлар экан! Илло, инсоннинг ўзи ҳам табиатан қандайдир бекатга — нурга интилади! Гап — ўша нурнинг қандай эканида, холос! Зеро, у нурнинг шакли-шамойили кўп, шунинг учун уни ҳар хил тушунадилар. Чунончи, Хемингуэйнинг таърифича, у — “ашаддий истеъдод соҳиби”, Киплинг

ижодида эса, у — одамларнинг Одами — оқтанлилардир.

Инсонни “Табиат тожи” деб улуғлаган Жек Лондон ҳам охири англо-саксонларни “Энг буюк инсонлардир” дея тасвирлашга жазм қилди. Олмонияда немис фашистлари ҳукмронлик қила бошлагач, табиий равишда “орий”ларни “Энг буюк ирқ” сифатида тасвирловчи ёзувчи ва шоирлар ҳам пайдо бўлди. Бизнинг кечаги мустабид ҳокимиятимиз даврида эса “Энг улуғ инсон — совет кишисидир!” деган шиор қонун тусини олди, демак, бу — бошқа тузумлардаги одамлар паст ва ожиздир, дегани эди. Табиийки, бундай ақиданинг замирида Шўро сиёсати ҳукмрон эди. Сиёсатнинг ортида эса социалистик мафкура тоғдек кўр тўкиб турардики, ўша “тоғ”ларнинг булоқларидан баҳра олиш шарт эди!

Энди Киплинг Лондону орийпарастларнинг қандай нурга тортганлари ҳақида тўхталмай, социалистик мафкурани ичдан ёритиб, инсониятни қайгадир бошламоқчи бўлган нурни кўрмоқ истасак, табиийки, “коммунизм” отлиғ саробга дуч келамиз.

Яна табиийки, коммунизм фирқанинг жаннати эди! Ҳа, унга интилмаслигимиз дўзахда қолиш билан баробар эди! Демак, коммунизм гирт ақидапарастлик эди!

Тарихдан маълумки, мамлакатда ёки муайян бир тузумда турфа динлар ёхуд олий ғоялар ўзига топингувчи кишиларга “йўлчи юлдуз” бўлиб хизмат қилиши мумкин ва улар бир-бири билан ҳеч маҳал рақобат қилмаслиги ҳам эҳтимолдан холи эмас. Бундай ҳолни шу кунларда тараққий этган мамлакатларда кўриб турибмиз. Ва ўзимизда ҳам шундай бўлаётир. Бизнинг муфтиймиз насроний руҳонийси билан ёнма-ён қадам ташлай бошлади. Эслайсизми, Туркияда аллома, валий Жалолиддин Румий бандаликни бажо келтиргач, марҳумнинг тобути ортидан нафақат мусулмон диндорлари, балки насроний, иуда ва бошқа дину мазҳабларнинг коҳин, руҳоний ва роҳиблари ҳам бошларини эгиб эргашган эдилар!

Қандай порлоқ манзара!

Ёхуд Ибн Сино Фазнавий таъқибидан

қочиб кетаётиб кимнинг қўлида жон берганини эслайсизми? Суюкли шоғирди Журжонийнинг қўлида жон берган! Журжоний эса... насроний динига сиғинар эди. Табиийки, улар барчаси “Оллоҳ — ягона!” деган буюк қаноатда муқим эдилар. Шунинг учун ҳам илоҳий китоблар ўртасида кучли зиддият кўрмасдилар. Аксинча, ул зотлар кўнгиллари овозига қулоқ тутар эдиларки, у кўнгиллар “кўчаси кўп” кўнгиллар эмас, иймон ва шуур билан йўғрилган, қарийб бир бутунликка етишган кўнгиллар эди!

Гап шундоқ экан, халқни коммунизм сари йўналтирган, уни алдаб-ишонтириб “жаннат”га ҳайдаган марксизм-ленинизм мафкураси наинқи насроний динига, балки исломга, Будда, Иуда ва бошқа динларга ҳам қарши — барчасининг ёвуз душмани эди. Чунки у ҳар қандай динда ҳам... ўз рақибини кўрарди! Фақат рақибини! Ахир дин иши — кўнгил иши!

Коммунистик мафкура инсонлар кўнглини ўзиники қилмоқчи эди! Унинг “жаннати” ҳам шу мақсадга хизмат қиларди, “дўзах”и ҳам! Шу боис ҳам у ўлимга, лаънатга маҳкум этилган экан. Мана, кўз ўнгимизда жон берди ҳам.

Энди, бош мавзуга қайтиб, бояги машъум саволнинг туғилиш сабабларини излаш нуктаи назаридан қарасак, дарҳол кўрамызки, ярим асрдан зиёдроқ вақт мобайнида анови қалбаки “дин”нинг сунъий нури кўрсатган йўлда, яъни “коммунизм кишисини тарбиялаш йўли”да ижод қилган тўп-тўп адиблар, у нурнинг сўнганини кўриб, нечук аросатда қолмасин? Кўплар аросатда қолди ва йўлини йўқотган йўловчилар каби, қаёққа боришини билмай қаламларини тишлаб турибди. Шунинг оқибатида улар даврасида ҳам маълумингиз савол туғила бошлади: “Адабиёт нима бўлади? Ё...”

9

Вақт етди, энди санъатнинг, жумладан, Адабиётнинг пайдо бўлиш сабабларини эсга олсак. Бунинг учун ўзимизни ҳар ёнга урмасдан Арастунинг “Поэтика” асарига (бу асар эрамыздан бурун яратилган-а!) мурожаат этсак, санъат уч бирликнинг уйғунлиги неги-

зида пайдо бўлганини кўрамыз: биринчи сабаб — табиатга тақлид (ибтидоий одам тош деворларга ишлаган турли-туман ҳайвон, дарахт ва қуроллар расмини эсланг); иккинчи сабаб — қаноат-хузур (ўша ибтидоий рассом ўз ишидан завқ-қаноат топмаса, чизиб ўтирармиди?); учинчи сабаб — тарбиядир.

Деворга чизилган ҳайвон, ўсимликлару манзараларни кўрган қабиладошлар уларни янада яхши кўриб қолмайдими? Демак, ибтидоий рассом қавмларини тарбия қилаётир! Санъатнинг таърифи ҳам, моҳияти ҳам шудирки, бу “иш” кўнгил эҳтиёжи бўлиб, тўппа-тўғри кўнгилларда акс садо беради. Мана, Адабиётнинг нимадан пайдо бўлишию нимага хизмат қилиши — инсонни қаяққадир тортишининг моҳияти! Бу борада ортиқча иккиланиш чалқашликларга дучор этади. Лекин инсон табиатан шунга мойил: излашга, қидиришга, имкониятлар ахтаришга, яъни табиатга бевосита тақлиддан ҳам устун воситалар — йўллар излашга маҳкумлиги учун оқибат-натижада ҳақиқий санъат вужудга келди ва у шохлаб, тармоқлаб кетди. Ажабо, ҳатто XIX асрда ҳам Россияда наср билан назм фарқ қилинмас — иккиси ҳам поэзия деб аталар эди, роман жанри эса мифларнинг ўрнини босаётир, деган ақида бор эди...

Ўзимизнинг Адабиётга назар ташласак, яқин ўн-йигирма йиллар орасида руслар “маленькая повесть” деб атайдиган жанрга ўхшаш “қисса” жанри пайдо бўлди. “Қисса” “повест”нинг таржимаси бўлмаганидек, “достон” ҳам — “роман” эмас. Ўзбек романчилигининг асосчиси — Абдулла Қодирий, деймиз. Ҳақиқатан ҳам шундай ва Бертельс юз фоиз ҳақ: “Дунё романчилигида бешинчи мактаб — ўзбек романчилигидир. Аттанг, бу миллий роман туғилди-ю, издошлар бўлмади”. Бу — олимнинг фикри. Лекин издошлар бўлди. Бироқ улар ўзига хос, яъни муслмоний-туркий аъналардан йироқроғ-у, оврупо-рус романчилигига яқиндирки, бунинг сабабларини ўзин-

гиз ҳам яхши биласиз. Гапнинг қисқаси, санъатнинг, жумладан Адабиётнинг ҳам, шакл-шамойили ва тасвир воситалари бойиб келмоқдаки, бу-да кўнгил талабидир. Демак, Адабиётнинг асл-азалий мақсади — тарбия, яъни — инсонни эзгуликка тортиш, энг олий нурга етаклаш экан, бу ҳам бевосита қалб эҳтиёжидирки, инсон барҳаёт экан, бу эҳтиёж ҳам яшайверади.

Мен хулоса қилгандай бўлдим. Бироқ яйраб фикр юритгингиз келади. Ҳар қандай ғоя-мафкура таъқибда туриб ҳам дуруст асарлар яратиш мумкин. Агар ўшандай асарлар бунёд бўлмаса, жилла курса “Қутлуг қон”га ўхшаш романлар ҳам ёзилар эканки, биз улар билан “муомала” қилганда, зинҳор мағзавага қўшиб чақалогини ҳам итқитган онага ўхшамаслигимиз лозим. Бу — насиҳат эмас, бу — ҳақиқат! Олдин кетиб қолган ва миллий-маънавий бойликларимизга нописандлик билан қарайдиган “илғор”лар бундай ўйламаса, ўзларининг иши. “Адабиётда муаммони ёритиш” дастурининг-да талай ёзувчиларни (жумладан ўқувчини ҳам) чалғитишини кўрдик. Ҳолбуки, бу дастур йўлида яхши асарлар ҳам яратилгани ва яратилажаги шубҳасиздир.

Ёхуд “совет кишисининг образини яратиш” талабига жавобан ёзилган ва коммунизм номли “жаннат”га тортиш учун мўлжалланган асарларни ҳам саралаб кўрсак, улар орасида эзгуликка хизмат қилувчилари ҳам топилади. Демак, ҳар йўсинда, ҳар қандай тузум ва ҳар қандай мафкура ҳукмронлиги даврида ҳам баркамол асарлар яратилиши мумкин, яратилар экан ҳам, ва ҳеч курса, баъзи асарлардан ҳаётбахш облар-саҳифаларни топиш мумкинки, бу ҳам ёмон эмас. Қолаверса, ундай асарлар — ўшандай жамиятларда, бизда — социалистик истибдод шароитида инсоннинг қандоқ бузилиб-ўзгартирилиб, тор қобиқларга солиб тасвирланиши мумкинлигини келгуси авлодлар кўрмоғи учун ҳам намуна бўлиб қолишга ҳақлидир!

10

Энди ўзимизга, қалбу шууримизга ёққан, ёқиб келаётган ва маънавий-ба-

дий таъсири сира сусаймайдиган баъзи улуғ ёзувчиларнинг улуғ асарларини эсласак: “Ҳамлет!” Шекспир уни кимнинг буюртмаси ёки тазйиқи остида ёзди экан? Ёхуд унда қандай “муаммо”ни ёритишни мақсад қилиб қўйди экан? Ёки кимга — қандай цензурага чап беришни ўйлаб, қайси ўринларида бош қотирди экан? Балки асарда энг олий мафкура — диннинг бирон бир ўгитини исботлаган ва шу тариқа инсонни тарбия қилишни кўзлагандир? Бу саволларга “Ҳа, ҳа!” деб, ёки “Йўқ, йўқ!” деб жавоб бериш мумкин.

Тагор, Чехов, Генри, Мериме, Кортасар! Буларнинг қайси ҳикоясида қандай муаммо ёритилган? Уларнинг асарларида қайси ҳокимиятнинг талаби ёки тазйиқи сезилади? Сервантеснинг “Дон Кихот”, Шолоховнинг “Тинч Дон”, Хемингуэйнинг “Чол ва денгиз” романларидачи? Ёки бўлмаса, Теодор Драйзернинг “Америка фожиаси” асарини эслайлик: агар асар ғоясини унинг номидан, демак, бундай фожа бўлмаслигини ис-ташдан англаб олмасак, асар қахрамонига — қотилга ачинамиз ва яна... уни айблаймиз! Инсон шу қадар мураккаб экан-да!

Дарҳақиқат, Адабиётнинг мавзуи — одамдир, деган (табиатнинг бир бўлаги сифатида!) эски ҳақиқат айна чоғда янги, мангу ҳақиқат экан-да?

Жуда жўн хулоса-я?

Энди ўз-ўзидан аёнки: Адабиёт учун инсондан қизиқ, инсондан қадрли, инсондан азиз ва инсондан ваҳший, ёвуз, йиртқич “муаммо” йўқ экан! Ва бинобарин, унинг мангу вазифаси ана шуни ёзиш, очиш, кашф этиш, ҳа-ҳа, энг пинҳон тарафларини ҳам очибилиш ва пировардида у шу тариқа эзгуликка, инсон камолотига кўмаклашар эканки, бу ишни-да у беихтиёр адо этар экан!

Алқисса, ҳақиқий ёзувчилар ана шуни тасвирлаш-ифодалашга маҳкумдирлар. Мажбур эмас, маҳкумдирлар! Бундан чиқди, ёзувчилик касб эмас, хунар ҳам эмас, қисмат экан! Ҳар биримиз ана шу ҳақиқатни ўзимизники қилиб, унга ўзи-

мизни бахшида этишни ўйласаккина, пешонада ёзигимиз шуми, бошқа нарсами — дарҳол билиб оламиз ва шунга қараб иш тутамиз.

Хулосамиз будир: Адабиётнинг асл мақсадини аниқ билмаслик ёки уни унутиб қўйиб, ҳукмрон мафкурага оғиб кетиш, ёхуд ҳар хил дастурларга алданишнинг энг ёмон оқибати шу бўлар эканки, юқорида айтилганидек, беҳуда саволлар онгимизу кўнглимизга соя солар экан! Пировардида, гангив, аросатда қолишимиз мумкин экан.

Демак, йўл аниқ!

Айниқса, биздек ўзбек ёзувчи, шоир, адабиётчиларига! Ахир, сўз эркинлигини истар эдик — эришдик! Цензура ҳам йўқ!

Биз кўриб-яшаб турган ҳаёт эса мислсиздир: инсоннинг ноёб сифатлари, қусурларию эврилишлари, буюкликлари ҳар сонияда намоён бўлмоқда. Вазифа — уларни кўриш, англаш, мағзини чақиш ва тасвирлаш орқали инсонларни олий нурга — эзгуликка тортишдан иборатдир! Шу йўлдан адашмасак ва бизни адашишга мажбур этмасалар, бас, қолгани ўзимизга боғлиқ экан. Тўғри, ҳар ким ҳар хил савияда ёзади, бу ёқда “бозор иқтисодиёти” ҳам хавф солаётирки, у ҳар қандай асарни ҳам кўтармайди. Буларни-да ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Ҳисобга олиш эса маҳоратга, ибтидоий одам истаганидек, асарнинг қизиқ ва завқли бўлишига зўр эътибор бериш демақдир. Ана шундай талабга жавоб бергудек асарлар яратила бошлар экан, китобхонлар кўзи ўнгида хийлагина обрўи тушган адабиётимиз ҳам, ёзувчиларимиз ҳам яна қайта ўз мавқеини эгаллайдики, бу — янги обрў, янги мавқе бўлади!

Акс ҳолда, давлат қилиши мумкин бўлган ҳомийлик ҳам, “адолатчи” мухбирларнинг вазмин тортиб қолиши ҳам, айрим адиб ва танқидчиларнинг яқин ўтмишимизда яратилган асарларга нигилистик қарашдан тийилиши ҳам ўша машъум саволнинг туғилиб, бош кўтариб туришидан бизни халос этолмайди.

1992 йил

Виктор АЛИМАСОВ

ҚАРЗДОР ДУНЁ

*Икки ҳис қалбда мудом ҳукмрон:
Бири — Ватан, бири — ўтганлар ёди.*

А.С. Пушкин

Одам зоти аслида қарздор туғилган. Юрагингизни севинч ёки ўкинчга тўлдириб томирларингизда оқаётган қон ҳам, дилингизни илоҳий ёки илҳодий этувчи шуур ҳам, тилингизни анис ёки аниф, қаддингизни тик ёки дол этувчи қувват ҳам қарзга берилган. Нима ўзингизникию нима ўзганики — англолмайсиз. Ақли зойиллар бу тилсимот ҳақида ўйламайди, бу — уларнинг закийлиги; ақли қойиллар эса замирига етолмайди, бу — уларнинг заифлиги. Аммо икки тоифа ҳам тавба деб тан олади: умрнинг ўзи қарзга берилган.

Икки ўринда инсон ақли лол: биринчиси — келмиш олдида; иккинчиси — кетмиш олдида. Одам йиғлаб келади ва йиғлаб кетади, гўёки у кимларнингдир қарзларини кўзёшларим билан узаман, деб бу дунёга келгандай...

Ҳадисларда зикр қилинишича, ҳар гал жаноб Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи васалламнинг қошларига маййитни олиб келганларида ул зот, марҳум қарзини узийш учун бирор нарса қолдирганми, деб сўрар эканлар. Агар маййит жон — зурёд қолдирган бўлса, ўзлари жаноза ўқир эканлар, мол қолдирган бўлса — бошқалар.

Одам Ота ва Момо Ҳавонинг фарзандлари тўққиз юз йил ва ундан ҳам зиёд умр кўрган, аммо қабоҳат ва фосиқлик авж олгани сари одамнинг умри қисқариб-қисқариб, олтмиш-етмиш ёшга тушиб қолган. Бу ёшни тўққиз юзга солиштирсангиз, инсоннинг нақадар қарзу гуноҳга ботиб кетганини англайсиз. Қарздор ёки қарзсиз ҳолда дунёга келиш сизга боғлиқ эмас, лекин қарздорлигингизни туйиб ва қарзларингизни узиб яшаш сизга боғлиқ.



Кимдир — мол қарздори, кимдир — жон қарздори. Мол қарзи ўткинчи, бир кунмас бир кун уни, бошқа мол эвазига бўлса-да, узишингиз мумкин. Жон қарзини эса асло узолмайсиз. Ота-онангизга жон қарздорисиз, сизга — фарзандларингиз, фарзандларингизга — уларнинг фарзандлари... Оллоҳ ҳаёт гули сўнмасин деб одамларни бир-биридан қарздор қилиб яратган. Бу дунё — қарздорлар дунёси! Қарздор дунё! Фақат Яратгангина қарздан холи.

Ўтганларни ёдламоқ ўтганлар учун эмас, қолганлар учун зарур. Ўтганлардан устоз тополмаган — қолганлардан тополмайди.

Будда бундай деган экан: “Эрталаб қарзларингизни эсланг, кечқурун — қарздорларингизни”. Қарздорларингиз кўплигидан эмас, қарзларингиз кўплигидан дилингиз ўртансин; қарздорларингиз охиратда ҳурмату иззат билан тилга олса, қарзларингиз — тавқиланъат билан. Азобу уқубатли дунёга яна қайтиш учун эса битта қарзингиз эгасининг қарғиши кифоя...”

- Қарзларимни икки дунёда ҳам узолмасам керак, деб кўрқаман. Сендан фалон сўм, фалончидан фалон сўм...
- Мол қарзини узиш осон, оғайни, жон қарзини узиш қийин.
— Шу тўртта жигарбандимни деб...
- Мен эса тирноққа зорман, мана бу — қарз, узиш мушкул бўлган қарз...

Исо алайҳиссалом, дунёни ҳалок этишга эмас, халос қилишга келганман, деган. Шундан буён баҳс кетади: хўш, дунёни ёвузлик, бедиллик ва азоб-уқубатлардан халос этиш кимнинг қўлида — Яратганнингми ёки яратилганнинг? Агар Яратганнинг қўлида бўлса, яратилганга не ҳожат, агар яратилганнинг қўлида бўлса — Яратганга? Ким билади, балки мана шу азалий баҳс туфайли одам ўткинчи нарсалардан муқаддас нарсаларни, фоний дунёдан мангу дунёни фарқлашни ўргангандир...

Сенека: “Кўп умр кўришингиз — тақдир қўлида, беқарз яшашингиз — қалбингиз ихтиёрида. Йиққанларингиз эмас, сочганларингиз боқий”. Қалбингиздагини сочиб, қалбингизни топасиз, умрингиздан кечиб — умрингизни. Аммо ҳеч ким сиздан бундай фидоийликни талаб қилмайди. Тақдирнинг ғаройиб фазилати шундаки, ҳамма сочган ва кечганларингизга қараб ҳукм чиқаради.

Яратган ҳам. Боқий маконингиз жаннатми-дўзах экани сочган
ва кечганларингизга боғлиқ.

Муҳаммад пайғамбар, бирор киши зиммасидаги қарзни узмоқни
бирор бойга ҳавола қилса, у рад этмасин, деб марҳамат қилган
эканлар. Пайғамбаримизнинг бу тилаги амалга ошганида эди, бу
дунёда бой ҳам, камбағал ҳам бўлмас эди.

Раҳматли дадам умрининг охирларида узала тушиб ер хидлайди-
ган одат чиқарган эдилар.

— Ёшинг ўтган сайин ер тортар экан, — дедилар бир гал ҳай-
ратланиб қараётганимни кўриб. Кучга тўлган пайтим эмасми, гап-
нинг маъносига етмадим. Йиллар ўтди, сочларимга оқ, пешонамга
ажинлар тушди, энди ўзим ҳам гоҳи-гоҳида ер ҳидини кўмсайди-
ган бўлиб қолдим. Вожаб, дейман ўзимга ўзим, наҳотки, ер
ҳидини кўмсаш ҳам қарзга берилган бўлса?

Олмон файласуфи Шопенгауэр бундай деган экан: “Киши қирқ
ёшгача роман ёзади, қирқдан кейин — унга изоҳлар”. Бу гапга
кўшилмай иложим йўқ, лекин кўнгилни бир нарса ўртайди: қолган
умр изоҳ ёзишга етармикан?..

Буюкларнинг тобутда ётиши ҳам буюк. Билмадим, бу нима — тақ-
дирнинг таҳсиними ёки таҳқири? Таҳсини бўлса, жудоси нечун,
таҳқири бўлса — худоси?

Яқин-яқингача қабристонга боришдан кўрқар эдим. Бир куни
ёнидан ўтишимга тўғри келди. Энди яқинлашганимни биламан,
рўпарамда бўйи Хўжаминордек оқ-оппоқ кампир пайдо бўлди.
Кўркув ва ҳайрат домида қолиб таққа тўхтадим, тиззаларим қал-
тираб беҳол ерга чўқдим. Кампир ҳам тиз чўқди. Кап-катта одам-
лигимни ҳам унутиб додламоқчи бўлдим, аммо овозим чиқмади.
Юзимни беркитдим. Қанча ўтирганимни билмайман, кимдир ел-
камдан ушлаб кўтарганида ўзимга келдим. Қарасам, кўшни чол
экан. Кейин у менга қабристонга болалигимда мени жонидан ҳам
зиёд кўрган бувим кўмилганини айтди: “Бувингнинг руҳи кўпдан
сенга мунтазир экан...” Мен бўлсам, ул зотнинг қабрини зиёрат
қилиш у ёқда турсин, ҳатто қаерга кўмилганини ҳам суриштир-
мабман. Энди ҳар гал Хевага борганимда қарзимни узгали бу-
вимнинг қабри тепасига бораман. Вожаб, биз ўликлар кўзини
беркитамиз, улар эса бизнинг кўзимизни очиб кетар эканлар...

Раҳматли бувимнинг бир ўгитини мудом эслаб юраман: “Болам, — деган эдилар у киши, — икки нарсанинг умри узун: бирам — тошдаги битикларнинг, бирам — дилдаги. Бахтли бўлай десанг, ё тошга битишни ўрган, ё — дилга”.

Инсонда умр бўйи тарк этмайдиган битта битик бор, у — бахтли бўлиш истагидир.

Бахт нима? Битиклардан ҳикмат қидирдим, тириклардан — ҳиммат. Кимдир шукр билан кўкка ишора қилди, кимдир суқр билан — ерга; кимдир, йиққанним — бахтим, деди, кимдир — сочганим; кимдир, суйдирганим — бахтим, деди, кимдир — куйдирганим; кимдир, бахтим — белимда, деди, кимдир — элимда. Бир-бирига ўхшаш жавоб учратмадим ва англадимки, шукр қилганнинг бахти — ўзгача, суқр қилганники — ўзгача; йиққаннинг бахти — ўзгача, сочганники — ўзгача; суйганнинг бахти — ўзгача, куйганники — ўзгача; белим, деганнинг бахти — ўзгача, элим, деганники — ўзгача. Ҳақ гап экан — ҳамма бир хил бахтли бўлишни истайди, бироқ ҳар ким ўзича бахтли.

Ҳёте, бахт — мўъжиза, деган. Лекин, деб огоҳлантиради у, бу мўъжизага тегмаган маъқул. Нега? Чунки бахтнинг интиҳоси йўқ, бироқ азияти кўп. Ахир, одам беинтиҳонинг интиҳосига, беибтидонинг ибтидосига етиш ниятида азият тортиб яшаш учун яралмаганми? Шунинг учун ҳам муқаддас битикларда, “Чеккан азиятларингга яраша улуш олурсан”, дейилган.

“Инжил”да битилишича, одамзот беҳишздан қувилишига билишга қизиққани сабаб бўлган. Демак билишга, илмга интилиш — одамзотнинг азалий хислати. Аммо “Инжил”да яна бундай дейилади: “Билим қайғуни оширади”. Чунки илмли одамнинг дунёга даъвоси кўп. Даъвоси кўпни эса одамлар ёқтирмайди. Гўдакнинг даъвоси кам, шу боис уни кўпчилик яхши кўради. Балки шунинг учун катта одамдан кўра гўдак кўпроқ бахтлидир.

Қадимги юнон афсоналаридан бирида айтилишича, илмни одамга ёв бўлган худолардан бири ўйлаб топган. Табиийки, ёв бахт тиламайди. Балки шунинг учундир, ижодда бахт, Достоевский ибораси билан айтганда, онийдир, ундан ошдимми,

бас, ижодкор қалбида, сир, ҳақ, меҳр излаш иштиёқи сўнади,
ўзгалар бахтини куйлаш учун ижодкор ўша оний бахт билан
қаноатланиб яшашга мажбур.

Умр бўйи саъдийлар йўқ, аммо бўйи саъдга интилувчилар бор.

Одам ўзини шақий сезмасин деб, Яратган дунёни бир кам
яратган.

Киши умр бўйи бахтга интилса-да, бахтли яшашдан кўра бе-
бахт яшашга кўпроқ мойил.

Эпикур, ўзини бахтиёр сезмаган — бахтиёр эмас, деган экан.
Агар толе фақат одамнинг ўзига боғлиқ бўлганида эди, дунёда
бирорта ҳам толесиз зот бўлмас эди. Тўғри, ҳар ким бахтини
ўзи яратади, аммо бошқалар ёрдамида.

Бахтсизликка ўрганган бахтдан нажот изламайди, унга бахтсиз-
ликнинг ўзи бахт.

Комронийлик диалектикаси мана бундай: а) бахтга даъвогарлар
кўп, бироқ бахтга сазоворлар кам; б) кишининг энг шақий кун-
лари — энг завқли кунларидир; в) киши ҳар недан бахт топи-
ши мумкин бўлганидек, улардан бахтсизлик ҳам топиши
мумкин;

г) барча истаклари руёбга чиқса, одам ўзининг нокомиллиги
ҳақида ўйламасликдек бадбахтликка дучор бўлади; е) ўзгалар
бахтидан бахтиёрлар бахтиёрдир.

Бахт бахтлини топар, бадбахтлик — бадбахтни.

Қадимги юнонлардаги бир удумга кўра, то киши тирик экан,
уни бахтли деб атамас эканлар. Менимча, киши бахтдан мас-
рур бўлиб, манманликка, такаббурликка берилишини юнонлар
биздан яхшироқ билганлар.

Руҳи банди бахтли кунларда ҳам шақий, руҳи озод зиндонда
ҳам шод. Сукротнинг тақдири бунинг далили.

Шоир ва файласуфлар қисмати бахтдан бахтсизлик, бахтсизликдан бахт излаб яшашдан иборат.

Аёлни суймагунча ва аёлдан куймагунча эркак бахтиёрлик сафосини ҳам билмайди, бадбахтлик жафосини ҳам.

Оламни олам, одамни одам қилиб турган икки нарса — меҳнат ва муҳаббатдир. Меҳнат одамни улуғлаб, муҳаббат эса ардоқлаб, бахт келтиради.

Севилиш — бахт. Шубҳасиз, севиш ҳам бахт. Бироқ, ажабо, одам севилишдан эмас, севишдан кўпроқ бахтиёр.

Бахт баъзан серқилиқ жазманга ўхшайди: чорлайди-ю, тутқич бермайди, тутқич берса, ўпич бермайди, ўпич берса, қониш бермайди, аммо, худди бекинмачоқ ўйнаётган гўдакдек, қани топ, мен бу ердан, деб кунлари излатгани излатган, тунлари бўзлатгани бўзлатган.

Кишилар комронлик истаги сўнмасин деб бойлик, унвон, бурч, тинчлик, меҳнат, оила, муҳаббат, ватан деган нарсаларни ўйлаб топганлар.

Тахт топишдан кўра бахт топиш қийин.

Бахт пулда эмас, аммо пулсизликда ҳам эмас. Тўғри, пул бахт келтирмайди, лекин у бахтли яшаш учун имкон яратиши мумкин.

Бахтдан ҳам юксакроқ нарса бор, у — бурч. Киши бурчини бахт деб билмагунча бахтини тополмайди.

Ҳақ гап, эминликдан ҳам улуғ бахт йўқ. Аммо эминлик посбонларини кўпроқ небахт этади.

Бахтли одамлар кўйлақда туғилади, дейдилар. Йўқ, одам бахтиёр туғилмайди, балки бахтли яшаш имкони билан туғилади. Шунинг учун “Ғойибдан келажак бахт — бир афсона” (Ғафур Ғулом сатри).

Саъдийлар саъдни тарғиб қилади, шақийлар шақийликни. Агар бадният шақийлар ҳукмрон бўлса, элнинг хоқонлари — очкўзликни, оқиллари — маддохликни, ўғлонлари — қўрқоқликни, аёллари — шармсизликни касб қилиб олади.

Кишилар ўзига ишончни йўқотганларидан сўнг сохта даҳолар кетидан эргашишга мажбур бўладилар. Шубҳасиз, давр сохта даҳоларни кўзгу юзидаги губордек супуриб ташлайди, бироқ улар қолдирган асоратлар беиз кетмайди. Бу асоратлар мозий тоқчаларида пайт пойлаб ётади. Қулай фурсат келиши билан қайта жонланади ва соддадил кишилар онгини қайтадан заҳарлаб, уларни бахтиқароликка гирифтор этади. Кишилар ҳақни айтишга, ҳақни севишга, ҳақ учун курашишга интилмагунча ўз кучига ишонч ҳосил қилмайди, демак, сохта даҳолар уларни бебахтлик сари етаклайверади.

Аллеси йўқ халқ бахтиқародир.

Фрейд, ўзини ўзи ўлдиришга жазм қилган киши бир пайтлар кимгадир ўлим тилаган бўлади, деган. Бунинг нақадар тўғри эканини билмадим-у, аммо бахтиқаролар қачонлардир бировга бахтиқаролик тилагани бор гап.

Уйқу ҳам умр. Минг афсуски, унда бахт кўпми ёки бадбахтлик — ҳеч кимса айтиб беролмайди. Сюрреалист Бюньел эса бундай деган экан: “Уйқусида бахтиёр бўлолмаган одам уйғоқлигида ҳам бахтиёр эмас”. Қизиқ, уйқудаги бахтнинг мезони қандай экан?

Бахтли яшашнинг шартини билганимда эди, умр бўй бахтли яшар эдим.

Киши бахтини мисқоллаб йиғади-ю, ботмонлаб йўқотади.

Шу пайтгача вақтнинг қадрига етгани ҳам, бахтнинг қадрига етгани ҳам учратмадим. Эҳ-ҳе, одам неларга умрини сарф этмайди! Агар барини ҳисоб-китоб қилиб чиқсангиз борми, энг ақлли зот — инсон, деган нақлга ишонмай кўясиз.

Тирикликнинг ўзи тенгсиз бахт, бироқ бахт тўғрисида гап кетганда уни ҳеч ким тилга олмайди.

ТАСАВВУФ ПУГАТИ

“МУТУ ҚАБЛА АН ТАМУТУ”

Тасаввуф мафкурасининг шаклланиши ва жадал тараққий топишида пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг бир талай ҳадислари муҳим ўрин тутган. Сўфийлик тушунчасининг негизини ташкил этган “муту қабла ан тамуту”, яъни “Ўлмасдан бурун ўлинг” деган ҳадис сўфий, эран, абдол — хуллас, Ҳақ ошиқлари учун илоҳий бир дастур ва амалий ҳаёт низомига айланган. Шу боис Аҳмад Яссавийнинг бир ҳикматида “Ўлмас бурун жон бермакин дардин тордим”, дейилса, бошқа бирида бундай таъкидланади:

*“Муту қабла ан тамуту” — хок бўлмаклик,
Ошиқлари ўлмас бурун ўлар эрмиш.*

Аммо совет давридаги ҳеч бир адабиётшунос ёки тадқиқотчи ундаги асл моҳият билан қизиқмаган. Куръоннинг “Ваш-шамс” сурасида айтилишича, “Дарҳақиқат, уни (яъни нафси – жонини иймон ва тақво билан) поклаган киши нажот топади” (9-оят). “Фуссилат” сурасида эса, “Уларга оятларимизни офоқда (ташқи дунёда) ва анфусда (нафсда) зухурлантирурмиз” (43-оят), дейилган. Тасаввуф тафсирларида Куръон оятларининг офоқ ва анфусда кўрсатилиши “ўлим” тарзида талқин этилиб, у умумий ва умумий-хусусий ўлароқ, иккига ажаратилган. Биринчиси — нафс ва шаҳватнинг ўлими. Иккинчиси — бутун мавжудотга Ҳақ назари билан боқмоқ, борлиқдан кечиб Оллоҳга кўз тикмоқ, тавҳидга етмоқ, қулнинг ҳолдан-ҳолга юксалиб ашённи Ҳақда фоне кўрмоғи.

Алишер Навоий “Мажолисун-нафоис” тазкирасида бундай ёзади: “Сўфий Пири Сесадсола — Дарвеш Хусайннинг набирасидур. Ва Мавлоно Муҳаммад Чохунинг ўғлидур. Сўфийликқа табобатни зам қилибдур. Гўё мараз риёзатин тортқон солиқларга “Муту қабла ан тамуту” иршодин қилур”. Демак, Сўфий Пири Сесадсола сўфийликка табобатни кўшар экан, нафсни енгиш, яъни солиқларга руҳоний ҳаёт ва завқу шавқ ила яшаш сирларини кўрсатган. Навоийнинг бир рубоийсида бежиз “Ҳақ йўлида нафсингга ўлим косасини тут”, дейилмаган Бу ҳам “Мутлу қабла ан тамуту” талабларига амал қилишга давъатдир.

Хўш, пайғамбаримиз нимага ундаганлар? Ул ҳазратнинг бу ҳадис воситасида назарда тутган асл мақсадлари нима эди?

Бу саволга Мавлоно Жалолиддин Румий “Маснавий” сининг тўртинчи дафтаридан жавоб топиш мумкин: “Пайғамбар нурни англатар экан, бундай деди: “Нур қалбни мунаввар қилдими, бунинг натижаси шудир: инсон ёлғон дунёдан йироқлашур, нашъалар диёри бўлмиш охиратдан-да кечур”. Пайғамбарнинг “Нур қалбга киргани замон қалб севинаяр ва кенгаяр” деган ҳадисини эшитганлар, “Бунинг аломати недур?” дея сўраганларида Расулulloҳ, “Алданиш, ғурур, мунофиқликдан тозаланмоқ, ўлмасдан бурун ўлиш ҳолини камол топирмоқ”, деб жавоб қайтарган эканлар. Дарҳақиқат, “Ўлмасдан бурун ўлиш” сифати ва ҳолини камолга етказмасдан на тасаввуфий ҳаёт ва ахлоқда, на ишқу ошиқликда олий мақомларга юксалиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам Имом Раббоний, “... ўлмасдан бурун ўлим ҳақиқатга айланмагунча, муқаддас Зотга етиб бўлмас...бу фано ҳоли валоят (валийлик) мартабаларига ташланадиган илк қадам ва ишнинг ибтидосида ҳосил бўладиган бир камол даражаси эрур”, деганлар. Шу боис Ҳақ таолонинг хос одамлари сайру сулуқда ишни “ўлмасдан бурун ўлиш”дан бошлаган. Ва бу мувоқабат тарзида амалга оширилган бўлиб, унинг ижро шаклини Муҳаммад Нурий Шамсиддин Нақшбандий шундай тасвирлаган: “Ҳақ йўлчиси — солиқ мувоқабат билан машғул бўлиб, шахсий истакларидан бутунлай кечар, ақлига келган нарсаларни бир ёнга суриб, фикрлашдан ҳам тўхтар. Шу ҳол ила вужуд аъзоларин жонсиз ҳисоблаб, кўзларин ҳам юмар. Гўё шу аҳволда ўлим ҳукми келгану у бу фоний дунёни тарк қилган. Шундан сўнг солиқ ўзини қабрда тасаввур этган. Орадани маълум фурсат ўтиб, жасад ва суякларин ҳам чириган. Вужуд тупроққа қоришиб кетган ва ундан ҳеч бир ному нишон қолмаган... Ана шундай мувоқабат энг ози билан — бир, ўртача — икки, кўпи билан — уч соат давом этган. Бунинг оқибатида эса “Ўлмасдан бурун ўлинг!” амрининг сири очилган”.

КАРОМАТ

Икром, шараф, карам, лутф ва эҳсон демак. Каромат — пайғамбарлик даъвосидан йироқ бўлган одамда фавқуллоҳда ҳолатнинг зуҳурланиши ёки руҳий тажриба билан боғлиқ ҳайратланарли воқеа-ҳодисаларнинг содир бўлиши. Каромат иккига бўлинган: биринчиси — каромати кунния. Иккинчиси — каромати илмия. Булар “кавний” ва “ҳақиқий” деб ҳам аталган. Кавний кароматлар — қисқа фурсатларда рўй берадиган фавқуллоҳда ғайритабиий ҳодисалар. Масалан, ҳавода учмоқ, денгизда юрмоқ, инсоннинг куш ёки бошқа бир жонзотга айланиши, қушга ўхшаб парвоз қилиши шулар жумласидандир. Ҳақиқий каромат эса — илм, ирфон, маърифат, ибодат, ахлоқ ва инсонликдаги устунлик ва шу устунликдан юзага келган турли шакллардаги ҳодисотлар. Тасаввуф аҳлининг эътиқодига кўра, асл каромат — каромати илмия ҳисобланади. Шунинг учун ақл ва маърифатнинг кучига ишонган одамлар каромати куннияга

иштибоҳ билан қараганлар. Шайх Абу Язидга, “Фалон одам бир кечада Маккага етиб борур”, деганларида, ул зот, “Шайтон ҳам бир соатда Машриқдан Мағрибга бориб етади, лекин у Оллоҳнинг лаънатига йўлиққандир”, деган эканлар. Ёки Абусайид Абулхайрга, “Фалон кимса ҳавода парвоз қилур”, деганларида “Чивин ва кўршапалак ҳам ҳавога учади”, деб жавоб берган эканлар.

Мавлоно Жалолиддин Румий бундай деганлар: “Бирор йироқ жойдан бир кун ёки бир лаҳзада Каъбага борса, бу ажойибот ҳам, каромат ҳам эмас. Чунки бундай каромат шамол ва самумда ҳам бордир... Каромат шундай бўлмоғи керакки, у сени ёмон ҳолдан юксак ҳолатга етказсин. Ва ул жойдан бул жойга сафар қилки, жаҳлдан ақлга, жонсиз табиатдан ҳаётга етишгил”.

Хуллас, ҳақиқий каромат ақл балоғати, ахлоқ гўзаллиги, маърифат теранлиги, ирфон завқидан туғилган ва инсон хулқи ҳамда руҳига кучли таъсир ўтказадиган каромат эрур.

ЗИКР Сўзлаш, баён қилиш, хотирлаш, ёд айлаш, хотирдагини унутмаслик маъноларини англатадиган арабча бир калима. Тасаввуфда бу сўз гафлат ва исён — эсдан чиқаришнинг зидди ўрнида татбиқ этилган. Тадқиқотчиларнинг аниқлашларича, зикр сўзи Қуръони каримда 254 мартаба такрорланган экан. Тасаввуф тариқатларидаги зикр жараёнлари Қуръондаги “Эй мўминлар, Оллоҳни кўп зикр қилинглар!” (“Аҳзоб” сураси, 41-оят), “Оллоҳни кўп зикр қилингларки, шояд нажот топурсиз” (“Жумъа” сураси, 10-оят) каби ҳукмлар таъсирида юзага чиққан. Зикр мажлисларида Оллоҳни ёд айлашнинг уч йўли бўлган: истиғфор, саловат ва асмой сабъа (Оллоҳнинг етти исми ва уларни зикр этмоқ).

Зикр тасаввуфдаги ҳар бир тариқатда, ҳар бир тасаввуф аҳлининг наздида — барча қоида, усул ва одобларнинг бошидир. Тариқат пирлари ва муридларнинг зикр фойдалари ҳақидаги умумий қарашлари тахминан бундай бўлган: зикр — Шайтонга қарши энг ўткир яроғ — қувар; Оллоҳнинг розилиги ва меҳрига эриштирар; қалбдан ғам, қайғу ва ғуссаларни ҳайдаб, дилга қувонч, фараҳ ва кенглик бағишлар; тафаккур ва маърифатнинг юксалишини таъминлар; ҳар турли ёмонликларнинг илдизини қуришиб, хато ва гуноҳларнинг олдини олар...

“Фойдали бўладиган зикр — давомли ва қалб ҳузури ила бўладиган зикр эрур. Зикрнинг ниҳоясида эса унс ва муҳаббат туғилур... Киши зикр этилажак Оллоҳ ила унсият пайдо этиб, кўнглида Оллоҳ муҳаббати ҳосил бўлгунга қадар бир оз заҳмат чекар. Сўнгра эса Оллоҳни хотирламаса тура олмайдиган ҳолга келар...” дея таъкидлаганлар Имом Ғаззолий.

Зикр — фақат Оллоҳни ёд айлаш, унинг гўзал исмларини эслаш эмас, балки дил, фикр ва туйғуни Оллоҳга

йўналтириш, Оллоҳ ила мукамал бир шуурий, зеҳний алоқа ўрнатишдурки, бу салоҳият ҳаммага ҳам насиб этавермаган, албатта. Шунинг учун тасаввуфда зикр иккига ажратилган: бири — “зикри омма”, иккинчиси — “зикри хос”. Зикри омма савобни қўлга киритмоқ нияти ила амалга оширилиб, унда зокирнинг табиатида ёмон хислатлар, айтайлик, кибр, гурур, риё, хирс, таъма, газаб, макр кабилар батамом, яъни таг-туғи ила барҳам топган бўлади. Хосларнинг зикри бунинг акси: унда нафс тамоман мағлуб этилади ва қалб маърифат, муҳаббат нурлари ила ёришиб, тилда ҳам, дилда ҳам Оллоҳ ишқидан бошқа ҳеч вақо қолмайди. Аммо бундай улғу ҳол соҳиби бўлмоқ учун қатъий интизом, сабр ва ихлос билан зикрга берилиш талаб этилган. Шу маънода қуйидаги ҳикоят эътиборга моликдир. Нақл қилинишича, Жунайд Бағдодийдан таҳсил олмоқ учун ул зотнинг ҳузурига хорижий ўлкалардан ўн олти киши ташриф буюрибди. Шайх уларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида хилватхонага киритиб, давомли тарзда зикр билан машғул бўлишга буюрибди. Орадан бир ҳафта ўтгач, зокирларнинг ҳолини билмоқ учун ёнига кириб, “Кўнглингизда нени кўриб, ундан нимани эшитаётирсиз?” деб сўрабди. “Фақат муҳаббати дунёни кўриб, унинг овозларини эшитаётирмиз”, дебди толиблар. “Муҳаббати дунё ва ўткинчи дунёга тааллуқли ҳамма нарсани хаёлингиздан чиқариб, иззат ва лаззатлардан қатъиян кечингиз”, дея танбеҳ берибди Шайх. Орадан яна бир ҳафта ўтгач, ул зот толибларнинг ёнига бориб, “Қалбингизда нима намоён бўлди?” деб сўрабди. “Охират ишқи! Энди фақат шу ишқ кўнглимизни ишғол қилаётир”. “Буни ҳам тарк қилинг!” дебди Бағдодий. Орадан яна бир ҳафта ўтгач, Шайх тагин ҳол сўрашга кирибди: “Қалбингиз нима билан тўлди?” “Фақат муҳаббати аноният, яъни ўзни севмак муҳаббати билан тўлди”, дебди толиблар. “Унда ўз борлигингизни ҳам тарк этингиз”. Яна бир ҳафтдан сўнг эса, “Қалбингизни нима ишғол этди?” деб сўраганларида, зокирлар, “Қалбимизни муҳаббати Илоҳ ишғол қилди”, деб жавоб берибди. Шундан сўнг уларга асмояи саъба зикри буюрилибди. Орадан ҳаммаси бўлиб қирқ кун ўтгач, ҳазрати Жунайд, “Қалбингизда нима қолмишдур?” деб сўрасалар, толиблар бир овоздан, “Қалбимиздан мосуво (Оллоҳдан бошқа ҳамма нарса, яъни касрат демак) маҳв бўлиб, ёлғиз Оллоҳу азимуш-шон қолди”, дебдилар. Бу гапни эшитган Жунайд Бағдодий восилларнинг ҳақларига дуо қилиб, “Мана энди қаерни истасангиз, ўша ёққа бораверингиз. Чунки муродга эришдингиз, ва Сизларга тобе бўлганларни ҳам шундай мақом ва ҳузурга етказдингиз”, деб оқ фотиҳа берган эканлар.

Зикр — инсонларни ҳақиқий тавҳидга эриштирадиган ҳам машаққатли, ҳам завқли йўл, камолот мақомларининг ўзаги ёки тамали сифатида тасаввуф оламида хос мавқе ва аҳамиятга эга. Тасаввуфий ҳаёт сирларини билмоқ учун,

албатта, зикр қонун-қоидалари, зикри хуфия — яширин, пинҳона зикр ва зикри жаҳрия — очик, овоз чиқариб амалга оширилган зикр тажрибаларини билмоқ лозим.

КУНЪУН Қисмат, ризо демак. Тасаввуф аҳли наздида, зарур ва керак бўлган нарсалар йўқлигида сукут сақламоқ. Унинг уч даражаси бор:

1. Эҳтиёждан ортиқ молларга кўз тикмаслик.
2. Кунлик ризққа рози бўлиб, зиёдини орзу қилмаслик.
3. Ғайб хазинасидан нима келса, оз ёки кўплигидан қатъий назар, қаноат айлаш.

ТАВФИЗ Ҳар нимани Оллоҳга ҳавола қилиш. У таслимнинг, таслим эса таваккулнинг самари эрур. Бу ҳолда тавфиз таваккулдан юқори ва орифларнинг ҳоли эрур.

БАТАНОТ Илоҳий маънолардан бўлгани туфайли сирни ватан ҳолига келтирган ва руҳга жойлаштирган нарса.

АЛОЙИҚ Толибларни мурод ва мақсадлардан йироқлаштирувчи сабаб ва муносабатлар.

ЗАВОЙИД Қалбдаги нурларнинг кўпайиши.

ЛАВОМИ Қалбдан нурнинг фойда ва таъсирлари боқий қоладиган шаклда зухрланиши.

ТАВОЛИ Кўнгилда маърифат нурларининг туғилиши.

ЛАТИФА Ҳолнинг нозикликлари туфайли қалбда ҳосил бўлажак бир ишорат.

ИНТИБОҲ Қалбдаги ғафлатнинг барҳам топиши, бедорлик, руҳий уйғониш.

НАФАС Ғайбдан туғилган латиф ҳоллар ва қалбнинг ишқ ўтидан фараҳланиши. Абулқарим Қушарийнинг маълумотига кўра, Абу Али Даққоқ, “Муҳиб (ошиқ) учун нафас Ҳоли бўлмаса, (мушоҳадага) тоқати етмаганидан ҳалок бўлур”, деган экан.

Иброҳим ЧОРИ тайёрлади.

RESUME

Philosopher Omonulla Faizullaev, in his article “A Product of Dialectical Thinking”, ponders, on the basis of president Islam Karimov’s book “Uzbekistan on the Threshold of the XXI th Century: A Threat to Security, Conditions for Stability and Guarantees for Progress”, on place and role of dialectics in today’s scientific thinking. “The point is, that to consider dialectics today as to be only materialistic is not true, — writes the author. — For the dialectics of Aristotle and Xenon, Farabi and Ibn Sino, Yasavi and Nakshband was not exactly a materialistic dialectics! True, their dialectics related in equal degree to nature and society, epistemology and man’s practice, as well to materialism and idealism.”

The Magazine’s correspondent talks to the head of public department of the “Spirituality and Enlightenment” of Samarkand Oblast, Sakhbazar Karimov about changes in the domain of spirituality which are going on in the oblast, about the place of spirituality in man’s life. “I understand spirituality first of all as humanness. For all the properties of our people, its good will were also based in the first turn on it — on humanness. They said not by chance in a proverb: Don’t be son of your father, be son of man”.

On the eve of the collapse of the former USSR a change of values has occurred, old outlooks decayed, but people did not have time to grow accustomed to new relations. Many were seized with panic thoughts that, together with old values, the ancient values inherent in spirituality would also die. And than a question arose: Will literature and art survive nowadays? In his article “Will Literature Die?”, writer Shukur Kholmiraev reflects on place and tasks of literature during the new time.

Doctor of psychological sciences, professor, director of the republican center “Ist’edod”, Botyr Kadyrov, in his conversation with the magazine’s contributor, sociologist Bakhodir Umarov, discusses issues connected with discovering talented children and their education. “In a stable, friendly, highly cultural family a child’s talent, thinking and intellectual abilities reveal themselves, are developed and polished early. According to the data available, first-borns are very

gifted only in rare cases. Most of great persons were forth or fifths child in the family.”

Pople’s Writer of Uzbekistan, Primkul Kadyrov, in his article “Courage”, describes one historical page from the life of great poet and statesman Zakhiriddin Mukhammad Babur.

Jn his philosophical notes, philosopher Viktor Alimasov meditates on the world, human life, essence of time. There is one of them: “German philosopher Sopengauer said once: ‘Man writes a novel till he is forty, and after forty — comment to it’. One cannot but agree with these words, however there is some ache in one’s heart: is it sufficient to write only comment during one’s remaining life?..”








Uruz means raising. Representatives of Sufis understood the term “uruzh” as perfecting of human spirit, getting close to God. Literary critic Nazhmiddin Kamilov, in his article “Uruz”, throws light on the matter.

Awonderful album entitled “Successors to the Silk Road. Uzbekistan” has been published in Germany. The history of Uzbekistan, its cultural monuments, the Uzbeks’ way of life and the independent development of this country are widely described in this album. It is rich with rare historical photos, facts as well as analytical articles. The magazine publishes one of these articles — German scientist Annymary Shimeling’s reflections on the Uzbek people and its ancient culture.

Мамлакатимизда халқ руҳига маънавият ва маърифат улашадиган зиё масканлари беҳисоб. Улар ичида «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни алоҳида ўрин тутади.

Истиқлол йилларида ушбу корхона фаолиятида туб ўзгаришлар юз берди. Миллий маънавиятимиз намунаси бўлган ноёб китоблар, миллий қадриятларимиз гавҳари — кўҳна шаҳарларимиз, маданий обидаларимиз ҳақидаги альбомлар, буюк аجدодларимиз, фидойи замондошларимиз сиймоси акс этган портретлар, турли хил тақвим, матбаавий ҳадя-безаклар ва бошқа маърифий жиҳозлар чоп этила бошлади. «Шарқ» концерни даврий матбуотимиз — газета-журналларимизни ҳаётга учирма қиладиган муқаддас бешик ҳамдир.

Тажрибали ва билимдон ишбоши, қутлуғ ёш бўсағасида ҳам ҳормай-толмай меҳнат қилаётган Ислом Шоғулов раҳбарлигида бу ерда мамлакатимиз матбаачиларининг бир неча авлоди вояга етди ва бугунги кунда халқимиз маънавиятини юксалтириш йўлида хизмат этмоқда.



2
1998

Нашр кўрсаткичи: 869/870
Баҳоси келишилган нархда

ТАФАККУР

TAFAKKUR

